

94

М 14

ЗОҲИД МАДРАҲИМОВ



Қўқон
Хонлигида
Савдо
Муносабатлари
Тарихи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОҲИД МАДРАҲИМОВ

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА
САВДО МУНОСАБАТЛАРИ
ТАРИХИ**

ТОШКЕНТ
«YANGI NASHR»
2014

УЎК: 95(575)(072)

63.3(5Ў)5

М 14

Мадраҳимов, Зоҳид

Кўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи: монография / З. Мадраҳимов. – Тошкент: «Yangi nashr», 2014. - 176 б.

КБК 63.3(5Ў)5

65.42(5Ў)


ISBN-978-9943-22-134-5

*Масъул мұхаррир:
тарих фанлари доктори, профессор
Гулчехра Аззамова*

*Тақризчилар:
тарих фанлари номзоди, доцент Зиёвуддин Илҳомов,
тарих фанлари номзоди Шерали Кўлдошев*

Мазкур монографияда XVIII аср бошларидан XIX аср 70-йилларига қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Кўқон хонлигининг ички ва ташки савдо алоқалари ёритилган. Хонликнинг иқтисодий марказлари хисобланган катта ва кичик шаҳарлар, уларнинг ички, ташки савдодаги ўрни ҳамда аҳамияти таҳлил этилган. Ташки савдонинг ўрни, импорт ва экспорт маҳсулот турлари, таркиби, бу маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф, маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги, бозорлар, карвонсаройлар, савдо дўконлари, божхоналар фаолияти, бож турлари, таркиби, ундан келадиган тушумнинг ҳажми, уларнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Монография савдо муносабатлари ва Кўқон хонлиги тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, тарих мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавр, магистрларга ҳамда она юртимиз тарихи билан кизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



© «Yangi nashr», 2014

МУҚАДДИМА

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ўтган йиллар ичидаги ўта мاشаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Буни олдиндан яхши билган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов озодликка эришган дастлабки кунларимизда “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишининг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир”, деб айтган сўзлари замирида қанчалик чукур ҳаётий маъно борлигини яна бир бор англаймиз¹.

Шу билан бирга, истиқлол Ўзбекистон халқига маънавий уйғониш, ўзликни англаш, бой тарихий ўтмишини ўрганишга имкон яратиб берди. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавий бойликлар, қадриятлар давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаи ҳисобланади. Айнан ушбу маънавий ва мафкуравий асосни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир. Зоро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “...тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасорати тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда”². Президент тарихий хотира тўғрисида фикрини давом эттирад экан “Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равищда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, кувонч ва изтироблари билан холис ва

¹ Karimov I. A. O’zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – Toshkent: O’zbekiston, 2011. – B. 27.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 127.

УЎК: 95(575)(072)

63.3(5Ў)5

М 14

Мадраҳимов, Зоҳид

Кўқон хонлигида савдо муносабатлари тарихи: монография / З. Мадраҳимов. – Тошкент: «Yangi nashr», 2014. - 176 б.

КБК 63.3(5Ў)5

65.42(5Ў)


ISBN-978-9943-22-134-5

Масъул мухаррир:
тарих фанлари доктори, профессор
Гулчехра Агзамова

Тақризчилар:
тарих фанлари номзоди, доцент Зиёвуддин Илҳомов,
тарих фанлари номзоди Шерали Кўлдошев

Мазкур монографияда XVIII аср бошларидан XIX аср 70-йилларига қадар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган Кўқон хонлигининг ички ва ташки савдо алоқалари ёритилган. Хонликнинг иқтисодий марказлари хисобланган катта ва кичик шаҳарлар, уларнинг ички, ташки савдодаги ўрни ҳамда аҳамияти таҳлил этилган. Ташки савдонинг ўрни, импорт ва экспорт маҳсулот турлари, таркиби, бу маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф, маҳсулотларнинг рақобатбардошлилиги, бозорлар, карвонсаройлар, савдо дўконлари, божхоналар фаолияти, бож турлари, таркиби, ундан келадиган тушумнинг ҳажми, уларнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Монография савдо муносабатлари ва Кўқон хонлиги тарихи билан шугулланувчи тадқиқотчилар, тарих мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган бакалавр, магистрларга ҳамда она юртимиз тарихи билан кизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



© «Yangi nashr», 2014

МУҚАДДИМА

Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистон ўтган йиллар ичида ўта маشاққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Буни олдиндан яхши билган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов озодликка эришган дастлабки кунларимизда “Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан холос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир”, деб айтган сўзлари замирида қанчалик чуқур ҳаётий маъно борлигини яна бир бор англаймиз¹.

Шу билан бирга, истиқлол Ўзбекистон халқига маънавий уйғониш, ўзликни англаш, бой тарихий ўтмишини ўрганишга имкон яратиб берди. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш, ундан халқнинг бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавий бойликлар, қадриятлар давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаи ҳисобланади. Айнан ушбу маънавий ва мафкуравий асосни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда тарих фани алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “…тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормокда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасорати тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда”². Президент тарихий хотира тўғрисида фикрини давом эттирад экан “Тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффакият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, кувонч ва изтироблари билан холис ва

¹ Karimov I. A. O'zbekiston mustaqillikka erishish ostonasida. – Toshkent: O'zbekiston, 2011. – B. 27.

² Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б. 127.

ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади”³, – дея ҳақли равишда қайд этган.

Бугунги замон эскича фикрлашга барҳам бериш, тарихий воқеалар ва жараёнларни баҳолашда миллий манфаатлардан келиб чиқиш зарурлигини талаб қилмоқда. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини умумжаҳон тараққиёти нуқтаи назаридан, аниқ тарихий фактларга таяниб, холис ва илмий асосда тадқиқ этиб, халққа етказиш зарурияти пайдо бўлди. Президент И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчилар ва журналистлар билан бўлган учрашувида Республика тарихчилари олдига айнан шундай вазифа қўйилди. Ушбу масала 1998 йил 27 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида ҳам ўз ифодасини топган. Унда хусусан, ўзбек халқи ва унинг давлатчилигининг ҳаққоний тарихини, яъни “энг қадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида худудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш” лозимлиги қайд этилган⁴.

Интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари фаол кечётган ҳозирги шароитда бу масалаларнинг ўрганилиши муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу ўриндá Ўзбекистон худудида фаолият юритган давлатлар иктисодий ҳаётида катта ўрин эгаллаган савдо муносабатлари тарихи алоҳида ажralиб туради.

Маълумки, савдо Ўзбекистон худудида қадимдан шаклланиб ривожланган ҳамма давлатлар аҳолиси ҳаётида, иктисодий тараққиётида муҳим ўрин тутган. Бу жараёнга ижобий таъсир этган омил сифатида Ўрта Осиёда Буюк Ипак йўлининг ўтганлигини кўрсатиш мумкин. Буюк Ипак йўли фаолияти Ўрта Осиё мамлакатларининг ички ва ташқи савдо алоқалари ривожига ижобий таъсир кўрсатган ҳамда иктисодий муносабатлар туфайли турли минтақалар ҳақидаги маълумотларнинг тўпланиши ва

³ Karimov I. A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008. – В. 97.
⁴ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи. 1998 йил 28 июль.

алмашинуви рўй берган. Буни Буюк Ипак йўлининг қадим трассаларида жойлашган давлатлардан бири Кўқон хонлиги мисолида яққол кузатиш мумкин.

Кўқон хонлиги (1709–1876) тарихан қисқа вақт бўлсада, Ўрта Осиё халқарининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнаган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Кўқон хонлиги тарихининг турли масалалари бўйича тадқиқотларда муаммонинг айрим жиҳатларига, жумладан, Россия билан савдо-сотик алоқаларига тўхталинса-да, уларда хонликнинг савдо муносабатларининг характерли хусусиятлари, хусусан, унинг қўшни давлатлар, Узоқ Шарқ мамлакатлари билан савдоси тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунингдек, хонликда ички ва ташқи савдонинг аҳволи, унинг ўзига хос хусусиятлари, бозорлар, карвонсаройлар фаолияти, бож ва пул тизими, олди-сотди муносабатлари, унда турли этнослар иштироки масалалари ўзининг тўлиқ аксини топмаган. Шу жиҳатдан ушбу масалаларни тизимли ўрганиш, масаланинг бугунги қунга дахлдор илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Монографияда Кўқон хонлигининг иқтисодий марказлари ҳисобланган катта ва кичик шаҳарлар, уларнинг ички-ташқи савдодаги ўрни ҳамда аҳамияти таҳлил этилган. Кўқон хонлигидаги савдо муносабатлари ҳамда унинг ўзига хос қонун-қоидлари, ундаги ўзгаришлар, Бухоро ва Хива хонликларидаги ҳолатларга солиширилган ҳолда, фарқли ва ўхшаш томонлари илмий кўрсатиб берилган. Хонликнинг иқтисодий ҳаётида ташқи савдонинг ўрни, импорт ва экспорт маҳсулот турлари, таркиби, бу маҳсулотларга бўлган талаб ва таклиф, ички бозорларда хориж маҳсулотлари, хориж бозорларида маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлилиги ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Кўқон хонлиги аҳолиси таркиб жиҳатдан кўп миллатли эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ички ва ташқи савдода турли этнослар ва тоифаларнинг иштироки, уларнинг иқтисодий имкониятлари ўрганилиб, ўзига хос жиҳатлари қайд этилган. Кўқон хонлиги худудида фаолият кўрсатган

бозорлар, уларнинг инфратузилмаси, бошқаруви, ҳажми, табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда уларда мавжуд бўлган маҳсулот турлари ва савдогарлар учун яратилган шароит, қулийликлар ҳамда савдони ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этувчи карвонсаройлар фаолияти манбалар маълумотлари асосида илмий таҳлил этилган. Кўён хонлигига муомалада бўлган пул тизими, бу соҳада ислоҳотлар ўтказган ҳукмдорлар, ислоҳотларнинг сабаб ва оқибатлари, танга пулларнинг ички ва ташки савдодаги қиймати, хонлик бозорларида фойдаланилган қўшни ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, уларнинг турли даврлардаги қиймати аникланган. Хонликдаги ички ва ташки савдо фаолиятини назорат қилувчи давлат амалдорларининг тайинланиш тартиби, берилган мансаб даражасидан келиб чиққан ҳолда уларга юқлатилган вазифалар, амалдаги қонунчилик асосидаги фаолияти, қўшни давлатлардаги амалдорлар фаолияти билан таққосланган ҳолда, ўхшаш ва фарқли хусусиятлари кўрсатиб берилган. Хонликнинг ички, чегара худудларида фаолият кўрсатган божхоналар фаолияти, уларни тартибга келтириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар, божтурлари, таркиби, ундан келадиган тушумнинг ҳажми, уларнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти илк маротаба илмий жиҳатдан ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилган. Вақф институтининг савдо муносабатлари билан ўзаро алоқадорликда маданий-маънавий ҳаёт тараққиётида тутган ўрни очиб берилган. Кўпгина манбалар маълумотлари ва архив ҳужскатлари илк бора муомалага киритилган.

Муаллиф мазкур монографиянинг яратилишида ўзларининг яқин ёрдамлари, маслаҳат ва тавсияларини берган инсонларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

Хонликда савдо муносабатларининг кўп хусусиятлари қўшини Ўрта Осиё хонликларига ўхшаш бўлса-да, ундаги бозорлар, карвонсаройлар фаолияти, бозорлардаги ташкилий ишлар ва бож тизими ҳамда бозор ишларига масъул шахслар фаолиятида кескин фарқлар мавжуд бўлган.

Кўқон хонлигининг савдо муносабатлари масаласи алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ҳозирга қадар комплекс тарзда ўрганилмаган бўлса-да, XVIII аср бошларидан XIX аср 70-йилларигача хонликда рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеалар айrim тадқиқотчиларнинг дикқат марказида бўлган. Кўқон хонлиги тарихи ёритилган илмий адабиётларни шартли равишда қуидаги гурухларга ажратиш мақсадга мувофиқдир: 1. Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид тадқиқотлар. 2. Совет даври адабиётлари. 3. Мустақиллик даврида нашр этилган илмий тадқиқотлар. 4. Кўқон хонлиги тарихининг айrim масалаларини ўзида акс эттирган хорижлик муаллифларнинг асарлари.

Биринчи гурухга мансуб адабиётларниң муаллифлари асосан россиялик олимлар, ҳарбийлар, сайёҳ ва элчилар ҳисобланиб, улар XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиё, хусусан, Кўқон хонлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар⁵. Уларнинг

⁵ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией / Зап. РГО. Кн. X. – СПб., 1855. – С. 1 – 355; Ўша муаллиф. Следование караванов из Бухары в Россию и обратно (Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Кокандом). – СПб., 1856. – 376 с.; Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции в 1858 – 1859 годах / Собрание сочинений. В 5-томах. – Алма-Ата, Т.И. 1985. – С. 97 – 222; Ўша муаллиф. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда / Собрание сочинений. В 5-томах. – Алма-Ата, Т.В. 1985. – С. 104 – 113; Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб.: Тип. Майкова, 1867. – 73 с.; Костенко Л. Средняя Азия и возвращение в ней русской гражданственности // Туркестанский сборник. Том 29. 1870. – С. 1-359; Ўша муаллиф. Туркестанский край. Том I. – СПб.: Тип. Транцеля, 1880. – 452 с.; Ўша муаллиф. Туркестанский край. Том II. – СПб.: Тип. “Общественная польза”, 1880. – С. 261; Петровский Н. О. О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии. – Т.: Тип. Военно-Нар. Уп. 1873. – С. 120; Терентьев М. А. Россия и Англия в борьбе за рынки. – СПб.,

асарларида асосий эътибор Кўқон хонлигининг умумий тавсифига қаратилиб, хонликдаги савдо муносабатларининг айрим жиҳатларига ойдинлик киритувчи маълумотлар қайд қилинган. Жумладан, уларда XIX асрда хонликдаги сиёсий, ижтимоий-иктисодий ҳаёт, мамлакатдаги бозор ва карвонсаройлар фаолияти, олди-сотди жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, бож ва пул тизими ҳамда хонлик аҳолиси таркиби, давлатнинг сиёсий ва иктиносидий ҳаётида турли этносларнинг иштирокига оид айрим қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

Юқорида номлари қайд этилган Кўқон хонлиги тарихига оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврда яратилган асарлар турли ижтимоий гурухларга мансуб муаллифлар томонидан ёзилганлиги, уларда хонлик сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳаёти тавсифига асосий эътибор қаратилганлиги,

1876 // Туркестанский сборник. Том 98. – С. 1–264; *Кун А.* Некоторые сведения о Ферганской долине // Туркестанский сборник. Том 117. – С. 417 – 448; *Ўша муаллиф.* Очерки Кокандского ханства // Известия РГО, Т. XII. – СПб., 1876. – С. 17–119; *Хорошхин А. П.* Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Т.116. – СПб., 1876. – С. 170 – 195; *Ўша муаллиф.* Сборник статей касающихся по Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 533; *Гейнс А. К.* Управление Ташкентом при Кокандском владычестве / Собрание литературных трудов. Том II. – СПб.: Тип. М.Стасюревича, 1898. – С. 741; *Пантусов Н.* Податные сборы в Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №13; *Ўша муаллиф.* Сборы и пошлины в бывшем Кокандском ханстве // Туркестанские ведомости. 1876. – №17; *Федченко А.* Из Кокана. Сведения о путешествии по Коканскому ханству // Известия ИРГО. Том VIII. 1870. – С. 6 – 20; *Ўша муаллиф.* Из Кокана // Ежегодник. Материалы для статистики Туркестанского края. Под. ред. Н.А.Маева. – СПб., 1873. – С. 387 – 404; *Ўша муаллиф.* В Кокандском ханстве. – СПб., 1875. – С. 160; *Ўша муаллиф.* Оби джуазь – писчебумажная фабрика в Кокане // Туркестанский сборник. Том 57. 1878. – С. 413–418; *Миддендорф А. Ф.* Очерки Ферганской долины. Перевод с немецкого В. И. Ковалевского. – СПб., 1882. – С. 604; *Наливкин В. П.* Торговля пригонными баранами в Наманганском уезде // Туркестанские ведомости. 1880. – №49; *Ўша муаллиф.* Киргизы Наманганского уезда // Туркестанские ведомости. 1881. – №20; *Ўша муаллиф.* Заметки по вопросу о лесном хозяйстве в Фергане // Туркестанские ведомости. 1883. – № 16; *Ўша муаллиф.* Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886. – С. 215; *Саттархан Абдул-Гафаров.* Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Туркестанские ведомости. 1892. – № 26, 29, 36; *Добросмыслов А. И.* Города Сырдарынский области. – Т.: Тип. О.А.Порцова, 1912. – С. 204; *Ўша муаллиф.* Ташкент в прошлом и настоящем. – Т.: Тип. О.А.Порцова, 1912. – С. 522

мамлакатдаги савдо муносабатларини таҳлил этишга бағишиланган маҳсус тадқиқот яратилмаганлиги, бу асарлар асосан информатив характерга эга бўлганлигини кўрсатади.

Кўқон хонлиги тарихига доир иккинчи гуруҳ адабиётларини совет даврида яратилган асар ва тадқиқотлар ташкил қиласди. Бу даврда Кўқон хонлиги тарихига оид қатор изланишлар амалга оширилди. Мазкур тадқиқотларнинг асосий қисми хонликнинг сиёсий тарихига бағишиланган бўлиб, уларда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ва савдо муносабатларига оид маълумотлар қисман ўз аксини топган.

Кўқон хонлиги тарихининг турли масалаларига оид тадқиқотлар олиб борган олимлар жумласига В.В. Бартольд, А.Г. Адинаров, А. Ҳасанов, А.П. Қаюомов, Э. Ҳожиев, А.Л. Троицкая, Р.Н. Набиев, Ҳ.З. Зиёев, Ҳ.Н. Бобобеков, Ф. Ғаффоров, В.А. Акрамов, С.Х. Ишанханов, В.М. Плоских, Т.К. Бейсембиев, Э. Хуршут, А. Маҳкамов, Ш.Ҳ. Воҳидов кабиларнинг асарларини киритиш мумкин⁶.

⁶ Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана / Соч. Т.II. Ч. 2. – М., 1963. – С. 286 – 292; Ўша муаллиф. Коканд / Соч. Т.ІІ. – М., 1965. – С. 462 – 467; Ўша муаллиф. Ташкент / Соч. Т.ІІ – М., 1965. – С. 499 – 503; Ўша муаллиф. Фергана / Соч. Т.ІІ. – М., 1965. – С. 527 – 539; Ўша муаллиф. Извлечение из “Тарих-и Шахрухи”// Соч. Т.ІІ. – М., 1965. – С. 350–358.; Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским генерал-губернаторством и Кокандским ханством: Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1946. – 199 л.; Ҳасанов А. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – М., 1968. – С. 92; Қаюомов А. Кўқон адабий мухити. – Т., 1961. – Б. 563; Ҳожиев Э. Ўрта Осиё – Россия иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкентнинг роли (XVIII аср охири – XIX аср бошлари): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1962. – 259 в.; Троицкая А. Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. – 582 с.; Ўша муаллиф. Материалы по истории Кокандского ханства XIX в. – М.: Наука, 1969. – С. 154; Набиев Р. Н. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. – Т.: Фан, 1966. – 80 с.; Ўша муаллиф. Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худояр-хана). – Т.: Фан, 1973. – С. 476; Зиёев Ҳ. З. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI – XIX асрлар). – Т., 1962. – Б. 88; Ўша муаллиф. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI – XIX асрлар). – Т., 1965. – Б. 237; Ўша муаллиф. Узбеки в Сибири (XVII – XIX вв.) – Т.: Фан, 1968. – С. 74; Ўша муаллиф. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI – XIX вв. – Т.: Фан, 1983. – С. 167; Бабабеков Ҳ. Н. Историческая литература о Кокандском ханстве (Русская литература 60–70 годах XIX в): Автореф... дис. канд. ист. наук. – Т.: ИВ АН РУз, 1970. – 20 л.; Ўша муаллиф.

Кўқон хонлиги тарихига оид совет даври адабиётлари таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу давлатда кечган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар коммунистик партия мафкурасига бўйсундирилган ҳолда, синфилик нуқтаи назаридан ўрганилган. Шу жумладан, хонликдаги ички ва ташқи савдо муносабатлари узвий алоқадорликда тадқиқ этилмаган. Савдо муносабатларининг шаҳарлар ва қишлоқлар иқтисодий равнакига, давлат ва унга қўшни ҳудудларда кечган этно-демографик ва интеграцион жараёнларга, ишлаб чиқарувчи кучлар ва бозор инфраструктурасига кўрсатган таъсири ҳамда бу борада юз берган ўзгаришлар тарихий ва илмий изчиллиқда ёритилмаган. Уларнинг аксарият қисми айрим архив маълумотларини статистик қайд қилиш билан чегараланиб қолган. Айрим тадқиқотларда эса, Кўқоннинг ташқи савдоси фақатгина Россия империяси билан олиб борилган савдо мисолида ўрганилган. Хонликнинг бошқа давлатлар, Ўрта Осиё хонликлари билан амалга оширган савдо алоқалари тадқиқ этилмаган.

Кўқон хонлиги тарихига доир адабиётларнинг учинчи гуруҳини иқтиқдол даврида нашр этилган илмий тадқиқотлар ташкил этади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг турли даврлари, хусусан, хонликлар даври тарихи ҳам янгича қараш ва ёндашувлар асосида ўрганила бошланди. Ўзбекистон

Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки (XVIII – XIX вв.). – Т.: Фан, 1990. – С. 118; *Фаффоров Ф.* Россия билан Кўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар (XIX асрнинг биринчи ярми ва 60 – 70-йиллар): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1970. – 266 в.; *Акрамов В. А.* Кўқон шахрининг ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. Институти, 1973. – 220 в.; *Ишанханов С. Х.* Каталог монет Коканда XVIII – XIX в.в. – Т., 1976. – 40 с.; *Плоских В. М.* Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – С. 465; *Бейсембиеев Т. К.* “Тарихи Шахрухи” – как исторический источник. – Алма-Ата.: Наука, 1987. – 198 с.; *Хуршут Э.* “Мунтхаб ат-таворих” и его списки // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т., 1986. – №5. – С. 41–45; *Ўша муаллиф.* Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Т.: Фан, 1987. – Б. 47; *Махкамов А.* Роль города Коканда в развитии в экономических связях Средней Азии с Россией и сопредельными странами в XIX – начале XX веков: Дис... канд. ист. наук. – Т.: Иис. Истории АН Уз ССР, 1988. – 170 л.; *Вахидов Ш. Х.* Аваз Мухаммад Аттор Ҳуканди и его сочинение “Тарихи Джаканнамам”: Автореф... дис. канд. ист. наук. – Т.: ИВ АН РУЗ, 1990. – С. 20.

худудида қадимдан шаклланиб ва ривожланиб келган миллий давлатчиликнинг ажралмас қисми бўлган Кўқон хонлиги тарихи, унда кечган сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий жараёнларнинг айрим жиҳатларига бағишлиланган турли асарлар, тадқиқотлар ва мақолалар чоп этилди. Уларда Кўқон хонлиги тарихининг сиёсий, маданий ҳаёти ва хонлик халқларининг Россия тажовузи ҳамда ҳукмронлигига қарши кураши, Кўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий асослари, турли тарихий шахсларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ўрни, хонликдаги ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг баъзи масалалари, маъмурий-бошқарув тизимининг айрим муаммолари, хонликнинг Шарқий Туркистон билан сиёсий, иктиносий ва маданий алоқалари, Кўқон хонлиги манбашунослиги масалалари кўтарилиган ва ўзининг илмий талқинини топган. Бундай тадқиқотлар жумласига Ҳ.Н. Бобобеков, Ҳ.З. Зиёев, Ш.Ҳ. Воҳидов, Г.А. Агзамова, Д. Сангирова, В. Ишқувватов, З.А. Илҳомов, Б.Я. Турсунов, Ў.А. Султонов, Ш.Ю. Маҳмудов, Ш.Т. Кўлдошев кабиларнинг асар, диссертация ва мақолаларини киритиш мумкин⁷.

⁷ Бобобеков Ҳ. Н. Кўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996. – Б. 238; Ўша муаллиф. Кўқон хонлиги тарихининг долзарб муаммолари // “Ўзбек давлатчилиги тарихида Фаргона водийси”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Фаргона, 2004. – Б. 29 – 35; Ўша муаллиф. Англо-русское соперничество в Средней Азии XIX веке. – Т., 2006. – С. 51; Зиёев Ҳ. З. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 480; Ўша муаллиф. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 2000. – 288 б.; Воҳидов Ш. Ҳ. Кўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1995. – №3–4. – Б. 214 – 223; Ўша муаллиф. XIX – XX аср бошларида Кўқон хонлигига тарихнависликнинг ривожланиши: Тарих фан. докт.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 1998. – 305 в.; Воҳидов Ш., Холикова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX – XX аср бошлари). – Т., 2006. – 71 б; Агзамова Г. А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их с Россией (вторая половина XVI – первая половина XIX в.); Дисс... канд. ист. наук. – Т.: Инс. Истории АН РУз, 1990. – С. 195; Ўша муаллиф. К истории торговли Бухары XVI – первой половины XIX века // Общереспубликанские науки в Узбекистане. – Т., 1991. – №9,10,11. – С. 56 – 63; Ўша муаллиф. XVI – XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон шаҳарлари ва шаҳарлар ҳаёти: Тарих фан. докт.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2000. – 348 в.; Сангирова Д. “Тарихи Азизий” – чор мустамлакачилиги даврига оид муҳим тарихий манба:

Бу давр тадқиқотчиларининг асар, мақола ва диссертациялари хонлик тарихининг айрим жиҳатларини ёритишида мұхим аҳамият касб этади. Бирок, бу тадқиқотларда хонликдаги савдо муносабатларининг бирор-бир жиҳати ўрганилган масалалар билан ўзаро боғлиқтайды.

Күкөн хонлиги тарихига бағишенген қатор тадқиқотлар хорижлик мұаллифлар томонидан ҳам амалга оширилди. Хусусан, қирғиз олим С.С.Сооданбеков, қозоқ олим Т.К. Бейсембиев, инглиз олимлари М. Холдсворт ва Б. Манс, турк тарихчиси М. Сарай, корейс тарихчиси Ким Хондонг ва бошқаларнинг Күкөн хонлиги тарихига оид тадқиқотлари эътиборга молик⁸.

Тарих фан. номз.. дисс. – Т., 2000. – 153 в.; *Ишқуеватов В.* XX асрнинг II ярми тарихшунослигига Күкөн – Россия дипломатик муносабатлари: Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2003. – 152 в.; *Илдомов З. А.* Аликули Амирлашшар ва унинг Күкөн хонлиги сиёсий тарихида туттган ўрни: Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2004. – 160 в.; *Турсунов Б. Я.* Күкөн хонлигига ҳарбий иш ва кўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70-йилларигача): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2006. – 154 в.; *Султонов Ў. А.* Мұхаммад Солиҳхўжанинг “Тарихи жадидай Тошканд” асари мұхим тарихий манба сифатига (XIX аср): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Шарқшунослик институти, 2007. – 173 в.; *Мағмудов Ш. Ю.* Күкөн хонлигининг маъмурй-бошқарув тизими (1709 – 1876 й.): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: ЎзР ФА Тарих институти, 2007. – 160 в.; *Қўлдошев Ш. Т.* Күкөн хонлиги ва Қашқар ўргасидаги савдо алоқалари // “Күкөн асрлар силсиласида”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Күкөн, 2004. – Б. 301 – 303; *Ўша муаллиф*. Күкөн хонлигининг Шарқий Туркистан билан иқтисодий алоқаларида Марғilonнинг туттган ўрни // “Марғilon асрлар силсиласида”. Республика илмий-амалий семинари материаллари. – Фарғона, 2005. – Б. 77 – 80.

⁸ Сооданбеков С. С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек, 2000. – С. 144; Бейсембиев Т. К. Высшая администрация Ташкента и юга Казахстана в период Кокандского ханства: 1809–1865 гг. / Историко-культурные взаимосвязи Ирана и Дашт-и Кипчака в XIII – XVIII вв. Материалы международного круглого стола. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 291–313.; Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – 80 p.; Central Asia in historical perspective. Ebited by Beatrice Mans. – Oxford: West view press, 1994. – 245 p.; Saray M. Rusyanın Türk yurdalarına yayılması. – İstanbul, 1975. – 35 s.; Ўша муаллиф. Rus isgali devrinde Osmanlı devleti ile Turkistan hanlıklararı arasındaki siyasi munasabatlar (1775–1875). – Ankara, 1994. – 74 s.; Kim Hondong. Holy War in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia, 1864–1877. – Stanford, 2004. – 295 p.

Хорижлик олимларнинг асарлари Кўқон хонлиги тарихининг манбашу нослиги, хонликнинг давлат тузилиши, бошқарувнинг хусусиятлари каби масалаларга қаратилган. Бироқ, улар хонликнинг савдо муносабатлари, хусусан, унинг ташки иқтисодий алоқаларига эътибор қаратмаганлар, икки худуд ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихини ўзида акс эттирган яхлит асар яратилмаган.

Мавзу тарихшунослигининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек давлатчилиги анъаналарини давом эттирган Кўқон хонлиги ва унинг савдо муносабатларининг бальзи жиҳатлари турли даврларда чоп этилган айрим мақола ҳамда асарларда (асосан, Кўқон хонлигининг Россия империяси билан иқтисодий алоқалари акс эттирилган, Хитой ва Қашқар билан савдо алоқалари бугунги кунда тадқиқ этилмоқда) қисман ва умумий тарзда ёритилган бўлиб, хонликдаги ички, ташки, транзит савдо ва улар борасида юз берган ўзгаришлар, савдонинг ҳолати, савдо инфраструктураси – бозорлар, карвонсаройлар ва карвон йўллари фаолияти, савдо муносабатларида турли этнослар иштироки, хонлик шаҳарларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, савдо божлари ва пул тизими алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилган тадқиқот яратилмаган.

Монография мавзусига оид манбаларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1. XIX асрда Ўрта Осиё муаррихлари томонидан ёзилган асарлар. 2. XVIII – XIX асрлар оралиғида Ўрта Осиё давлатлари, хусусан, Кўқон хонлигида бўлган европалик ҳамда россиялик элчи, сайёҳ, савдогар, олим ва бошқа шахсларнинг хотиралари, расмий хабарлари ва тарихий асарлари. 3. Архив хужжатлари. 4. XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларига оид бўлган газета ва тўпламлар.

Биринчи гуруҳ манбаларига Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтажаб ут-таворих”⁹, Мулла Ниёз Муҳаммаднинг “Тарихи Шоҳруҳий”¹⁰, Мирзо Олим Мушрифнинг “Ансоб ус-салотин ва

⁹ Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтажаб ут-таворих. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар фонди (Бундан кейин – ЎзР ФА ШИ қўллэзма), инв. – №594

¹⁰ Мулла Ниёз Муҳаммад. Тарихи Шоҳруҳий. ЎзР ФА ШИ қўллэзма, инв. – №4463.

таворих ул-ҳавоқин”¹¹, Абу Убайдуллонинг “Хулосат ул-аҳвол”¹², Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадидай Тошканд”¹³, Муҳаммад Юнус Тоибининг “Тарихи Алиқули амирлашкар”¹⁴, Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жаҳоннамойи”¹⁵, Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий”¹⁶, ИсҳоқхонИбратнинг“Тарихи Фарғона”¹⁷, Мулла Олим Маҳдумнинг “Тарихи Туркистон”¹⁸, Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг “Хуллас ут-таворих”¹⁹, Муҳаммад Фозилбекнинг “Муқаммал тарихи Фарғона”²⁰ каби асарларини киритиш мумкин. Уларда асосан, Кўқон хонлигининг XVIII – XIX асрлардаги тарихи, жумладан, турли ҳукмдорлар, улар юритган ички ва ташқи сиёsat масалалари умумий тарзда ўз ифодасини топган. Шу билан бирга бу асарларда узуқ-юлуқ, қисқа сатрларда бўлса-да, хонликнинг ички ва ташқи савдо муносабатлари, бож ва пул тизими тўғрисида айрим маълумотлар мавжуд.

¹¹ Мирзо Олим Мушириф. Ансаб ус-салотин ва таворих ул – ҳавоқин / Нашрга тайёрловчилар А. Матғозиев, М. Усмонова, – Т., 1995. – Б. 128; Ўша муаллиф. Ансаб ус-салатин ва таварих ал-ҳавакин. Введение Ш.Вахидова, перевод текста, примечания, указатели и послесловия Салиджан Юлдашева / История Узбекистана в арабографических источниках. Том I. – Т., 2007. – С. 254; ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №1314.

¹² Абу Убайдулло. Хулосот ул-аҳвол. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №2084.

¹³ Муҳаммад Солиҳ Тошкандий. Тарихи жадидай Тошканд. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №11072.

¹⁴ Муҳаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. – Т., 1996. – № 1. – Б. 214 – 223; Ўша муаллиф. Тарихи Алимқули амирлашкар // Шарқ юлдузи. – Т., 1996. – № 2. – Б. 208 – 223..

¹⁵ Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамойи. Форс-тоҷик тилидан Ш.Воҳидов таржимаси // Шарқ юлдузи. – Т., 1991. – № 8. – Б. 119 – 137.

¹⁶ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 112; ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №11108.

¹⁷ Исҳоқхон Тўра Ибрат. Тарихи Фарғона / Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Бобобеков, Маҳмуд Ҳасаний. – Т., 1991. – Б. 268 – 327; ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №11616.

¹⁸ Мулло Олим Маҳдум Ҳожси. Тарихи Туркистон. – Қарши: Насаф, 1992. – Б. 148; Ўша муаллиф. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидовники, араб ёзувидан табдил Ш.Воҳидов ва Р.Холиқованики, кўрсаткичлар Ш.Воҳидов ва Д.Сангированики. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 242.

¹⁹ Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Кўқон шаҳар F.Гулом номидаги вилоят адабиёт музейи. – ҚП. 4101.

²⁰ Муҳаммад Фозилбек. Муқаммал тарихи Фарғона. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, инв. – №5971.

Тариқнавислик мактаби вакилларининг асарларида хонликинг савдо муносабатлари изчил ва кенг қамровли тарзда баён қилинмаган бўлса-да, уларда ички ва ташки савдо, пул ва бож тизими, бозораҳлига ҳомийлик қилган ҳукмдорлар, савдо соҳасига дахлдор мансабдорлар ва уларнинг вазифаларига доир бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли маълумотлар келтирилган. Ушбу манбаларнинг муаллифлари тарихий воқеаликларни ўз кўзлари билан кўрганликлари боис, ўша давр тарихини ёритишида уларнинг асарлари муҳим манба бўлиб хизмат қиласди.

Кўқон хонлиги ҳақида маълумот берувчи иккинчи гурӯҳ манбалари таркибига XVIII аср иккинчи ярми – XIX аср 50-йилларига қадар Ўрта Осиё, хусусан, Кўқон хонлигига савдо-тижорат иши ёки ўз ҳукуматининг алоҳида топшириғи асосида ташриф буюрган элчилар, расмий шахслар, шунингдек, сайёҳлар, олим ва ҳарбий асиirlарнинг Ўрта Осиё давлатлари ҳақидаги эсдаликлари, расмий хабарлари, илмий асарларини киритиш мумкин. Улар орасида Ф.Ефремов, Мир Иззат Улла, Ф.Назаров, Е.К.Мейендорф, хорунжий Потанин, казак Максимов, П.И.Демезон, И.В.Виткович, П.Савельев, А.Борис, Н.Хаников, Милюшин ва Батаришкинлар, В.В.Вельяминов-Зернов, Н.Северцовларнинг асарлари ва эсдаликларини алоҳида қайд этиш лозим²¹.

²¹ Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии возвращение его оттуда через Англию в Россию. – Казань, 1811. – 160 с.; Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году. Пер. и примеч. Ю.А.Соколова // Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. Вып. LVXVIII. Кн. II. 1956. – С. 41 – 52; Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – 98 с.; Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М., 1975. – С. 180; Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830) // ИРГО. Том V. Часть XVIII. – СПб., 1856. – С. 254 – 289; Показание Сибирского казака Макеимова о Коканском владении // Вестник ИРГО. Книжка III. – СПб., 1860. – С. 65 – 75.; Записки о Бухарском ханстве (Отчёты П.И.Демезона и И.В.Витковича). – М.: Наука, 1983. – 149 с.; Савельев П. Бухара в 1835 году. – СПб., 1836. – С. 26; Борис А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагоря и отчёт о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию. В 3-томах. – М., 1848–1849. – 628 с.; Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – 26 с.; Показание сибирскихъ казаковъ Милюшина и Батарышкина, бывшихъ в

Бу муаллифлар асарлари Кўқон хонлиги тарихи бўйича мухим аҳамиятга эга ҳисобланиб, уларда XVIII – XIX асрларда хонликдаги сиёсий жараёнлар билан бир қаторда, ижтимоий-иктисодий ҳаёт, бозор, карвонсарой ва карвон йўллари фаолияти, бож ва пул тизими, бозор назорати билан шуғулланувчи мансабдорлар фаолиятига оид маълумотлар ўз аксини топган. Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу асарлар тавсифий характерга эга бўлиб, уларда келтирилган маълумотлар уларнинг муаллифлари томонидан чукур таҳлил қилинмаган ва келтирилган айрим холосалар ҳақиқатдан анча йирок.

Учинчи гуруҳ манбаларини архив ҳужжатлари ташкил этади. Уларда XIX ўрталаридан бошлаб, Кўқон хонлигидаги ички ва ташқи савдо муносабатлари ҳамда уларнинг асосий йўналишлари, бозор ва карвонсаройлар фаолияти, савдо вақфлари, божхоналар ва бож иши, пул тизими, бозорлардаги маҳаллий ва чет мамлакатлардан келтирилган маҳсулотларнинг турлари ва нархи, юк ташувчи воситалар, йўл ҳақи, хонлик савдо алоқаларида турли этносларнинг иштироки ва ҳ.к.лар кунлик, ойлик, йиллик ҳисоботлар орқали келтирилган. Бу гуруҳ манбалари жумласига ЎзР МДАда сақланаётган қуйидаги фонdlарни киритиш мумкин: И. 1-Фонд – Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси, И. 17-Фонд – Сирдарё вилояти бошқармаси, И. 19-Фонд – Фарғона вилояти бошқармаси, И. 23- Фонд – Фарғона вилояти Скоблев уезди бошлиғи бошқармаси, И. 36-Фонд – Тошкент шаҳар бошлиғи бошқармаси, И. 121-Фонд – Тошкент шаҳар закот ишлари бошқармаси, И. 126-Фонд – Бухоро Кушбегиси архиви, И. 276-Фонд – Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг канцелярияси, И. 323-Фонд – Шарқ ҳужжатлари тўплами, И. 336-Фонд – Туркистон ҳарбий губернаторининг канцелярияси, И.

plenу у кокандцевъ съ 1849 – го по 1852 – й годъ // Туркестанский сборник. Том 384. 1883. – С. 21 – 31; Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известие о Ко-канском ханстве. от Мухаммад-Али до Худоярхана. – СПб., 1856. – С. 329 – 370; Ўша муаллиф. Сведения о Коканском ханстве // Вестник ИРГО. Кн. V. Часть XVIII. – СПб., 1856. – С. 107 – 152; Ўша муаллиф. Торговое значение Коканского ханства для русских // ИРГО. – СПб., 1854. – С. 87; Северцов Н. Месяц плена у коканцев. – СПб., 1860 // Туркестанский сборник. Том 373. 1883. – С. 55–86.

469-Фонд – Тошкент шаҳар ярмаркаси ва карвонсаройи ташкилий қўмитаси, И. 715-Фонд – Туркистон ўлкасининг забт этилиши тарихига оид материаллар тўплами, И. 1043-Фонд – Кўқон хонлари дэвонхонаси архиви ва шунингдек, Кўқон ўлкашунослик музейи фонди.

Тўртинчи гурух манбалари XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида нашр этилган газета ва тўпламлардан иборат. Кўқон хонлигининг ички савдо муносабатлари ва ташқи савдонинг асосий йўналишлари, пул ва бож тизими, этносларнинг савододаги иштироки, бозорлардаги маҳаллий ва хорижий мамлакат молларининг тури ва нархи тўғрисидаги маълумотларни XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларига оид материалларни ўзида жамлаган “Туркестанский сборник”²² ва “Туркестанские ведомости”²³ газетасида ҳам учратиш мумкин.

²² Бухара // Туркестанский сборник. Том 30. – СПб., 1870. – С. 111 – 121; Индийский чай в Ташкенте // Туркестанский сборник. Том 27. – СПб., 1870. – С. 151 – 153; Коканское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Т. 23. – СПб., 1870. – С. 25–70; Кокань // Туркестанский сборник. Т. 30. 1870. – С. 130–145; Обменъ Коканского серебра // Туркестанский сборник. Том 72. – СПб., 1873. – С. 266 – 277; О торговых путях между Восточным Туркестаном и Индией // Туркестанский сборник. Том 26. – СПб., 1870. – С. 84 – 90.

²³ Туркестанские ведомости. 1870. – №1; 1871. – №21, 29, 31, 37; 1872. – № 47; 1874. – № 16, 33, 36; 1875. – №16, 29, 47; 1876. – № 12, 30, 33; 1877. – № 43, 44; 1888. – №39; 1892. – № 36; 1894. – № 65.

САВДО-ИҚТІСОДИЁТ МАРКАЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТІСОДИЙ ҲАЁТ РИВОЖИДА ТУТГАН ЎРНИ

XVIII аср биринчи ярмида Ўрта Осиё хонликлари чуқур сиёсий инқирозни бошдан кечирган. Турли ҳукмдорлар орасида қарама-қаршиликларнинг чуқурлашиб бориши натижасида мавжуд хонликларда мураккаб сиёсий вазият юзага келган. Сиёсий ҳаёт инқирози иқтисодий ҳаётдаги парокандаликтек олиб келган. Натижада, бу даврда марказий ҳокимиятнинг салоҳияти сусайиб, ҳукмрон сулолаларнинг мавқеи пасайиб кетган. Ҳокимият тепасида турган сулолалар ўрнига ўзбек уруғлари вакиллари келгандар. Жумладан, Бухорода аштархонийлар мангитларга, Хивада шайбонийлар кўнгиротларга сиёсий ҳаёт майдонини бўшатиб берди. Кўқон хонлигининг ташкил топиши ҳам бу даврда кечган мураккаб сиёсий жараёнларнинг ҳосиласи эди.

Бухоро хонлигидаги сиёсий бошбошдоқлик натижасида XVIII аср бошларида, Фарғона водийсида мустақил Кўқон хонлиги ташкил топган. Кўқон хонлигига Чодак хўжаларининг ёрдами билан 1709 йилда минг уруғининг бошлиғи Шоҳруҳбий ибн Ашур Мұхаммад (1709–1721) асос солға²⁴.

Кўқон хонлиги сиёсий тарихини (1709–1876) шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин: 1. Хонликнинг шаклланиш даври (1709 – XVIII аср 50-йиллари). Бу даврда Кўқон хонлиги асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб, хонлик ҳукмдорлари мамлакатни бирлаштириш, ички низоларга барҳам бериш, ташқи душманга қарши курашиш, мамлакат мавқеини мустаҳкамлаш билан машғул бўлган. 2. Тараққиёт даврининг бошланиши (XVIII асрнинг 60-йилларидан шу аср охиригача). Бу асосан Норбўтабий (1762–1798) ҳукмронлик қилган давр бўлиб, хонлик ҳудуди кенгайган, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксала бошлаган. Мамлакат Ўрта Осиёда ҳам ўз мавқеига эга бўлиб борган. 3. Тараққиёт даври (XIX асрнинг биринчи ярми). Олимхон (1798–

²⁴ Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидовники, араб ёзувидан табдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиковники, кўрсаткичлар Ш. Воҳидов ва Д. Сангировники. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 5.

1810), Умархон (1810–1822), Мухаммадалихон (1822–1842) каби хукмдорлар даврида хонлик худуди кенгайиб, шимолдан қозоқ чўллари ва у орқали Россия, ғарбдан Бухоро хонлиги, чўл зоналари орқали Хива хонлиги худуди, шарқдан Қашқар ерлари билан чегарадош бўлиб, жанубий худудлари Помир тофларига тулашиб кетган. Хонлик Ўрта Осиёда сиёсий мавқеини мустаҳкамлаш билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ҳам анча юксалган. 4. Таназзул даври (XIX асрнинг 50–70-йиллари). Бу даврда ички низолар ва ташки урушлар авжига чиқкан. Мамлакат сиёсий ва иқтисодий таназзулга юз тутган. Тахт учун курашлар кучайиб, хонлик хукмдорлари тинимсиз алмашиниб турган. Хатто, Худоёрхоннинг ўзи уч марта (1845–1858, 1862–1863, 1865–1875) тахтга келиб, ички низолар оқибатида уч маротаба ундан кетишга мажбур бўлган. Ташки душмандан хонлик ўзини мудофаа қила олмаган. Натижада, дастлаб 1842 йил Бухоро Кўқон хонлигини вақтинча босиб олган бўлса, 1876 йил Россия империяси унга барҳам берган.

Айнан мана шундай сиёсий воқеликлар тизимида мамлакат иқтисодий ҳаёти ҳам ривожланиб борган. Марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлган йилларда иқтисодий ҳаёт тараққиёти, уни ташкил этган хунармандчилик ва савдонинг ривожи кўзга яққол ташланади. Бу жараёнлар фаол кечган марказлар – шаҳарлар эди. Хонлик ташкил топган XVIII аср бошларида Андикон, Марғилон, Ўш, Хўжанд шаҳарлари Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари ҳисобланган. Мамлакат сиёсий жиҳатдан тараққий этиб бориши натижасида астасекинлик билан бу шаҳарларнинг иқтисодий марказлар сифатида салоҳияти ошиб борди. Улар билан бир қаторда янги шаҳарлар пайдо бўлган, авваллари у қадар муҳим аҳамият касб этмаган кичик шаҳарлар йирик иқтисодий марказларга айланди. Хусусан, пойтахт Кўқон шаҳри XVIII аср бошларида ташкил топди ва астасекинлик билан Ўрта Осиёning йирик иқтисодий марказларидан бирига айланган. Маълумотларга қараганда, Шоҳруҳбий (1709–1721) тахтга ўтирганидан сўнг мамлакат пойтахти сифатида Кўқон шаҳри ҳам шаклланиб борди. Эски қўргон ва Кўктўни

ота мавзеси ўртаси, яъни икки сой ўртасидаги ерлар пойтахт учун маъкул деб топилиб, бу ерга ўрда ва арк, унинг атрофида амалдорлар уйлари курилган²⁵.

Шу тарзда Кўқон шахри аҳамияти кўтарилиб борган. Абдулкаримбий (1734–1750) ҳукмронлиги даврида пойтахтга эътибор янада кучайиб, Кўқон атрофи девор билан ўралган, бозор ва расталар барпо қилингандан²⁶. XIX аср 40-йилларида келгандан Кўқон атрофи 18 кмдан ортиқ узунликдаги деворлар билан ўралган 12 дарвозали йирик шаҳар эди. Бу даврда Кўқон маъмурий жиҳатдан 4 қисмга – Хўжанд, Саримозор, Марғилон, Қатағон даҳаларига бўлинниб, Ўрта Осиёнинг йирик иқтисодий марказларидан бирига айланган²⁷.

Авваллари унчалик аҳамияти юқори бўлмаган, хонлик даврида йирик иқтисодий марказлардан бирига айланган шаҳарлардан бири Наманганд ҳисобланади. XIX аср бошларига келиб, Кўқон хонлигига иқтисодий ва маданий марказлардан бири сифатида Наманганд шаҳрининг мавқеи ортиб борди. 1803 йилда Норин дарёсидан сув олувчи Янгиарик каналининг қазилиши ва унинг 1819 йилига келиб Умархон томонидан кенгайтирилиши қўриқ ерлар ўзлаштирилишига ва Наманганд шаҳрининг янада кенгайишига сабаб бўлди²⁸. Сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан юксалиб борган Наманганд 1842–1845 йилларда мудофаа девори билан ўралган²⁹. XIX аср 20-йилларида Наманганд таҳминан 5000 уй бўлган ва уларда 25 мингдан ортиқ аҳоли яшаган³⁰. XIX аср ўрталарида Кўқон хонлигига бўлган рус шарқшуноси В.В.Вельяминов-Зернов, Наманганд шахри хонлик ҳаётида Кўқон ва Тошкент каби муҳим аҳамият касб этиши, ерлари асосан Янгиарик ва Подшо Ота каналларидан сув ичиши ва шаҳар

²⁵ Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон... – Б. 47 – 48.

²⁶ Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли. Муқаммал Тарихи Фарғона//Кулёзма ЎзРФА ШИ. – №5971. 18-варак.

²⁷ Акрамов В. А. Кўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз.. дисс. – Т., 1973. – Б. 25.

²⁸ Иванов П. П. Очерки по истории Средней Азии. – Москва, 1958. – С. 182.

²⁹ Зотов А., Якубов Б., Смирнов Н., Чабров Г. Города Ферганской долины. – Т., 1963. – С. 140.

³⁰ ЎзРМДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 122-иш, 16-варакнинг орқа томони.

аҳолисининг асосий қисмини Чифатой уруғига мансуб ўзбеклар ташғил этиши хусусида маълумот келтирган³¹.

Қўқон хонлиги даврида ташкил топиб, йирик савдо марказларидан бирига айланган шаҳарлардан яна бири Авлиёта бўлиб, у Қўқон хони Муҳаммадалихон 1826–1827 йилларда қурдирган ҳарбий қалъа асосида ривожланган. Бу ерда дастлаб фақатгина ҳарбийлар турган бўлса, аста-секин чорва савдоси билан шуғулланувчи савдогарлар жойлашганлар. 1837 йил қалъада қўй савдоси билан шуғулланувчи савдогарларнинг “Наманганд” деб аталувчи кўчаси пайдо бўлган³². Авлиёта аста-секин кенгайиб, йирик савдо шаҳрига айланган ва бу ерда Ўрта Осиёга машҳур “қозоқ бозори” фаолият юритган³³.

Қўқон хонлиги даврида асос солинган ва аста-секин йирик иқтисодий марказлардан бирига айланган шаҳарлардан яна бири Шаҳрихон ҳисобланган. Қўқон хони Умархон (1810–1822) нинг замондоши Дилшоди Барнионинг “Тарихи Муҳоджирон” асаридаги маълумотга кўра, Умархон Шаҳрихонга 1821–1822 йилларда асос солган³⁴. Умархон янги шаҳарга асос солганидан сўнг, хонликнинг турли худудларидан хунармандларни кўчириб келтирган ва бу ерда савдони ривожлантириш мақсадида савдогарлардан бир неча йил бож олмасликни буюрган. Шунингдек, Умархон Шаҳрихонсой каналини қаздирганидан сўнг кўп ерлар ўзлаштирилган ва Шаҳрихон янада кенгайган. Тарихчи Мирзо Олим Мушриф, “Шаҳрихон обод бўлиб, ғалласи Ҳўқанд аскарига кифоят қилиб, яна зиёдаси омбор қилинур эди”, – деб ёзган эди³⁵.

XIX аср бошларида хонликда сиёсий ва иқтисодий юксалиш даври бошланган. Натижада, мамлакат шаҳарларининг мавқеи кўтарилиши билан бир қаторда, Тошкент, Туркистон,

³¹ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 42.

³² Добросмыслов А. И. Города Сырдарынской области. – Т., 1912. – С. 160.

³³ Маев Н., Терентьев М. Сборник материалов о русском Туркестане и странах Средней Азии (Из Туркестанские ведомости за 1870 год). – Т., 1871. – С. 128.

³⁴ Воҳидова К. Исҳоқхон Жунайдуллоҳхўҷа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси: Тарих фан. номз... дисс. – Т., 2002. – Б. 126.

³⁵ Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин / Нашрга тайёрловчилар А.Матгозиев, М.Усмонова. – Т., 1995. – Б. 19.

Чимкент, Сайрам каби йирик сиёсий ва иқтисодий марказлар күшиб олинди. Шунингдек, хонликнинг чегара ҳудудларида Оқмасжид, Тўқмоқ, Пишпак ва бошқа қалъаларга асос солинди. Тошкент Ўрта Осиёning йирик иқтисодий марказларидан бўлиб, хонликнинг ички ва ташки савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган. Хонликнинг Россия ва қозоқ даштлари билан савдо алоқаларида ҳамда мамлакат бозорларини чорва билан таъминлашда Туркистон, Чимкент, Сайрам ва Оқмасжид шаҳарлари муҳим аҳамиятга эга бўлған. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, хонликнинг айрим шаҳарлари йирик карvon йўлларида жойлашган бўлиб, бу уларнинг тараққиётга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Улар жумласига Тошкент, Кўқон, Ўш, Хўжанд, Туркистон, Чимкент шаҳарларини киритиш мумкин.

Шаҳарлар атроф қишлоқларда истиқомат қилувчи аҳолининг иқтисодий фаровонлиги кўтарилишида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, қишлоқ аҳолиси томонидан етиштирилган маҳсулотлар шаҳар хунармандлари учун хом ашё вазифасини ўтаган. Ўз навбатида, шаҳар хунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари қишлоқ аҳолиси ҳисобланган. Бу эса қишлоқ аҳолиси ҳаёт тарзининг яхшиланиб боришида ва ўз навбатида шаҳар хунармандчилиги тараққиётida муҳим аҳамият касб этган.

Хонлик шаҳарлари йирик иқтисодиёт марказлари эди. Уларда истиқомат қилувчи аҳолининг асосий машғулоти хунармандчилик, савдо, қисман дехқончилик ва боғдорчиликдан иборат бўлган.

Кўқон хонлиги шаҳарларида хунармандчиликнинг турли соҳалари ривожланган. Шунингдек, бальзи шаҳарлар хунармандчиликнинг айрим турлари фақатгина шу ерда ривожланганлиги билан ажралиб турган.

Хунармандларнинг асосий машғулотларидан бири тўқимачилик ҳисобланган. Тўқимачиликнинг асосий хом ашёси маҳаллий дехқонлар томонидан етиштирилган пахта эди. Хонликда кенг тарқалган тўқимачилик маҳсулоти бўз ёки карбас деб номланган. XVIII аср 70-йилларида Ўрта Осиё хонликлари,

хусусан, Күқон хонлигига бўлган Филипп Ефремов “Күқон ва унинг шаҳарларида ипак ва ярим ипак маҳсулотлари, бўз ишлаб чиқариш хўмда улардан чопон ва бошқа буюмлар тайёрлаш ривожланган, кўқонликлар савдода бухороликлар билан рақобатлаша оладилар”, – деб ёзган эди³⁶.

1813–1814 йилларда хонликка расмий ташриф билан келган Ф.Назаров эса, “Кўқон атрофида пахтачилик ва ипакчилик ривожланган, ҳунармандлар дехқонларга нисбатан кўпроқ ва эркаклар билан бир қаторда аёллар ҳам меҳнат қиласиди. Кўқон ҳунармандлари тайёрлаган тўқимачилик ва ипак маҳсулотлари бошқа ҳудудлардаги худди шундай турдаги моллардан устун”, – деб таърифлаган³⁷. Хонликда Кўқон ва Тошкент шаҳарларида бўз тўқиши ривожланган ва сифати бўйича ҳам таникли ҳисобланган. Хусусан, Тошкентда “кўк бўз” ва “оддий бўз” турлари кўп тўқилган ва маҳаллий аҳоли билан бир қаторда қўшни ҳудудларда яшовчи чорвадор аҳоли томонидан кўплаб харид қилинган³⁸.

Хонлик шаҳарларида тўқилган маҳсулотларнинг бир кисмини олача ташкил этган. Олача матосининг асосий харидори чорвадор қозоқ ва қирғизлар ҳисобланиб, улар савдо қиласидиган асосий марказлар – Тошкент ва Наманганд шаҳарларида бу матони тайёрлаш ривожланган. XIX аср 70-йилларида Наманганд бозорида бир рубль турадиган арzon ва чидамли олача матосининг бир яктак ва бир иштон чиқадиган бўллаги учун қирғизлар бир ярим яшарлик эчки берган бўлса, шундай матонинг икки бўллагига эса этилган кўйни алмаштирганлар³⁹.

Кўқон тўқувчиларининг маҳсулотларидан яна бири чит эди. Читгарлар бўзга маҳсус тайёрланган қолипларда турли рангдаги гул босишган ва бу мато чит ҳисобланган. Читгарлик ниҳоятда нозик ва мураккаб касблардан бўлиб, хонлик шаҳарлари орасида

³⁶ Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии, Тибет и Индии... – С. 104.

³⁷ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 74 – 76.

³⁸ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 522.

³⁹ Наливкин В. Торговля пригонными баранами в Наманганскоу уезде // Туркестанские ведомости. 1880. – № 49.

сифатли чит тайёрлашда Тошкент етакчи бўлган. XIX асрга оид маълумотларга кўра, Кўкон ва Қашқардан Тошкентга ҳар йили катта миқдорда оқ бўз келтирилиб, читгарларга топширилган. Читгарлар матоларни бўяшда бузғунж, тухмак, сафсан ранг, мош ранг, рўян каби маҳаллий бўёқлардан фойдаланганлар⁴⁰.

Кўкон хонлиги ахолисининг асосий машғулотларидан яна бири ипакчилик бўлиб, ипак ва ипак матолар мамлакатнинг ташки савдодаги асосий маҳсулотларидан ҳисобланган. XIX аср 60-йиллари охирларида Кўкон ва Марғилоннинг ўзида тўқиз юзга яқин хонадон ипакчилик билан шуғулланган бўлиб, ҳар бир оиласда 1 тадан 3 тагача тўкув дастгоҳи бор эди. Оиланинг 2–3 аъзоси шу иш билан машғул бўлган ва ҳар бир оила ҳафтасига икки қадоқ⁴¹-дан беш қадоққача ипак тайёрлаган⁴². Тахминий ҳисобларга қараганда, Кўкон ва Марғилонда ишлаб чиқарилган ипакнинг йиллик миқдори 5560 пудга teng бўлган⁴³.

Хонлиқда тайёрланган ипак анча сифатли бўлиб, мамлакат бозорлари хом ипак ва ипак матолари билан машхур эди. Кўкон хонлиги хунармандлари томонидан тайёрланган ипак сифатига қараб “чилла”, “тафил”, “сарнок” ва бошқа навларга бўлинган. Шунингдек, хонлиқда ипак маҳсулоти йигирилиб, калава ҳам тайёрланган. Мамлакатдаги энг юқори сифатли калава “наманганикни” ҳисобланган⁴⁴.

Ипакдан турли матолар тўқилган. Кўкон, Марғилон, Намангандан Хўжанд хунармандлари ипак матолар (кановиз, шойи, атлас ва ҳ.к.), ярим ипак матолар (бекасаб, банорас, адрес) ишлаб чиқарганлар. Хонликнинг йирик бозорларидан бири ҳисобланган Марғилонда ипак ва ипак матолар савдоси йил давомида қизғин амалга оширилган. XVIII аср 70-йилларида хонлиқда бўлган

⁴⁰ Аззамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 19.

⁴¹ Изоҳ: қадоқ – оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 400 грамга teng (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М.: Рус тили нашриёти, II том. 1981. – Б. 567.).

⁴² Тўллаганова М. А. Ўрта Осиё ва Россия савдо алоқаларида Фарғона областининг мавқеи: Тарих фан. номз.. дисс. – Т., 1972. – Б. 30.

⁴³ Коканъ // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 137.

⁴⁴ Петровский Н. О. О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии. – Т., 1873. – С. 97.

Ф.Ефремов ипак матолар тайёрлаш тўғрисида ўз эсдаликларида, “Марғилон бозори марказида катта думалоқ тош устун бўлиб, унинг балан ҳлиги 40 сажен⁴⁵, йўғонлиги 2,5 саженга тенг бўлган ва бу ерда турли матолар тўқишиар экан”⁴⁶, – деб ёзган эди. 1813–1814 йилларда Марғилонда бўлган Ф.Назаров, “...шаҳарда турли фабрикалар бор, уларда форс парчалари, баҳмаллар ва турли Осиё газмоллари тайёрлайдилар. Уларни Бухоро ва Қашқарга сотадилар”⁴⁷, – деб ёзган. Шунингдек, XIX аср ўрталарида В.В.Вельяминов-Зернов, хонлик бозорларида Марғилон ва Хўжандда тайёрланган ипак матолар, оқ ва яшил рангдаги чопонлик газламалар машхур ҳисобланади⁴⁸, – деб қайд этган.

Кўқон хонлиги ҳунармандлари томонидан тайёрланган матолар орасида атлас таникли ҳисобланган. Марғилонда бу газлама “атлас” ёки “жиба арқоқ” номи билан машхур бўлган⁴⁹. 1876 йил Кўқонда 276 та шойи, 428 та ип-газлама тўқиши устахонаси, 232 та йигириув дастгохи ва йилига 3000 аршин атлас ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган кўплаб устахоналар ишлаб турган. Шунингдек, Хўжандда ҳам “дурия” номи билан аталувчи атлас тури ишлаб чиқарилган бўлиб, бу мато Марғилон ҳамда Кўқонда тайёрланган атласлардан қолишмаган ва хонлик бозорларидан ташқарида ҳам анча машхур бўлган⁵⁰. Водий шаҳарларида тайёрланган матолар катта миқдорда Тошкент бозорларига келтирилган ва бу маҳсулотлар шу турдаги Тошкент матолари билан рақобат қила олган⁵¹.

⁴⁵ Изоҳ: сажен – 2,134 м.га тенг бўлган узунлик ўлчов бирлиги (Русча-ўзбекча луғат. – Т., 1984. – С. 374.).

⁴⁶ Ефремов Ф. Девятилетнее странствование. – Москва, 1952. – С. 41.

⁴⁷ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – Москва, 1968. – С. 49.

⁴⁸ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 48.

⁴⁹ Аззамова Г. Марғилон ҳунармандчилигига оид айрим маълумотлар // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиҳлий юбилейига бағишлиланган ҳалқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент – Марғилон, 2007. – Б. 115.

⁵⁰ Пашинко П. И. О Фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области // Известия ИРГО. Том II. – СПб., 1867. – С. 122.

⁵¹ Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830)... – С. 53.

Кўқон хонлигига етиштирилган ипак ва пахта хом ашёси ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотлар Ўрта Осиёнинг ички бозорларида ўзига хос мавқеига эга бўлган. Бироқ бу маҳсулотлар кўл меҳнати асосида тайёрланган ва аксарият ҳолларда уларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги, XIX аср бошларидан Ўрта Осиё бозорларига инглиз ва рус молларининг кириб келиши билан рақобатбардошлик қобилиятини йўқотган. Натижада Кўқон хонлиги ҳам бошқа Ўрта Осиё хонликлари каби хом ашё етиштирувчи мамлакатлардан бирига айланана бошлаган.

Ўрта Осиё ҳалқлари орасида рўзғорда кенг ишлатиладиган кулолчилик маҳсулотларига талаб доимо катта бўлган. Бухоро ва Хива хонликлари каби Кўқон хонлиги ҳам ўзига хос кулолчилик мактабига эга эди. Кўқон хонлиги кулолчилик маркази Риштон шаҳри ҳисобланиб, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар нафақат шаҳар, балки қишлоқ аҳолиси эҳтиёжини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Хонликда кўплаб қурилишлар олиб борилиши натижасида катта шаҳарларда ғишт қуядиган хумдонлар вужудіга келган. Ҳусусан, Россия истилосига қадар Намангандаги Янгиарик каналининг чап қирғофида ғишт қуювчи хумдонлар бўлган ва уларда тайёрланган ғиштлардан маҳаллий иншоотларни барпо қилишда, мадраса, масжид, карвонсарой ва бошқа қурилиш ишларида кенг фойдаланилган⁵².

Хонликда ёғоч ва металга ишлов бериш, темир буюмлар ишлаб чиқариш ҳам ўзига хос тарзда ривожланган. Кўқон, Тошкент, Намангандаги Андижон шаҳарларида ёғочга ишлов берувчи, темир буюмлар ишлаб чиқарувчи ва бошқа кўплаб устахоналар мавжуд бўлиб, улар асосан бозорлардаги ҳунармандчилик дўконларида жойлашган. Уларда тайёрланган маҳсулотлар дўконларнинг ўзида сотилган. Хонлик шаҳарларида ҳунармандларнинг бундай дўконлари кўпчиликни ташкил этиб, XIX асрда биргина Кўқоннинг ўзида 400 тага яқин мисгар, 100 тага яқин кандакор фаолият юритган⁵³. Шунингдек, Россия истилосига қадар Тошкентда 100 дан ортиқ темирчилик устахонаси мавжуд бўлиб,

⁵² Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 513.

⁵³ Абдуллаев Т. XIX – XX асрларда ўзбек кандакорлиги. – Т., 1974. – Б. 103.

уларда тайёрланган буюмлар хонлик ва қўшни дашт аҳолиси томонидан қадрланган⁵⁴. Хонликнинг дарё бўйларида ва уларга яқин худусларида жойлашган шаҳарларида қайиқсозлик ва кемасозлик ҳам тараққий этган. Бу шаҳарлар жумласига Кўқон, Тошкент, Наманган ва Хўжанд шаҳарларини мисол қилиш мумкин. Металлга ишлов бериш ва ундан турли буюмлар ясаш маркази сифатида хонликдагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам ўз ўрнига эга бўлган шаҳарлардан бири Наманган ҳисобланган⁵⁵. Куролсозлик ривожланган бу марказда милтиқ ва қиличлар тайёрланган⁵⁶. Темирчилик хонликнинг бошқа шаҳарларида ҳам тараққий этган. Хусусан, Чуст, Шаҳрихон, Кўқон, Пойтуғ, Қорасув шаҳарлари Фарғона водийсининг 5 та металл буюмлар, асосан, пичоқ ишлаб чиқариш марказлари бўлиб, уларнинг учтасининг бозори Андижонда жойлашган⁵⁷.

Кўқон хонлигига тараққий этган ўзига хос ҳунармандчилик турларидан бири аравасозлик эди. Аравасозлик Кўқон, Тошкент, Наманган ва Марғилон шаҳарларида ривожланган бўлиб, хонликда тайёрланган арёвалар “Кўқон арава” номи билан Ўрта Осиёда танилган. Чунки, Кўқон аравасозлик ва эгар-жабдуқ тайёрлаш бўйича Ўрта Осиёда етакчилик қилган. Кўқон арава 25–40 пуд⁵⁸ гача юк кўтара олган ва асосан отлар ёрдамида манзилга олиб борилган. Бу аравалардан ички ва ташқи савдода яхши фойдаланилган. Хусусан, XIX аср 20-йилларида Бухорда бўлган Е.К.Мейендорф, “... қўқонлик савдогарлар Бухорога ўз молларини аравада келтирадилар”, – деб ёзган эди⁵⁹.

⁵⁴ Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 72.

⁵⁵ История народов Узбекистана. Том II. – Т., 1947. – С. 139 – 140.

⁵⁶ Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 146–147.

⁵⁷ Мусаев Д., Хошимов Ҳ. Андижоннинг XIX аср охири – XX аср бошлари даври ҳунармандчилиги тарихини ўрганилишига доир // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилеийига бағишлиланган халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент – Марғилон, 2007. – Б. 123.

⁵⁸ Изоҳ: пуд – 16,3 кг. га тенг оғирлик ўлчов бирлиги (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 7-том. 2004. – Б. 196.).

⁵⁹ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. – С. 108.

Заргарлик қадимдан Ўрта Осиё халқлари орасида қадрли касблардан бўлган. Кўкон хонлигида ҳам бу соҳа ўзига хос тарзда тараққий этган бўлиб, Ўрта Осиё халқлари анъаналарига мос равишда заргарлик устахоналари йирик шаҳарларнинг марказларида жойлашган. Заргарлик буюмлари тайёрлаш борасида пойтахт Кўкон яққол ажралиб турган ва Ўрта Осиёда фақатгина Бухоро у билан рақобат қила олган. Шунингдек, Тошкент заргарлари ҳам ўз услубига эга бўлганлар. Улар қўшни дашт ҳудуд аҳолиси учун мўлжаллаб, нисбатан арzon заргарлик буюмларини кўпроқ тайёрлаганлар.

Хонлик аҳолисининг кўчманчи халқлар билан иқтисодий алоқалари ривожи мамлакатда кўнчилик ва терига ишлов бериш хунари тараққиётига самарали таъсир кўрсатган. Бундай хунарлар ривожланган марказлар – шаҳарлар эди. Кўкон, Тошкент, Андижон ва Ўш шаҳарлари кўнчилик марказлари бўлиб, бу ерларда терини қайта ишлаш ва ундан пойабзал тайёрлаш билан бирга теридан кийим-кечак, бош кийим, сув ва қимиз учун мешлар ишлаб чиқариш йўлга кўйилган⁶⁰. Хусусан, мамлакат пойтахти Кўконда чорва териларини ошлаш, ишлов бериш, турли рангга бўяш ва улардан этик, кавуш, маҳси тайёрлаш ҳам анча равнақ топган эди. XIX аср 60-йилларида Тошкентда теридан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан 60 та дўкон шуғулланган⁶¹. Хонликда тайёрланган пойафзалларга маҳаллий аҳоли билан бир қаторда чорвачилик билан шуғулланувчи чўл ва тоғ олди ҳудудлар аҳолиси, асосан, қозоқ ва қирғизлар орасида талаб катта бўлган⁶².

Хонлик шаҳарларида совун ишлаб чиқариш хунари ҳам ўзига хос тарзда ривожланган. Совунгарлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар орқали маҳаллий аҳолининг совунга бўлган эҳтиёжи қондирилган. Марғилон ўзининг ипак матолари қаторида кулранг ва қора рангдаги совуни билан ҳам машҳур бўлган бўлса,

⁶⁰ Сухарева О. А. Из истории городских и сельских поселений Средней Азии (второй половины XIX – начала XX в.) // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – Москва, 1982. – С. 21.

⁶¹ Гейер М., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. – Т., 1903. – С. 17.

⁶² Показание Сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 71.

Тошкентда тайёрланган кулранг совунга маҳаллий аҳоли орасида талаб катта эди⁶³.

Пойтахт Кўқонда тайёрланган қофоз Ўрта Осиёда машхур ҳисобланган ва илм аҳли орасида қадрланган. XVIII аср бошларида Кўқонда иккита қофоз ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлиб, уларнинг бири шаҳарнинг “Мўйи Муборак” дарвозаси яқинида, иккинчиси шаҳар яқинидаги Чорку қишлоғида жойлашган эди⁶⁴. Кўқонда ишлаб чиқарилган қофоз бутун Ўрта Осиё бозорларига олиб кетилган.

Кўқонда муқовасозлик ҳунари ҳам ривожланган бўлиб, XIX асрга оид маълумотларда, “Энг яхши муқовасозлар Кўқондадир” дейилган⁶⁵. П.И.Пашино маълумотларига кўра, XIX аср 60-йилларида Кўқонда мураккаб бўлмаган муқовалаш асбоблари тайёрланган ҳамда бундай асбобларни ушбу соҳа бўйича Кўқон билан рақобатчи бўлган Самарқанддан ҳам топиш қийин бўлган. Наманган Кўқон каби муқовалаш ҳунари ривожланган шаҳарлардан бўлиб, бу ерда чарм ва қофоздан яратилган муқовалар Ўрта Осиёнинг йирик марказлари – Самарқанд ва Хивада тайёрланган муқовалардан қолишимас эди⁶⁶.

Хонлик шаҳарларида ўсимликлардан турли рангдаги бўёқ тайёрлаш ва ип-газлама, ипак ҳамда ипак матоларни бўяш ҳунари ҳам ривожланган. Хонликда бу соҳада Наманган етакчилик қилган. Бу шаҳарда ипакни бўяшда асосан норпус (қора анор) бўёғидан фойдаланилган бўлиб, хонликнинг турли ҳудудларидан бу ерга катта миқдорда ипакни бўятиш учун олиб келганлар⁶⁷. Кўқон хонлигига Ўрта Осиёнинг бошқа хонликлари каби рўян (марена) деб номланган бутасимон ўсимлик илдизидан табиий қизил рангдаги бўёқ тайёрланган ва у билан қизғин савдо амалга

⁶³ Пашино П. И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области... – С. 126.

⁶⁴ Федченко А. Оби джуазъ – писчебумажная фабрика в Кокане... – С. 414.

⁶⁵ Пашино П. И. О фабричной и торговой деятельности в Туркестанской области... – С. 64.

⁶⁶ Косимов Й. Наманган тарихидан лавҳалар. – Т., 1990. – Б. 20.

⁶⁷ Краузе И. О. Красильном искусстве туземных жителей Туркестанского края // Туркистанский сборник. Том I. – Т., 1872. – С. 498.

оширилган. Бу бўёқ ҳам хонлик худудида асосан Наманганда тайёрланган⁶⁸.

Хонлик шаҳарлари аҳолиси дехқончилик, боғдорчилик билан ҳам фаол шуғулланган. Шаҳарлар ва уларнинг атрофларидағи далалар, полизлар ва боғларда етиштирилган маҳсулотлар билан хонлик бозорларида қизғин савдо амалга оширилган. Жумладан, Фарғона водийси қадимдан боғдорчилик маҳсулотлари билан кўшни худудларда ҳам танилган. Кўқон хонлиги даврида ҳам водий бу борада ўз мавқеини сақлаб қолган. Наманган, Марғилон, Кўқон боғлари ўзининг мўл-кўллиги, меваларининг таъми ва сифати билан машҳур ҳисобланган. Бу соҳада Наманган яққол ажралиб турган. П.И.Небольсиннинг ёзишича, XIX аср ўрталарида Наманганда меваларнинг турлари кўп бўлиб, хусусан, ўрик жуда лаззатли бўлади ва Тошкентга сотиш учун кўплаб олиб борилиди⁶⁹. Яна бир рус олим Н.Аристов узумнинг сифати бўйича энг яхшиси Наманганники, деб таърифлаган⁷⁰. Сайёҳ ва шифокор И.Краузе маълумотларига кўра, хонликда анжир ва анор етиштиришда Наманган машҳур бўлиб, анжир меваси, анор гули, илдизи, пўстлоги ва япрогидан маҳаллий табиблар турли касалликларни даволашда фойдаланганлар⁷¹. Шунингдек, Наманган олмалари хонликдан ташқарида ҳам таниқли ва харидоргир ҳисобланган⁷². Боғдорчилик Фарғона водийсининг бошқа кўплаб шаҳарлари, уларнинг атрофи ва қишлоқларида ҳам тарақкий этган. Марғилоннинг “Дона Калон” номли анори ва Конибодом бодоми ҳам хонлик бозорларида таниқли эди⁷³. Фарғона водийси боғларида

⁶⁸ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 24.

⁶⁹ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией. – СПб., 1856. – С. 351.

⁷⁰ Аристов Н. Наманганский округ Кокандского ханство // Ежегодник. Материалы для статистики Туркестанского края. Под. редакцию Н.А.Маева. Выпуск II. – СПб., 1873. – С. 139.

⁷¹ Краузе И. Заметки о медицинских и некоторых промышленных растениях... – С. 635 – 636.

⁷² Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 43 – 47.

⁷³ Петровский Н. Очерки Коканского ханства // Туркестанский сборник. Том X. – Т., 1871. – С. 90 – 91.

етиширилган меваларга қўшни худудларда талаб катта бўлиб, йил давомида бу ердан қуруқ ва хўл мевалар ортилган карвонлар қўшни хонликлар, дашт ҳудудлари ва бошқа мамлакатларга бориб турган.

Хонлик шаҳарлари ўзининг дехқончилик маҳсулотлари билан ҳам машхур эди. Ҳусусан, Наманган атрофларида буғдой этишириш ривожланган бўлиб, хонлик даврида Кўқон ва унинг атрофи буғдой билан ўзини таъминлай олмаган ва Наманган дехқонлари этиширган буғдой пойтахт Кўқон бозорларига йил давомида етказиб турилган⁷⁴. Наманган ўзининг тамакиси билан ҳам машхур бўлган. XIX аср 30-йилларида Кўқон хонлигидан бўлган казак Максимов, хонликнинг энг бой ва йирик шаҳарлари Кўқон ва Тошкент бўлса-да, аҳоли ҳаётининг фаровонылиги бўйича Наманган хонликда ажралиб туради, бу ердаги боғларнинг ўхшаши йўқ. Наманган тамакисининг сифати юқори бўлиб, у сарик рангда ва худди Америка тамакисига ўхшайди, – деб ёзган эди⁷⁵. В.В.Вельяминов-Зернов худди шундай фикрни келтириб, Ўрта Осиёда Наманган тамакиси билан рақобатлаша оладиган тамаки йўқ, – деб таъкидлайди⁷⁶.

XIX аср бошларида Ўш атрофларида яшовчи аҳоли катта ерларни ўзлаштирганлиги сабабли Андижон атрофларига Оқбура дарёси суви келмай қолган. Натижада Андижон атрофларидаги ботқокликлар куриб, шоликорлик тараққий этган ва Андижон шолиси атрофда машхур бўлган. Хўжанд атрофлари ҳам шоли этишириш марказларидан бўлиб, ҳар йили катта микдорда гуруч хонлик шаҳарларига ва Бухоро бозорларига олиб бориб сотилган⁷⁷.

Иқтисодий марказларнинг қўпайиши хонлик аҳолисининг ҳаёти фаровоналашувига ўз таъсирини кўрсатган. Шаҳарларда хунармандчилик тараққий этиб бориши натижасида устахоналарда атрофдаги қишлоқларда этиширилган хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хонликда

⁷⁴ Аристов Н. Наманганский округ Кокандского ханство... – С. 139.

⁷⁵ Показание Сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 67 – 69.

⁷⁶ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 121.

⁷⁷ Записки о Бухарском ханстве... – С. 76.

маълум бир хунармандчилик турининг ривожланганлиги ва ўзига хос маҳсулот турлари билан алоҳида марказлар ажрала бошлаган. Ҳусусан, Қўқон қофоз, заргарлик буюмлари, эгар ва от-аравалари, Тошкент қўшни дашт аҳолиси орасида талаб катта бўлган ипдан тайёрланган матолари ва хунармандчилик буюмлари, Марғилон ва Хўжанд ипак маҳсулотлари, Ўш ва Андижон кўнчилик ва чорвачилик маҳсулотлари, Наманган боғдорчилик маҳсулотлари ва ёғоч буюмлари, Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Сайрам шаҳарлари чорва ва чорвачилик маҳсулотлари билан ажралиб турган. Шаҳарларда хунармандчиликнинг тараққий этиб бориши рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ҳам кўпайтирган. Натижада маҳаллий ўтроқ аҳоли билан бир қаторда чўл ва тоғ зоналарида яшовчи аҳоли хонлик хунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан ўз эҳтиёжларини қондира бошлаган. Иқтисодий марказлар сони кўпайиб, хунармандчиликнинг тараққий этиб бориши қўшни худуд аҳолисининг шаҳарларга интилишини кучайтирган ва этно-интеграциён жараёнларни тезлаштирган.

ИЧКИ САВДО – МАМЛАКАТ ИҚТСИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

XVIII аср бошларида ташкил топган Кўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги қудратли давлатларнинг бирига айланада борди. Бунинг натижасида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт изга тушди, ички ва ташки савдо ривожланди. Янги бозорлар, савдо расталари, дўконлар курилди, мавжудлари таъмирланди. Ўз навбатида савдо-сотик жараёни ҳам тартибга солинди. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сиёсий мавқенини тиклаб олган Кўқон хонлиги ўз пулига эга бўлди ва товар-пул муносабатлари назорат остига олиниди. Савдо хонлик иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мамлакат учун ҳам муҳим даромад манбаи бўлган. XIX асрнинг 70-йилларида хонликда бўлган А.П.Хорошхин Кўқон хонлиги аҳолисининг савдо-сотикқа бўлган муносабати ҳақида “...20–30 руб. пули бўлган сарт дарров тизкорат ишларига киришади”⁷⁸, – деб ёзган эди.

Кўқон хукмдорлари Шоҳруҳбий (1709–1721), Абдураҳимбий (1721–1734) ва Абдукаримбий (1734–1750) лар янги давлатнинг сиёсий мавқенини мустаҳкамлаш, ички ва ташки душманларини бартараф этиш билан машғул бўлганликлари боис, улар даврида хонликнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи унча яхши эмас эди. Бу даврда, анъанавий савдо муносабатлари амалга оширилган бўлсада, тартибсиз ва деярли назоратсиз бўлган. Эрдонабий (1750–1752, 1753–1762) хукмронлиги давридан бошлаб иқтисодий ҳаёт бир оз яхшиланиб, аҳоли фаровонлиги ошиб борган. Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг ёзишича, Эрданаҳон даврида ҳамма фаровон яшаган. Хоннинг хулқ-атворидан халқ миннатдор бўлган⁷⁹.

⁷⁸ Хорошхин А. П. Сборник касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 103.

⁷⁹ Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. Кўқон шаҳар F.Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи. –ҚП. 4101. 7 а-варақ.

Норбўтабий (1762–1798) таҳтга ўтирганидан сўнг, хонликнинг нисбатан тараққиёт даври бошланган. Кўқон хонлиги ҳудудлари кенгайиб, Ўрта Осиёда мавқеи юксала борган. Ички ва ташки савдо тараққий этган. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи Кўқон хони Норбўтабий хукмронлигига куйидагича таъриф берган: “Ул хоннинг замонида ҳеч бир тарафдан ташвиш, бетинчлик, қимматчилик ва қаҳатчилик бўлмабдур. Пулни ул хоннинг замонида жорий қилишибдур, ҳамма ҳалқнинг омборхонасидағи ғаллани ҳеч ким пулга сотиб олмай, фуқароларга баҳшиш қилмоқдин ўзга чора тополмабдурлар. Бул тариқа арzonчилик ва кенгчилик атрофдаги вилоятларга эшитилиб, кўп ҳалқнинг Хўқандга келишига сабаб бўлиб, Фарғонанинг обод бўлишига боис бўлибдур”⁸⁰.

Ушбу таърифни Маҳмуд Ҳаким Яйфонийнинг асарида ҳам кўриш мумкин. Унда: “...ҳамма бадавлат ва тенг, ҳар уйда омбор тўла ғалла эди ва ғаллани бекор бермоқдан бўлак чора йўқ эрди. Бир тангага бўй берур эди ва қаро пулни Норбўтахон чиқарди ва жорий қилди. Ҳар тарафдан мусофирилар келиб, бу жойга жам бўлиб қолар эди”, – деб қайд этилган⁸¹. Мулла Ниёз Мухаммад Хўқандий эса, Норбўтабий хукмронлиги даврида ички ва ташки вазиятнинг яхшиланганлиги савдонинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатганлигини таъкидлаган⁸².

Олимхон (1798–1810), Умархон (1810–1822) ва Мухаммадалихон (1822–1842) хукмронлиги даврида Кўқон хонлиги тараққиёти янги босқичга кўтарилган. Хонлик Ўрта Осиёдаги энг иирик давлатлардан бирига айланди. Иқтисодиёт ҳам юксалиб, ички ва ташки савдо тараққиёти аҳоли фаровонлигига ўз аксини топди.

Мамлакат бозорларига шаҳар ва қишлоқ аҳолиси деҳқончилик ҳамда хунармандчилик маҳсулотлари, тоғли ҳудуд аҳолиси ва

⁸⁰ Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш.Воҳидов, араб ёзувидан табдил Ш. Вөҳидов ва Р. Холикованини, кўрсаткичлар Ш. Вөҳидов ва Д. Сангированини. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – Б. 56.

⁸¹ Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Жуплас ут-таворих... 8 б-варақ.

⁸² Мулла Ниёз Мухаммад Хўқандий. Тарихи Шоҳрухи. – Казань, 1885. – С. 40 – 45.

кўчманчи чорвадорлар чорва ва чорвачилик маҳсулотларини олиб чиқсан. Маҳаллий савдогарлар хонликнинг чекка қишлоқларига бориб, ўша ҳудудда етиштириладиган ёки тайёрланадиган маҳсулотларини арzon баҳода, улгуржасига сотиб олған ва йирик шаҳар бозорлариغا келтирган. Ўз навбатида, хунармандларнинг молларини сотиб олиб, ўзлари бозорма-бозор, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ сотиб юрувчи савдогарлар ҳам фаолият юритган.

Бу даврда хонликдаги тўкин-сочинлик ва арzonчилик ҳақида Мұхаммад Азиз Марғилоний, “Кўқон хонлари вақтида Фарғона аҳли орасида пул оз ва нарх арzonчилик эди. Ёз фаслида бир арава ҳандалак икки ярим тангадан 5 тангагача турган, бир арава қовун 3,5 тангагача сотилган, бир сават ўрик уч мири ва 1 танга, бир чакса⁸³ гуручининг баҳоси бир тангадан икки тангагача, бир чакса тоза ун бир тангадан зиёдроқ, тоза писта эллик пайса⁸⁴дан бир тангагача, тоза сарик мағиз юз пайсагача, қандак ўрик, сабзи ва пиёзни бир пулдан олти пулгача харид қилиниб, зўрға кўтариб кетардингиз, бир тангага 40 чака берур, бу чақани ҳамёнингизга солиб бозорга бориб то кечгача сарф қилишингиз мумкин ва ҳаммаси сарф бўлмасдан қайтиб ҳам келади” ва яна “...бозорларда нархлар арzonлиги учун фуқаролар подшолик хақларини ўз вақтида жамлаб беролмасдан кўп қийналардилар”, – деб ёзган⁸⁵.

Кўқон шаҳри хонликнинг йирик иқтисодий маркази бўлиб, ички савдода ҳам муҳим аҳамият касб этган. Маҳаллий аҳоли Кўқон бозорларига хунармандчилик ва шаҳар атрофларидан дехқончилик маҳсулотларини олиб чиқсан. Шунингдек, хонликнинг турли ҳудудларида тайёрланган ва етиштирилган маҳсулотларнинг сараси Кўқон бозорларида сотилган. Кўқон бозори Фарғона водийсига қўшни ҳудудлардан кириб келаётган

⁸³ И з о ҳ: чакса – 1/3 пудга тенг оғирлик ўлчов бирлиги. Бир пуд – 16,3 кг. га тенг (Ўзбекистон миллий энциклопедиси. – Т., 9-том. 2005. – Б. 566.).

⁸⁴ И з о ҳ: пайса – бу ерда танганинг майда пули ўрнида келтирилган (Мұхаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д. Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 105).

⁸⁵ Мұхаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д. Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 70 – 71.

молларнинг асосий тарқатувчи маркази бўлиб, унинг бозорларида хонликнинг турли ҳудудларидан келган савдогарларни кўриш мумкин эди.

Кўқондан Тошкентга пахта, хом ипак ҳамда ипак ва ярим ипак, ип матолар, хўл ва қуруқ мевалар, Қашқар ва Хитой моллари келтирилган⁸⁶. Тошкент бозори – Хўжанд, Бухоро, Кўқон, Марғилон ипак матолари ўзаро рақобат қиласиган марказ ҳисобланган⁸⁷. XIX аср ўргаларида Фарғона водийсидан Кўқон орқали Тошкентга ҳар йили 10–15 минг тужда пахта, қофоз, хом ипак ва ипак матолар, қуритилган мевалар, Намангандан тўғридан-тўғри Тошкент билан савдо қилиш имкониятига эга бўлгани учун ҳар йили 500 тужда қуритилган мева, 1000 тужда ипак ва ипак матолар, рўян бўёғи ва бошқалар олиб борилган⁸⁸. Намангандан мевалари хонлик бозорларида, хусусан, Тошкентда “наманганикни” номи билан танилган⁸⁹. Шу аср бошларида, Фарғона водийсидан ҳар йили февраль ойидан апрелгача пахта, өктябрь ва ноябрь ойларида қуритилган мевалар ортилган карвонлар Тошкентга келган⁹⁰.

Тошкент бозорида 1847–1848 йилларда 1 ботмон⁹¹ пахта 4 тиллога баҳолангандан⁹². XIX аср 60-йилларида Намангандан бозорида пахтанинг ботмони 15 тилло⁹³, 1871 йил октябрь ойида Кўқон бозорида пахта пуди накд пулга 17 тилло, 1 ойга насияга 18 тиллога сотилган⁹⁴. Бу маълумотлар сиёсий вазиятнинг

⁸⁶ ЎзР МДА, И. 336- фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 25-варак.

⁸⁷ Пашиню П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 142 – 143.

⁸⁸ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 48 – 49.

⁸⁹ Губаева С. С. Население Ферганской долины (в конце XIX – начале XX в) – Т., 1991. – С. 13.

⁹⁰ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 12- варакнинг орқа томони ва 13-вараклар.

⁹¹ Из ох: ботмон – оғирлик ўлчов бирлиги. XIX асрда Фарғона водийсида 1 ботмон 8 – 10 пудга ёки 131,044 – 163,805 кг тенг бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2 – том. 2001. – Б. 171).

⁹² Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским... – С. 51.

⁹³ Михайлов М. Намангандан // Туркестанский сборник. Том 16. 1867. – С. 73.

⁹⁴ От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871. – № 37.

ёмонлашиб бориши натижасида нарх-навонинг йилдан-йилга кўтарилиб борганлигини кўрсатади.

XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсига Тошкентдан ҳар йили 10 мингдан ортиқ тужда ғалла, темир, пўлат, чўян, мис ва улардан ясалган буюмлар, шакар, чарм, мўйна ва бошқа рус саноат моллари, қозоқ даштларидан чорва олиб кетилган. Кўқон хонлиги даврида Фарғона водийси – Тошкент савдо алоқаларида водийлик савдогарлар катта ўрин тутган бўлиб, икки ўртадаги савдонинг фақат 30 фоизи тошкентлик савдогарлар ҳиссасига тўғри келган⁹⁵. XIX аср ўрталарида водийдан Тошкентга 4 млн 580 минг рубллик мол олиб борилган бўлса, Тошкентдан 2 млн 375 минг рубллик мол олиб кетилган. Бу даврда Тошкент ва Кўқоннинг йиллик савдо айланмаси 7 млн рублга тенг бўлган⁹⁶.

Кўқон хонлиги аҳолисининг асосий машгулотларидан бири ипакчилик бўлиб, ипакчилик марказлари Марғилон, Наманган, Кўқон, Хўжанд ҳисобланган. Тайёрланган пилла, хом ипак ва ипак маҳсулотлари хонлик бозорларига ва у ердан кўшни мамлакатларга олиб чиқилган. Ипакчиликнинг илк маҳсулоти ҳисобланган пилла янги етиширилган ҳолатда баҳорда ва куритилган ҳолатда кузда бозорларга келтирилган. Хусусан, Хўжандда (1871) йилига 1000 пуд атрофида пилла етиширилган ҳамда баҳорда пуди 7 рубл 60 коп.дан 12 рублгача, кузда 32 рублдан 38 рублгача сотилган⁹⁷.

Маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланган ипак турли навларга ажратилган ва сифатига қараб нарх белгиланган. 1871 йил октябрь ойида Кўқон бозорида энг сифатли ипак ҳисобланган “чилла” нинг пуди 50–52 тилло, “тафил” 50 тилло, Кўқон калаваси 28–30 тилло, сарноқ 3,5–4,5 тиллодан сотилган⁹⁸.

⁹⁵ Махкамов А. Торговля Коканда со среднеазиатскими владениями и сопредельными странами в первой половине XIX в // Поздне-феодальный город Средней Азии. – Т., 1990. – С. 143.

⁹⁶ Махкамов А. Роль города Коканда в развитии экономических связей Средней Азии... – С. 48.

⁹⁷ Кушакевич А. А. Сведения о Ходжендском уезде // Записки ИРГО. Том II. – СПб., 1871. – С. 254 – 255.

⁹⁸ От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871. – № 36.

Ички савдода муҳим ўрин тутган маҳсулотларнинг катта кисми тўқимачилик маҳсулотлари ҳисобланган. Бу борада фаол ички савдо олиб борилган маҳсулотларнинг каттаги қисмини бўз (карбас) ташкил қилган. Бу мато асосан астарлик учун ишлатилган ва аршинни⁹⁹ Кўқон бозорида 4–6 коп., босма – оддий бўз 5–6 коп.дан сотилган. Россия истилоси арафасида Тошкент бўзининг 18 аршинли бўлаги 1,5 тангадан 2,5 тангагача сотилган. Ички савдода бўялган ипдан тайёрланган йўл-йўл мато олача ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ундан яктак ва чопонлар тикишда фойдаланилган. XIX аср ўрталарида олачанинг аршини Кўқонда 10–15 коп.¹⁰⁰, Тошкентда 8 аршинли бўлаги 50–75 коп., бир бўлагининг жуфти 2 тангадан сотилган¹⁰¹.

Хонлик худудида чит энг харидоргир матолардан ҳисобланган. 1874 йилда Кўқонда олий навли қизил читнинг бир бўлаги 26 тангадан 1,5 тиллогача, хушвакт (оч қизил ранги чит) деб номланувчи чит эса 4–5 ой муддатга қарзга 68–78 тангага сотилган¹⁰².

Кўқон бозорларида ипак газламалар ҳамда ип ва ипак аралашган матолар ранг-баранглиги билан ажралиб турган. XIX аср ўрталарида Кўқон бозорида шойи, дурия, бекасаб, адрес, банорасларнинг аршини 70–95 коп.дан сотилган¹⁰³. Атлас маҳаллий бозорларда юқори баҳоланган бўлиб, XIX аср ўрталарида пойтахт бозорида 12 аршин атлас 7–8 рублга баҳоланган¹⁰⁴. Водий шаҳарларида тайёрланган ярим ипак матоларнинг сифатлilari асосан Тошкент бозорларида сотилган. Кўрсатилган даврда, Тошкент бозорларида Марғilonда ишлаб чиқарилган бир чопонлик банорас 20–25 танга, бекасаб 14–18 танга, адрес 18–20 тангадан баҳоланган¹⁰⁵.

⁹⁹ И з о х: аршин – узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, ўртacha қиймати 71,12 см. га тенг (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 1-том. 2000. – Б. 440).

¹⁰⁰ Ўз РМДА, И. 276- фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 25 – 26-вараклар.

¹⁰¹ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения между Туркестанским... – С. 52.

¹⁰² Торговые заметки // Туркестанские ведомости. 1874. – № 36.

¹⁰³ Ўз РМДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 25 – 26-вараклар.

¹⁰⁴ Ўз РМДА, И. 23- фонд, 1-рўйхат, 1398-иш, 1-варак.

¹⁰⁵ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 53.

Пойтахтда тайёрланган машхур Кўқон қофози хонлик бозорларининг қадрли маҳсулотларидан бўлган. XIX аср 70-йил юарида савдогарлар Кўқон обжувозида 24 варагдан иборат бир даста қофозни 15 коп. дан олиб, бозорда 20–30 коп.дан сотганилар¹⁰⁶. Кўқонда мавжуд бўлган икки корхона йилига 150000 вараклик 2000 руб.га тенг қофоз ишлаб чиқарган¹⁰⁷. Кўқон қофоз корхоналаридан мамлакат хукмдорлари катта даромад олган. Хусусан, 1875 йилда Худоёрхон Кўқондаги қофоз корхоналаридан 418 руб. даромад олган¹⁰⁸.

Ички бозорда бўёқлар билан ҳам фаол савдо амалга оширилган. Хусусан, XIX аср ўрталарида қизил бўёқ – рўяннинг туяси Тошкент ва Кўқонда 8–10 тиллога¹⁰⁹, 1856 йилда чорак¹¹⁰ рўян ярим тангага сотилган¹¹¹. XIX аср 70-йилларига келиб мамлакатда сиёсий вазиятнинг оғирлашиши натижасида иқтисодий ҳаёт ҳам танглашиб борган. Натижада бошқа маҳсулотлар каби рўяннинг нархи ҳам кўтарилилган ва унинг бир пуди 1 руб. 80 коп.дан 2 руб. 75 коп.гача сотилган¹¹².

Хонликдаги ички савдода кўчманчи ва чорвадор аҳоли томонидан тайёрланган гилам, шолча, наматлар муҳим ўрин тутган. Хонлик шаҳарларида бу маҳсулотларнинг ўз бозорлари мавжуд бўлган. Масалан, Андижонда гилам, Наманганда эса қорақалпоқ ва қирғизлар томонидан келтирилган кигиз бозори машхур бўлган. XIX аср 70-йилларида Кўқон бозорида 4x2,5 андозали маҳаллий гилам 30 рублдан 40 рублгача сотилган¹¹³.

Ички савдода дехқончилик маҳсулотлари катта ўрин эгаллаган. Уларнинг нархи об-ҳавога, ҳосилга ва сиёсий вазиятга қараб

¹⁰⁶ Федченко А. Оби джуазъ-писчебумажная фабрика в Кокане... – С. 414.

¹⁰⁷ Развадовский В. К. Кустарные промыслы в Туркестанском крае. – Т., 1916. – С. 16.

¹⁰⁸ ЎЗР МДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 24-варак.

¹⁰⁹ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 54.

¹¹⁰ И з о х : чорак – оғирлик ўлчов бирлиги. Фарғона водийсида 1 чорак – 1830 йил 2 пуд – 32, 762 кг. 1841 йил 4,5 пуд – 73, 712 кг; кейинроқ 5 пуд – 81, 902 кг. га тенг бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 9-том. 2005. – Б. 644).

¹¹¹ Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 72.

¹¹² Кокань // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 136.

¹¹³ Головин Г. Ковровое производство // Туркестанский сборник. Том 512. – С. 29.

ўзгариб турган. Хусусан, Кўқон бозорида XIX аср 40-йилларида (ҳосил яхши бўлган бўлса), буғдойнинг пуди 1 руб., гуруч 1 руб. 30 коп., жўхори 64–65 коп. (ҳосил яхши бўлмаса), буғдой 1 руб. 30 коп., гуруч 2 руб. 15 коп.дан сотилган¹¹⁴. XIX аср ўрталарида Кўқонда буғдойнинг пуди 70 коп. дан 1 рублгача, арпа 35–50 коп., тарик 40 коп., жўхори 65–70 коп., гуручнинг 1-навлиси 1 руб. 75 коп., 2-навлиси 1 руб. 40 коп., пахта ҳосилга қараб ботмони 4–8 тилло¹¹⁵, Наманганда 1 ботмон буғдой 1 тилло, 4 ботмон жўхори 1 тилло, 3 ботмон арпа 1 тиллодан сотилган¹¹⁶. 1856 йилда Кўқон бозорида бир ботмон гуруч 2 танга, буғдой 1,5 танга, жўхори 1 тангадан сотилган¹¹⁷.

Хонлик бозорлари мева ва полиз маҳсулотларининг йил давомида тўкинилиги ва арzonлиги билан танилган. XIX аср ўрталарида Кўқонда бир ботмон узум 1 тилло, куритилган ўрик 1 тилло, 1 чорак нок 1 руб. 40 коп., шафтоли 1 руб. 75 коп., ёнғоқнинг 2 ботмони 3 тилло, 1 чорак бодом 1 руб. 40 коп.¹¹⁸, Наманганда 1 ботмон узум 1 тилло, 1 ботмон олча 1,5 танга, 1 чакса нок 1 танга, 2 ёки 3 ботмон ўрик 1 тиллодан сотилган¹¹⁹. 1856 йил тарвуз 2 пул, қовун 1 пўл, 10 та бодринг 1 пул, чорак куритилган ўрик 3 пул, чорак узум 6 пулдан сотилган¹²⁰.

Шунингдек, хонлик боғларида етиштирилган анондан Наманган ҳамда Тошкентда сирка тайёрланган ва унга рус савдогарлари орасида талаб катта бўлган. Хонлик бозорларида сирканинг шишиаси бир тангадан сотилган¹²¹.

Хонлик ички савдо муносабатларида чорвачилик маҳсулотлари алоҳида ўринга эга бўлган. Чорва ҳайвонлари транспорт

¹¹⁴ Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки РГО. Кн. III. – СПб., 1849. – С. 186.

¹¹⁵ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 129.

¹¹⁶ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 47.

¹¹⁷ Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 72.

¹¹⁸ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 129.

¹¹⁹ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 47.

¹²⁰ Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 72.

¹²¹ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией. – СПб., 1856. – С. 327.

вазифаси и бажариш билан бир қаторда уларнинг жуни, гўшти, териси, сут ва сут маҳсулотларидан аҳоли хўжалик ҳаётида кенг фойдаланилган. Наманган хонлик учун аҳамиятли бўлган Фаргона водийси – Авлиёта чорва йўлида жойлашганлиги туфайли чорва савдоси асосан наманганликлар кўлида бўлган. Август охири ва сентябрда Наманган бозорларига минглаб қўйларни хайдаб келган савдо карвонлари кириб кела бошлаган. Улар асосан Қорабура дараси орқали Авлиётадан ҳайдаб келинган. Бу йўл орқали йилига 50–70 минг қўй Наманганга ва у орқали Кўқон хонлиги бозорларига тарқатилган¹²².

XIX аср 60-йиллари ўрталарида Кўқон бозорида аргумоқ отлар 20–80 тилло, юк ташувчи оддий отлар 15 тиллогача, қирғиз отлари 2–6 тиллодан сотилган. Ҳўқизлар ерларни шудгор қилишда ва гўшти учун боқилган бўлиб, унинг нархи қимматроқ, яъни 4–6 тиллодан, сигир ўртacha 2,5 тилло, қўй 1 руб. 50 коп.дан 4 рублгача, бир ўркачли тия 8–12 тилло, икки ўркачли тия 5–6 тилло, эшак ва хачир 17–20 тангадан сотилган¹²³. Россия истилоси арафасида водий бозорларида кўп сут берадиган сигир 20 руб., 1 чelак сут 75 коп. эди. Марғилон бозорида 2 ҳафталик боласи бор эчки 2,5 руб. қилиб нархланган¹²⁴. XIX аср ўрталарида Кўқонда 1 фунт¹²⁵ мол гўшти 7 коп., қўй гўшти 11 коп., мол терисининг донаси 3 руб. 50 коп., ҳўқиз териси 4 руб. 12 коп., қўй териси 50–70 коп., эчки момифи 5 руб. дан сотилган¹²⁶.

Фаргона водийсида июнь бошларидан куз охирига қадар ёғоч савдоси қизғин тус олган. Наманган беклигига кирувчи Заркент, Мамай, Нанай, Навкент қишлоқлари аҳолиси атрофдаги тоғлардан арча ва қарагай дарахтларидан ёғоч тайёрлаб, Наманган бозорларига келтирган ва бу ердан бутун хонлик бўйлаб

¹²² ЎзР МДА, И. I-фонд, 34-рўйхат, 122-иш, 7-варажнинг орка томони.

¹²³ Коканское ханство по новейшим известиямъ // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 47.

¹²⁴ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 292–296.

¹²⁵ И з о х : фунт – оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, XIX асрда 1/40 пудга, 400,12 грамга тенг бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 9 – том. 2005. – Б. 340).

¹²⁶ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 129.

тарқатилган¹²⁷. Марғилон беклиги хонликнинг турли бозорларига йилига 17 минг туда (200 минг пуд атрофида) ёғоч етказиб берган ва мамлакатни курилиш моллари билан таъминловчи асосий ҳудудлардан бўлган. Россия империяси истилоси арафасида Кўқон хонлиги бозорларида битта отдаги ёғоч 1 тангадан сотилган. Хонлик аҳолиси ёқилғи сифатида саксовул ва кўмирдан фойдаланган. Марғилон бозорига тоғли ҳудудлардан катта микдорда ўтин олиб келинган ва йилига 30 минг арава ўтин сотилган¹²⁸. Марғилоннинг ўзида ўтин билан савдо қилинувчи усти ёпиқ бозор ҳам мавжуд бўлиб, унинг бир йиллик ижараси 53 минг танга бўлган¹²⁹. Кўқон хонлиги бозорларига кўмир Хўжанд ҳамда Ўратепадан келтирилган ва XIX аср ўрталарида Хўжанд яқинидан бир кеча-кундузда 20–28 пуд кўмир қазиб олинган¹³⁰. Саксовул ва кўмир тоғли қирғизлар ва қозоқлар томонидан ҳам хонлик бозорларига келтирилган. XIX аср 70-йилларида Кўқон бозорида саксовулнинг араваси 80 коп.¹³¹, кўмирнинг араваси 3 руб. 50 коп.дан сотилган¹³².

Ички бозорга қимматбаҳо металлар, маъданлар ҳам келтирилган. Хусусан, Наманган бозорларига олтин Косонсойдан келтирилган. Олатов тоғларидан ва Кетмонтепа кўргонидан, Андижон яқинидаги Лаълхона мавзесидан эса кумуш ва кўргошин қазиб олиниб, хонлик бозорларига олиб келинган¹³³. Кўқон бозорида кўргошиннинг пуди 10 тангадан сотилган¹³⁴. Наманган яқинидаги Мингбулоқ конидан (шаҳарга 40 км) ва Андижон яқинидаги Избоскандан 24 км. шимолда жойлашган Мойлисув дарёси яқинидан ҳамда Қорадарёнинг ўнг қирғоидаги Ойим қишлоғидан нефть қазиб олиниб, маҳаллий бозорларга олиб

¹²⁷ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 201.

¹²⁸ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 46, 318, 319.

¹²⁹ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 658-иш, 1-вараг.

¹³⁰ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины... – С. 339 – 340.

¹³¹ Коканъ // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 136.

¹³² Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 129.

¹³³ Вельяминов-Зернов В.В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 30.

¹³⁴ Коканъ // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 137.

чиқилган¹³⁵. Маҳаллий аҳоли нефтдан турли тери касалликларини (күтири, яра-чақа ва ҳ.к.) даволашда ҳам фойдаланишган. Ҳўжанд атрофларидан селитра ва олтингургут ҳам қазиб олинган бўлиб, хонлик бозорларида олтингуругуртнинг пуди 9 коп. дан сотилган¹³⁶. Темир хонлик бозорларига асосан Россиядан олиб келинган ва қисман Ҳўжанд атрофидан маҳаллий аҳоли томонидан қазиб олинган¹³⁷.

Аҳоли Наманган ва Ўш яқинидан қазиб олинган ош тузидан ўз эҳтиёжини қондирган. XIX аср 60-йилларида хонлик бозорларида тузнинг пуди 12–14 коп.дан сотилган. Чўкма туз арzonроқ бўлиб, Қамишқўргондан 8 верст¹³⁸ узоқликдаги Сарикўл шўрхогидан олинган ва унинг пуди 7 коп. баҳоланган¹³⁹.

Кўқон хонлигидаги ички ва ташқи урушлар, қўзғолонлар, тахт учун курашлар бозорлардаги нарх-навоға ўз таъсирини ўтказган. Муҳаммад Азиз Марғилоний Шералихон хонлик тахтига ўтирганидан сўнг, савдогарлар “..бизнинг топган молимизни, беркитиб қўйганларимизни Бухоро хони олиб кетди, Кўқон атрофини қалъя билан ўрайлик”, – деб мурожат қилганлигини, шунингдек, тахт учун курашлар авжига чиққан Худоёрхоннинг иккинчи ҳукмронлиги (1862–1863) даврида “...катта қимматчилик бўлди, бозорлардаги нархлар бир хил турмади, бебаракатчилик бўлди”, – деб ёзган эди¹⁴⁰. 1876 йил Кўқон қўзғолони вақтида пойтахтда уннинг пуди 65 коп. дан 95 коп.га, гуруч 80 коп.дан 1 руб. 20 коп.га, арпа 50 коп.дан 80 коп.га, Ўш, Марғилон, Андижон ва бошқа шаҳарларда ун 68 коп.дан 1 руб. 10 коп.га, гуруч 75 коп. дан 1 руб. 30 коп.га кўтарилиган¹⁴¹.

¹³⁵ Массон М. Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Т., 1953. – С. 64.

¹³⁶ Коканъ // Туркестанский сборник... – С. 137.

¹³⁷ Обозрение Коканского ханства... – С. 183.

¹³⁸ И з о х : верст – узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, 1,0668 км.га teng (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 2-том. 2001. – Б. 435).

¹³⁹ Военно-статистической сборник. 1868. Выпуск III. – С. 137.

¹⁴⁰ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д. Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 71.

¹⁴¹ Бобобеков Ҳ. Кўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996. – Б. 112.

Кўқон хонлигининг Туркистон, Чимкент, Авлиёта, Тошкент, Хўжанд ва бошқа шаҳарлари Россия таркибига киритилганидан сўнг хонлик худуди асосан Фарғона водийсидан иборат бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, хонлик бозорлари Туркистон генерал-губернаторлигининг шаҳарлари бозорларидан маҳсулотлар нархининг арzonлиги билан ажралиб турган. XIX аср 60-йиллари охиrlарида Кўқонда ипакнинг фунти 3 руб. 50 коп., Ўратепада 4 руб. 40 коп., Тошкентда 5–6 руб.¹⁴², буғдойнинг пуди Кўқонда 20–30 коп., Тошкентда 50–60 коп., арпа Кўқонда 10–15 коп., Тошкентда 40 коп., тарик Тошкентда 40–50 коп., Кўқонда икки баробар арzon, гуруч Кўқонда 50 коп., Тошкентда 1 руб. 10 коп.¹⁴³, XIX аср 70-йиларида пахта толаси Тошкентда пуди 3–7 руб., Кўқонда 50 копдан 1 руб. гача сотилган¹⁴⁴.

Ўрта Осиё хонликларига хос равишда Кўқон хонлиги бозорларида ўғирлик ҳолатлари жуда кам рўй берган ва шундай ҳолат юз берса, жиддий жазо кўлланилган. Хусусан, 1814 йил хонликда бўлган Ф. Назаровнинг ёзишича, кўй ўғирлаган кишининг бармоқлари кесилган ва қайнаб турган чelакка тикилган ҳамда эшакка тескари ўтказилиб, бозор айлантирилган. Тарозидан урган киши эса яланғоч ҳолда бозорда қамчилаб юрилган¹⁴⁵. Бу каби кескин чора-тадбирлар бозорларда харидор ва сотувчиларнинг эркин ҳаракат қилишларига имконият яратган.

Кўқон хонлари XVIII аср 70-йилларига қадар мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолиш ва ички урушларнинг олдини олиш билан машғул бўлган. Шу боис, ички савдо муносабатларидағи олди-сотди жараёни кўшни хонликлар пуллари, асосан Бухоро танглари ва мол айирбошлиш орқали амалга оширилган. Норбўтабий Кўқон тахтига ўтирганидан сўнг пул ислоҳотини амалга оширди. Маълумотларга кўра,

¹⁴² Южаков Ю. Уратюпе и его округ // Туркестанский сборник. Том V. 1869. – С. 110.

¹⁴³ Коканское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 39; Костенко Л. Средняя Азия и возвращение в неё Русской гражданственности. – СПб., 1871. – С. 174 – 175.

¹⁴⁴ Туркестанские ведомости. 1870. – №1.

¹⁴⁵ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 60.

Норбўтабий мис (фулс) чақалар зарб эттирган ва бу мис чақалар халқ орасида “қора пул” деб аталган. Ниёз Мұхаммад Ҳўқандий маълумотл ҳрига кўра, Норбўтабий қора фулс тангаларни жорий қилган ва битта шундай тангага қўй берган¹⁴⁶.

Норбўтабийдан сўнг хонлик таҳтига чикқан ҳар бир хон ўз номидан янги пул зарб эттирган ва эскисини йиғиштириб олган. Кўқон хонлари кўпроқ чақа пул, баъзилари олтин танга зарб эттирган. Хусусан, Норбўтабий мис чақа, Олимхон мис чақа ва кумуш танга, Умархон дастлаб мис ва кумуш танга ҳамда ҳукмронлигининг сўнги йилларида яна пул ислоҳоти ўтказиб, илк бора хонлик тарихида олтин тангаларни муомалага киритган. Мұхаммадалихон ўз ҳукмронлиги давомида икки марта пул ислоҳоти ўтказиб, мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирган. Шунингдек, Шералихон, Ҳудоёрхон, Маллахонлар ҳам мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирганлар. Ҳатто, бир неча ой ҳукмронлик қилган Шоҳмурод олтин ва кумуш, Сайид Султон олтин, кумуш ва мис, Пўлатхон ва Насриддинбек эса кумуш тангалар зарб эттирган.

Кўқон хонлиги тангаларининг бир томонига уни зарб эттирган ҳукмдор номи, иккинчи томонига зарб йили ва жойи ёзилган. Хусусан, Умархон томонидан зарб эттирилган танганинг бир томонига “мусулмонлар амири Сайид Мұхаммад Умар Султон”, иккинчи томонига “1237 йил пойтахт Кўқонда зарб этилди”, Мұхаммадалихон зарб эттирган танганинг бир томонига “Мұхаммад Али-Гози Умар ўғли 1247 йил”, иккинчи томонига “пойтахт Кўқонда зарб этилди, 1247 йил”¹⁴⁷, Ҳудоёрхон зарб эттирган олтин танганинг бир томонига “Сайид Мұхаммад Ҳудоёрхон 1274 йил”, иккинчи томонига “Кўқанди Латифда зарб этилди 1274 йил” ва Маллахон зарб эттирган тилло танганинг бир томонига “Сайид Мұхаммад Малла Баходурхон 1275 йил”, иккинчи томонига “Кўқанди Латифда зарб этилди 1275 йил”, деб қайд этилган¹⁴⁸.

¹⁴⁶ Бейсембиев Т. К. “Тарихи Шахрухи” – как исторический источник... – С. 67.

¹⁴⁷ Ишанханов С. Х. Каталог монет Коканда XVIII – XIX вв. – Т., 1976. – С. 5 – 15.

¹⁴⁸ Валихонов Ч. Ч. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда... – С. 112–113.

Кўқон хонлигининг олтин пули – тилло, кумуш – танга ёки кўқон, мис – чақа деб аталган. Маҳаллий аҳоли кумушдан ишланган тангани “оқ танга”, мисдан ишланган тангани “қора танга” деб атаган. Хонлик тангалари сифати ва вазни турли хил бўлган. Муҳаммадалихон 1249 (1833–1834) йилда оғирлиги 1 мисқол бўлган тилло танга зарб эттирган ҳамда васиқасида “Тиллойи аҳмари аълойи Ҳўқандий, зарби амир Муҳаммад Алихони Ғозий” номи билан қайд этилган¹⁴⁹. Худоёрхон 1274 йил (1857–1858) зарб эттирган тилло тангаси оғирлиги 3,07 грам, Маллахон 1275 йилда (1858–1859) зарб эттирган тилло танганинг оғирлиги 4,58 грам бўлган¹⁵⁰. XIX аср 70-йилларидағи Кўқон тилло тангасининг 77,60 дан 82,80 фоизигача тоза олтин ҳисобланган¹⁵¹.

Кўқон кумуш тангаси ҳам турли хил вазнда зарб этилган. Ҳусусан, 1870–1871 йилларда Тошкент химия лабораториясида текширилган кумуш танга оғирлиги 2,79 дан 2,88 грамгача (0,75 мисқол), софлик даражаси 61–89,5 бўлган. Бў вақтда 250 тангага яхши от берган¹⁵².

Мис чақаларнинг вазни ҳам ҳар хил бўлиб, Норбўтабий зарб эттирган мис танганинг оғирлиги 2,35 грамдан 4,55 грамгача, Олимхон мис тангаси 3,44 грамдан 7,83 грамгача, Умархон мис тангаси 3,20 грамдан 6,43 грамгача, Муҳаммадалихон мис тангаси 2,57 грамдан 5,06 грамгача вазнли бўлган¹⁵³. П.И.Небольсиннинг ёзишича, Кўқон чақасининг 89–96 қисми мис бўлиб, 24–25 чақа 1 тангага тенг бўлган¹⁵⁴.

Хонлик тангалари қиймати турли даврларда ўзгариб турган. XIX аср 30-йилларида хонликда бўлган хорунжий Потаниннинг

¹⁴⁹ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш. Воҳидов, Д. Сангирова. – Т.: Мазнавият, 1999. – Б. 105.

¹⁵⁰ Валиханов Ч. Ч. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда... – С. 112 – 113.

¹⁵¹ Отчетъ Императорскаго Российскаго Консульства в Кашгаре. – СПб., 1885. – С. 37.

¹⁵² Весы и меры в Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1875. – №16; Обменъ Коканского серебра // Туркестанский сборник. Том 72. 1873. – С. 271.

¹⁵³ Ишанханов Х. Каталог монет Коканда XVIII – XIX в.в. – Т., 1976. – С. 18 – 20.

¹⁵⁴ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией // Записки ИРГО. Кн X. – СПб., 1855. – С. 207.

ёзишича, Кўқон тиллоси бир мисқол¹⁵⁵, танга 7/8 мисқол, мис бир мисқол атрофида вазнда бўлган ва бир тилло 20 кумуш тангага, танга 76 мис чақага тенг баҳолантган¹⁵⁶. XIX аср ўрталарида Кўқон тиллоси 21 тангага, 12 руб. 82 коп.га ёки 3 руб. 70 коп. кумушга тенг бўлган. Кумуш танга 21 мис чақа бўлган ва баъзида 53–140 чақагача чиқкан¹⁵⁷. Ч.Ч.Валихановнинг ёзишича, XIX аср ўрталарида Кўқон тиллоси 20–21 Кўқон ёки 17 Бухоро тангасига тўғри келган, 1 танга 20 коп., 24 пул ва 4 мирига тенг бўлган ва 6 пул 1 мирига қийматда хисобланган¹⁵⁸. XIX аср 70-йилларида 1 Кўқон тиллоси 19 тангага ёки 3 руб. 80 коп. кумушга, 1 танга 40 чақага тенг эди. Мусулмонқул зарб эттирган кумуш танга 24–32 чақага, Маллахон давридаги танга 42–50 чақага, ундан сўнг танга 60–64 чақага, баъзи ҳолатларда танга 100 чақага тенг бўлган. 3 мис чақа 1 коп. кумушга тўғри келган¹⁵⁹.

Кўқон хонлиги тангалари Хива, Бухоро, Қашқар бозорларида ҳам ишлатилган. Ўз навбатида хонлик ҳудудида Хива, Бухоро, Қашқар, Хитой, Россия, афғон, ҳинд тангаларида ҳам савдо-сотик ишлари олиб борилган. Кўқон хонлигининг йирик шаҳарларида пул алмаштириш дўконлари фаолият юритган. Хусусан, хонликнинг энг йирик марказлари Кўқон ва Тошкентда чоршанба ҳамда якшанба бозори кунлари пул алмаштирувчи дўконлар фаолият кўрсатган¹⁶⁰.

Тилло тангалар асосан Чирчик, Косон дарёлари бўйидан ва Қоратегиндан ҳамда Сибирдан яширин йўллар билан олиб келинган олтиндан, кумуш тангалар эса Қашқар орқали кириб келган Хитой кумуш ёмбилиаридан, мис чақа эса Россиядан келтирилган қизил мисдан тайёрланган.

¹⁵⁵ И з о х : мисқол – оғирлик ўлчов бирлиги. 1 мисқол XIX асрда Фаргона во-дийсида 4,55 граммга тенг бўлган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т., 6-том. 2003. – Б. 28).

¹⁵⁶ Потанин Н. И. Записки о Коканском ханстве хорунжаго Потанина (1830)... – С. 278.

¹⁵⁷ Обозрение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки РГО. Кн. III. – СПб., 1849. – С. 211.

¹⁵⁸ Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции... – С. 218.

¹⁵⁹ Весы и меры в Средней Азии // Туркестанские ведомости. 1875. – №16.

¹⁶⁰ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 136.

Хитой ёмбисининг 430–440 мисқол вазнлиси хонлик бозорларида кўпроқ учраган ва нархи сиёсий ҳамда иқтисодий вазиятга қараб ўзгариб турган. Кўён зарбхонасида XIX аср 70-йилларида 440 мисқолли Хитой кумуш ёмбиси 30 тиллога ҳарид қилинган ва баъзи вақтларда эса, 432 мисқолли кумуш ёмби 31,5 тиллога ҳам сотиб олинган ҳамда бир кумуш ёмбидан 640–700 дона кумуш танга зарб этилган¹⁶¹.

XIX аср ўрталарида Тошкентда Россиядан келтирилган қизил миснинг туси 12 руб. 80 коп.дан 13 руб. 70 коп.гача сотиб олинган. Кўён хонлигига Тошкент орқали Россиядан 1840–1849 йиллар давомида (10 йил ичида) 1547 пуд, яъни, 13620 руб. 90 коп.лик, 1850–1854 йилларда 5011 рубллик мис олиб келинган¹⁶².

Савдогарлардан мис, олтин ва кумушни Кўён саррофбошиси сотиб олган. XIX аср ўрталарида 100 мисқолли олтин ёмби 90–95 тилло, 314 мисқолли кумуш ёмби 20 тилло, миснинг ботмони 22–28 тиллодан сотиб олинган. Мис танганинг 4 дан 1 қисми микдорида кўргошин қўшилган ва кўргошин хонлик худудидан қазиб олинган ҳамда ботмони 15–16 тиллодан ҳарид қилинган. Саррофбоши сотиб олган металларини зарбхонага келтирган ва миззанинг китобига қайд қилдирган¹⁶³.

Пойтахт Кўёнда хон Ўрдаси яқинида мамлакатдаги ягона зарбхона мавжуд бўлган. Бироқ, маълумотларга кўра, XIX аср бошларида Ўшда ҳам хонлик зарбхонаси мавжуд бўлган ва унда мис чақа тангалар зарб этилган¹⁶⁴. Кўён зарбхонаси бир кечакундузда 1000 танга зарб қилиш имкониятига эга бўлган¹⁶⁵. Зарбхонада 100 мисқолли олтин ёмбидан 100 тилло, кумуш ёмбидан 640–700 танга, 1 ботмон мисдан 36 минг чақа зарб этилган. Зарб этилган 100 мисқол олтиндан 5 тилло, битта ёмби кумушдан 2 тилло, бир ботмон мис ва кўргошиндан 13 тиллодан

¹⁶¹ ЎзР МДА. И. 1-фонд. 16-рўйхат, 876-иш, 7-варакнинг орқаси ва 8-варак.

¹⁶² Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 138.

¹⁶³ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 137.

¹⁶⁴ Тимковский Е. Ф. Путешествие в Китай через Монголию в 1820–1821 годах. Часть II. – СПб., 1824. – С. 91.

¹⁶⁵ Хорошихин А. Заметки о Кокане // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 187.

хон фойдасига жетказилган. Шунингдек, саррофбоши ва зарбона хизматчилари ҳам маълум микдорда даромад олган. XIX аср 60-йилларида Кўқон мингбошиси бўлган Алиқули даврида Кўқон зарбонасида кунига 100 тагача, йилига 36 минг ёмбидан танга зарб этилган. Кўқон зарбонасидан хон йилига 25000 тилло даромад олган¹⁶⁶.

Кўқон хонлигида қалбаки пуллар ишлаб чиқаришга қарши жиддий чоралар кўрилган. Архив маълумотларига кўра, хонлик фуқароси Ҳосилбек Холназаров қалбаки тангалар ишлаб чиқаргани аниқлангач, таъқиб остига олинган. У хонликдан қочишга муваффақ бўлган бўлса-да, уни қўлга олиш учун қўшни хонликларга хон номидан махсус мурожаатномалар юборилган. Кўқон хонлигида танга-пулларни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш билан меҳтар шуғулланган¹⁶⁷. Хонлик бозорларида мол айирбошлиш анъанаси ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

XVIII аср бошларида ташкил топган Кўқон хонлигида аста-секин иқтисодий ҳаёт изга тушган. Ички ва ташки савдо тараққий этиб, аҳолининг фаровонлиги ошган. Ўз навбатида хонлик ҳукмдорлари ҳам савдонинг ривожланишига ҳомийлик қилиб, бозорлар, карвонсаройлар, савдо расталари ва дўконлар барпо этдилар, бозорлардаги савдо-сотик жараёнини назорат остига олганлар. XVIII аср охиirlарида Кўқон хонлигининг ўз пулига эга бўлиши савдо муносабатларининг ривожида муҳим омил вазифасини ўтади. Савдо-сотик хонлик аҳолиси ҳаётининг ажралмас қисми ҳисоб-ланиб, йирик шаҳарларда икки ва уч марта, катта қишлоқларда ҳамда бир нечта кичик қишлоқларни туташтирувчи худудларда ҳафтада бир марта бозорлар ташкил этилган.

¹⁶⁶ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 138.

¹⁶⁷ ЎзР МДА, И. I-фонд, 34-рўйхат, 144-иш, 5-варақ ва орқаси.

ХОНЛИКНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИДА САВДОНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қўқон хонлиги Россия¹⁶⁸, қозоқ даштлари, Қашқар¹⁶⁹, Хитой, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Туркия ва бошқа давлатлар билан бевосита ёки билвосита савдо алоқаларини амалга оширган.

Қўқон хонлиги билан ташқи савдо алоқаларига эга мамлакатлардан бири Ҳиндистон эди. Икки давлат ҳудуди бир биридан узоқлиги ва карvon йўллари бир неча мамлакатлар ҳудудларидан

¹⁶⁸ Хонликнинг Россия билан савдо алоқалари масаласи Э.Хожиев, Ф.Гаффоров, А.Мажкамовлар томонидан ўрганилган (*Хожиев Э. Ўрта Осиё – Россия иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкентнинг роли (XVIII аср охири – XIX аср бошлари)*): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1962. – В. 259; *Гаффоров Ф. Россия билан Қўқон хонлиги ўтрасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар (XIX асрнинг биринчи ярми ва 60–70-йиллар)*: Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: Ўз ССР ФА Тарих ва арх. институти, 1970. – В. 266; *Мажкамов А. Роль города Коканда в развитии в экономических связей Средней Азии с Россией и сопредельными странами в XIX – начале XX веков: Дис... канд. ист. наук.* – Т.: Инс. Истории АН Уз ССР, 1988. – 170 л.). Улар Россия архивлари маълумотлари асосида бу алоқаларният моҳият ва мазмунини чукур ва кенг очиб берганлар. Шу боис, монографияда хонликнинг Россия билан савдо алоқаларига муфассал тўхталинмади.

¹⁶⁹ Хонликнинг Қашқар билан савдо алоқалари масаласи Ш.Т.Қўлдошев томонидан тадқиқ қилинган. Тадқиқотчи ушбу масалани номзодлик диссертацияси ҳамда турли журнал ва анжуманларда эълон қилинган илмий мақолалари, тезислари орқали илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган (*Қўлдошев Ш. Т. Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистан ўтрасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVII – XIX асрнинг биринчи ярми)*): Тарих фан. номз.. дисс. – Т.: Ўз ФА Тарих институти, 2009; *Ўша муаллиф. Қўқон хонлиги ва Қашқар ўтрасидаги савдо алоқалари // "Қўқон асрлар силсиласида."* Республика илмий-назарий анжумани. – Қўқон, 2004. – Б. 301–303; *Ўша муаллиф. Шарқий туркистонликларнинг Қўқон хонлигидаги фаолиятига доир // Шарқшунослик.* – Т., 2008. – №13. – Б. 31–37.; *Ўша муаллиф. Шарқий Туркистонда Қўқон оқсоқоллик тизмининг ўрнатилиши тарихига оид // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзуидаги Республика илмий анжумани материаллари.* – Фарғона, 2009. – Б. 164–170.; *Ўша муаллиф. Тошкент – Хитой алоқалари тарихидан // Имом ал-Бухорий сабоклари.* – Самарқанд, 2009. – №1. – Б. 17–20).

үтиши савдо злоказаларига муайян салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, бу алоқа ар давом этаверган.

Кўқон хоилигидан Ҳиндистонга асосан хом ипак, ипак ва ярим ипак матолар, қуритилган мевалар, рўян, эчки момифи жўнатилган. Шунингдек, кўқонлик савдогарлар томонидан Ҳиндистонга маҳаллий ҳунармандчилик маҳсулотларида таш-қари, Ўрта Осиёнинг бошқа худудларида тайёрланган ва Россия моллари ҳам олиб борилган.

Архив маълумотларига кўра, XIX аср 60-йиллари ўрталарида Кўқон хонлигидан йилига Бухоро хонлиги, Афғонистон ва Ҳиндистонга 200.000 рубллик мол чиқарилган. Улар орасида 8000 пуд ипак ҳам бўлган¹⁷⁰.

Кўқон хонлигига тайёрланган ипакнинг “чилла” деб атала-диган нави Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ҳиндистонда ҳам машҳур бўлган. “Чилла” ипагининг баҳоси ўша давр учун анча юқори бўлиб, XIX аср 60-йилларида Кўқон хонлиги бозорларида бир пуди 197 руб. 60 коп. дан сотилган бўлса, унинг Бухоро бозорларидаги нархи 240 рублгача бўлган ҳамда у Ҳиндистонга кўплаб олиб кетилган¹⁷¹.

XIX аср 30-йилларида Ҳиндистон, Афғонистон орқали Ўрта Осиёга келган инглиз офицери А.Борнс маълумотларига кўра, сифатли Кўқон ипаги Кобул орқали Ҳиндистонга олиб борилган¹⁷². 1867 йил Ҳиндистонга Кўқон ва Бухоро хонлигидан 1000 туда ипак жўнатилган ва унинг оғирлиги ўртacha 12 минг пуд атрофида бўлган. Ипакнинг катта қисми Мўлтонда тайёр маҳсулотга айлантирилган ва бир қисми Бомбейга жўнатилган. Бомбейда ипак савдоси самарали бўлиб, бу порт шаҳар орқали Кўқон ипаги Европа давлатларига ҳам олиб кетилган.

Кўқон хонлигидан Бухоро ва Кобул орқали Ҳиндистонга ип-калава, хусусан, Наманган калаваси олиб борилган. XIX аср 70-йилларида унинг бир пуди нақд пулга 129 рублгача, б ой насияга 133 рублгача сотилган¹⁷³.

¹⁷⁰ ЎзР МДА, И. 1-фонд. 16-рўйхат, 876-иш, 23-варак.

¹⁷¹ Туркестанские ведомости. 1871. – № 29.

¹⁷² Борнс А. Путешествие в Бухару. Част III. – Москва, 1849. – С. 259.

¹⁷³ Петровский Н. О шелководстве и шелкоматании в Средней Азии. – Т., 1873. – С. 13, 97.

Инглиз Г.Морган маълумотларига кўра, XIX аср ўрталарида йилига Ўрта Осиё хонликларидан Бухоро орқали Ҳиндистонга 800 тўп ипак, 6000 пуд ипак маҳсулотлари – канauc, рўмол, дастурхонлар келтирилган¹⁷⁴.

Ҳинд савдогарлари Кўқон хонлигидан олтин ёмби ва тилла тангаларни ҳам олиб кетганлар. В.В.Вельяминов-Зернов маълумотларига кўра, XIX аср ўрталарида қоратегинликлар хонлик бозорларига маҳаллий усуlda тайёрланган олтин ём биларни олиб келганлар ва Кўқон бозорида Қоратегин олтинининг мисқоли 16,5 танга, кичикроғи 14,5 тангадан сотилган. Баъзи вақтларда бир мисқол Қоратегин олтинининг нархи 18 танга, кичикроғининг мисқоли 16 тангага сотилган ҳамда бу олтиннинг катта қисми ҳинд ва афғон савдогарлари томонидан харид қилиниб, Бухоро орқали ватанларига олиб кетилган¹⁷⁵. Шунингдек, ҳиндларнинг Кўқон хонлиги бозорларидан маҳаллий олтин ва кумуш тангаларни ўз пулларига алмаштириб, Ҳиндистонга олиб кетиш ҳолатлари ҳам кўплаб учраган. Ҳусусан, Д.И.Романовский 1865 йилда ҳиндлар Тошкент бозорида Кўқон ва Бухоро олтин, кумуш тангаларини қиммат нархда сотиб олаётганликлари ҳақида маълумот берган¹⁷⁶.

Шунингдек, Кўқон хонлигидан Ёркент – Лодак йўли орқали Ҳиндистонга 100 туяда эчки момифи, гиламлар, рўян олиб борилган¹⁷⁷.

XIX аср 30–40-йилларида Кўқон шаҳрида б та карвонсарой бўлган ва уларнинг иккитасида маҳаллий, тўртгасида Россия, Ҳиндистон, Тибет, Афғонистон, Кашқардан келтирилган моллар улгуржисига айирбошланган¹⁷⁸. XIX аср ўрталарида Ҳиндистон-

¹⁷⁴ Чўллиев Ш. Б. XIX аср охирги чораги – XX аср бошларида Рус – Ҳинд муносабатларида Ўрта Осиё (“Туркистан тўплами” материаллари асосида): Тарих фан. номз.. дисс. – Т., 1994. – Б. 74.

¹⁷⁵ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 51.

¹⁷⁶ Романовский Д. И. О географических исследованиях в Киргизской степи и Туркестанской области в 1865 году и несколько слов о торговом значений Ташкента // Сборник статей о Средней Азии. Том VI. 1867. – С. 22.

¹⁷⁷ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 532 – 535.

¹⁷⁸ Обозрение Коканского ханства... – С. 187, 213.

дан Кобул орқали Бухоро, Кўқон, Тошкент ва Қашқарга ҳар йили 10–15 минг тужа 160–240 минг пудгача юк келтирилган. Россия истилоси а қадар биргина Тошкентнинг ўзига Ҳиндистондан 1500–2000 тужа мол олиб келинган. 1866 йилда Кўқон хонлигига четдан нисбатан камроқ – 5000 тужа мол кириб келган бўлиб, унинг 2000 тусини ҳинд ва Бухоро моллари ташкил қилган¹⁷⁹.

Ҳиндистондан Кўқон хонлигига Кобул ва Бухоро хонлиги орқали атторлик буюмлари, доривор гиёхлар, “муслин” деб номланувчи юпқа мато, Банорас кимхоби, Кашмир рўмоллари, ҳинд парчалари, ип-газламалар, чопон, белбоғ, диний китоблар, индиго (нил), мурч, зираворлар, шакар, гуруч, шинни, қимматбаҳо тош, чой ва инглиз моллари – сурп, саллалик ва қийимлик дока, чит, курол-яроғ ва бошқа буюмлар келтирилган¹⁸⁰.

Кўқон аҳолиси орасида Ҳиндистондан келтириладиган индиго, Кашмир рўмоллари, чой ва ҳинд матоларига талаб катта бўлган. Маҳаллий тўкувчиликда талаб юқори бўлган кўк-сарғиш рангдаги индиго бўёғи асосан ўсимлик илдизидан Мўлтонда тайёрланган бўлиб, у билан бўялган матолар ювилганда ранги ўчмас ва қуёш нуридан оқариб кетмас эди¹⁸¹. Хунармандлар ипак матоларни ва гиламларни бўяшда асосан ундан фойдалангандар. XIX аср 60-йиллари ўрталаридан Кўқон хонлигига Ҳиндистондан 200 минг рубллик бўёқ келтирилган ва унинг катта қисми индиго бўлган¹⁸². XIX аср ўрталарида Тошкент бозорида индигонинг ўртача сифатлisisининг пуди 5 тилло, пастроғи 4 тиллодан сотилган¹⁸³. Шунингдек, Ҳиндистондан мош рангдаги кошениль бўёғи ҳам келтирилган бўлиб, бу бўёқдан ҳам асосан ипакни бўяшда фойдаланилган¹⁸⁴.

¹⁷⁹ Терентьев М. А. Россия и Англия в борьбе за рынки. – СПб., 1876. – С. 42 – 45.

¹⁸⁰ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 23-варак.

¹⁸¹ Сандносирова З., Деркунская Т. Химиядан қисқача русча-ўзбекча лугат. – Т., 1954. – Б. 262.

¹⁸² ЎзР МДА, И. 1-фонд. 16-рўйхат, 876-иш, 23-варак.

¹⁸³ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией // Записки ИРГО. Кн. Х. – СПб., 1855. – С. 313.

¹⁸⁴ Гейерь И.. Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрад I. – Т., 1903. – С. 6.

Хиндистондан келадиган молларнинг катта қисмини чой ташкил этган. Хонликка Хиндистондан Кобул орқали 1872 йил 8 августда 175 түя, 27 ноябрда 75 түя, 27 декабрда 180 түя, 1873 йил 27 февралда 76 түя, 8 апрелда 160 түя, 8 июля 220 түя, 17 октября 140 түя, 1874 йил 17 январда 190 түя, 17 апрелда 140 түя, майдан октябргача 300 түя, октябрь ойида 170 түя, 2 декабря 60 түя, 3 декабря 50 түядаги чой олиб келинган¹⁸⁵. 1872 йил январдан 1874 йил декабрягача бўлган 25 ой ичидаги 559,720 фунт миқдорида чой келтирилган¹⁸⁶. Шу муддатда Хиндистондан келтирилган ҳар бир қоп чой ўртача 50 тиллога баҳоланиб, бир қопда 4 пуд чой бўлган. Савдода кўк чойнинг 16 тури, жумладан, яхак, балидур, назигур, шиве, паррак, оқ-қуйруқ, байдари, қора-оққуйруқ, ойна ва бошқа навлари мавжуд бўлган ҳамда улар сифатига қараб турли нархда баҳоланганди. Масалан, 1874 йил ноябрь ойида Кўқон бозорида яхак чойнинг бир қопи 60 тилло, балидур 80–85 тилло, назигур 58 тилло, шиве 50–55 тилло, паррак 50–55 тилло, оққуйруқ 54 тилло, байдари 56 тилло, қора-оққуйруқ 54 тилло, ойна чой 18–22 тилло сотилган¹⁸⁷. Шунингдек, Бомбей ва Калькутта портлари, у ердан Пешавор – Кобул – Бухоро йўли орқали хинд чойи қаторида Хитойнинг Тебей, Юнанъ, Аи-Хоу ва бошқа худудларида етиштирилган чой турлари Кўқон хонлигига келтирилган. Хусусан, 1865 йил 4000 түядаги Хитой чойи Кобул орқали Ўрта Осиёга олиб келинган¹⁸⁸.

Хиндистондан Кўқон хонлигига келтириладиган маҳсулотларнинг бир қисмини машхур Кашмир рўмоллари ташкил қилган. Кашмирда рўмол тўқиши билан аҳолининг асосий қисми шуғулланган бўлиб, инглиз Пирс Жервис маълумотига кўра, 1813 йил Кашмир худудида 24 минг шундай рўмол тўқийидиган дастгоҳ мавжуд бўлиб, йилига 3 мингдан ортиқ Кашмир рўмоллари Ўрта Осиёга олиб келинган¹⁸⁹. Бу рўмол жуда қиммат ҳисобланган ва Ўрта Осиё бозорларида яхши Кашмир рўмолининг нархи 100

¹⁸⁵ ЎзР МДА, И. I-фонд, 16-рўйхат, 984-иш, 34-варап ва орқаси.

¹⁸⁶ ЎзР МДА, И. I-фонд, 16-рўйхат, 984-иш, 34-варап ва орқаси.

¹⁸⁷ ЎзР МДА, И. I-фонд, 16-рўйхат, 984-иш, 37-варап.

¹⁸⁸ ЎзР МДА, И. I-фонд, 16-рўйхат, 203-иш, 17-варапнинг орқаси, 51-варап.

¹⁸⁹ Рустамов Ў. А. Ҳозирги Кашмир. – Т.: Фан, 1961. – Б. 83.

тиллогача турган¹⁹⁰. Ҳиндистон ва Кўқон хонлиги савдо алоқаларининг ижобий самараси сифатида XIX асрдаёқ Марғилон, Ўратепса ва Кўқонда Каширига рўмолларига ўхшаш жун рўмоллар тўкиш йўлга қўйилган¹⁹¹.

XIX аср 30-йилларида оид маълумотларга кўра, Ҳиндистондан Кобул орқали Бухоро бозорларига келтирилган Банорас кимхобининг 8–9 аршини 10 тиллодан 45 тиллогача сотилган ва катта қисми Кўқонга олиб кетилган¹⁹².

А. Борнс маълумотларига кўра, XIX аср 30-йилларида Ўрта Осиё хонликларига Панжобда тайёрланган оқ мато келтирилган ва ундан маҳаллий аҳоли салла тайёрлашда кенг фойдаланган¹⁹³. Кейинчалик инглиз сурпи ва докаларининг Ўрта Осиёга кўплаб келтирилиши Панжоб матосига бўлган эҳтиёжни камайтирган. Шунингдек, XIX асрга оид маълумотларга кўра, Панжобдан Ёркент орқали Кўқон хонлигига темир ва пўлат ҳам келтирилган¹⁹⁴.

Ҳиндистоннинг Қашқар орқали Кўқон билан савдо алоқалари ҳам анча самарали ва даромадли бўлган. 1812 йил 7 майда Россия империяси генерали Глазенапанинг татар савдогари Мехти Рафилов билан учрашувидан сўнг рус ҳукуматига берган ҳисоботида, Кашири – Оқсу – Кўқон шаҳарларининг савдо айланмаси йилига бир неча миллион руб. бўлганлиги ҳақидаги маълумоти буни тасдиқлайди¹⁹⁵.

Ҳиндистон Англия таъсир доирасига тушиб боргани сари бу ердан Ўрта Осиёга инглиз ва турли хил Европа молларининг кириб келиши кўпайиб борган. XIX аср 60-йиллари иккинчи ярмидан йилига Кўқон хонлигига Бухоро орқали 300 минг рубллик

¹⁹⁰ Михалева Г. А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века: ремесла, торговля и пошлины. – Т., 1991. – С. 25.

¹⁹¹ Байкова Н. Б. Из истории караванной торговли между Средней Азией и северной Индией в XIX // Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран востока. – Т., 1963. – С. 189 – 193.

¹⁹² Записки о Бухарском ханстве... – С. 77.

¹⁹³ Борнс А. Путешествие в Бухару. Часть II. – Москва, 1849. – С. 566.

¹⁹⁴ Кочинов В. И. Панжаб в период мисалей и образование государства сикхов // Индийский этнографический сборник. – Москва, 1961. – С. 38.

¹⁹⁵ Афганистан. – Москва, 1984. – С. 101.

Манчестер ва Бирмингемда тайёрланган инглиз газламалари кириб келган¹⁹⁶.

Инглиз моллари орасида Машҳад орқали келтирилган маҳсулотлар сифат жиҳатидан Пешавордан келтирилган маҳсулотлардан юқори турган ва харидоргир бўлган. Бунинг асосий сабаби Машҳад орқали ўтувчи йўлнинг қисқалиги маҳсулотнинг сифатли ҳолда етиб келишига сабаб бўлганлигидадир.

Хинд савдогарлари Ўрта Осиё бозорларида инглиз молларини арzon нархларда сотганлар ва З йил муддатгача қарзга ҳам берганлар¹⁹⁷. Хусусан, XIX аср 60-йилларида хонлик пойтахтида бўлган тошкентлик савдогар Ҳожи Юнусов, Кўқон бозорида пешаворлик савдогар маҳаллий тужкорларга ўз молларини З йил муддатга қарзга берганлигини кўрганлиги ҳақида маълумот беради¹⁹⁸. Бу ҳолат шу турдаги рус молларининг рақобатга бардош бера олмаслигига олиб келган. Натижада Россия ҳукумати 1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги худудига Европа моллари келтиришни таъкидлаб қўйган¹⁹⁹. Шу сабабли, Бухоро хонлиги орқали Туркистон генерал-губернаторлиги худудига ўтган карvonлар тазиик остига олинган ва улардан катта микдорда бож ундирилган. 1871 йил Кобул орқали Кўқонга келаётган инглиз моллари Хўжандда ушлаб қолинганлиги ва ундаги инглиз докасининг ҳар бўллагидан 10коп.дан божолинганлиги бу фикрнинг исботидир. Ҳар бир тяуга 600 бўлакгача инглиз докаси юклangan бўлиб, бу газлама нархига нисбатан катта бож ҳисобланган²⁰⁰. Оқибатда, четдан келтирилган маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши, Кўқон хонлигига Бухоро хонлиги орқали инглиз ва хинд моллари кириб келишининг камайишига, Қашқар орқали кириб келишининг кучайишига сабаб бўлган. Инглиз ҳукумати турли тазиикларга қарамасдан, Ўрта Осиё бозорларида мавқенини сақлаб қолиш мақсадида, 1870 йилда Кашмир махорожаси билан савдо

¹⁹⁶ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 23-варак.

¹⁹⁷ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи. – СПб., 1867. – С. 53.

¹⁹⁸ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 530.

¹⁹⁹ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 1394-иш, 8-варак.

²⁰⁰ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 719-иш, 5-варак.

шартномасини имзолаб, Ҳиндистон – Қашқар йўлидаги савдо карvonлаф идан йўл божларини олиб ташлаш орқали маҳсулот таннархии и пасайтиришга ҳаракат қилган. Натижада келгуси йилдаёқ инглизларнинг Қашқардаги савдоси ҳажми 7 баробарга ошган²⁰¹.

Ҳиндистондан Ўрта Осиёга улгуржи мол келтириш билан ислом динига эътиқод қилувчи ҳиндистонлик савдогарлар шуғулланганлар. Чунки, карvon йўллари асосан мусулмонлар яшайдиган худудлардан ўтган бўлиб, бу ерларда мусулмон бўлмаган савдогарлардан катта миқдорда бож олинган. Ҳонликлар шаҳарларида эса Ҳиндистондан келтирилган молларни сотиш билан асосан мусулмон бўлмаган ҳиндлар машғул бўлган²⁰². Чунки ҳонлик худудида мусулмон бўлмаган савдогарларга ҳам яхши муносабатда бўлинганлиги бунга асосий сабаблардан бири бўлган.

Кўқон ҳонлиги Афғонистон билан ҳам фаол савдо алоқаларини ўрнатган эди. Афғонистон шаҳарлари билан Кўқон ҳонлигини боғловчи карvon йўллари асосан Бухоро ҳонлиги худудидан ўтган ва Бухоро бозорлари орқали ҳам Афғонистон – Кўқон ҳонлиги савдо алоқалари амалга оширилган. Бухоро ҳонлиги орқали Афғонистоннинг Маймана, Сарипул, Ахча, Андхой, Кобул ва Ҳирот шаҳарларига Кўқон ҳонлигидан савдо карвонлари қатнаган. Шунингдек, Афғонистон ва унинг шаҳарлари Ўрта Осиё ҳонликлари учун муҳим бўлган транзит йўлида жойлашган бўлиб, уларнинг аксарияти Кўқон ҳонлигининг Ҳиндистон, Эрон, араб мамлакатлари, Туркия ва Европа мамлакатлари билан савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган.

Кўқон ҳонлиги Афғонистон билан Бухоро орқали ўтган карvon йўлидан ташқари Қоратегин – Дарвоз орқали Бадахшонга ва у ердан афғон шаҳарлари ҳамда Шимолий Ҳиндистонга олиб борувчи карvon йўли орқали ҳам савдо қилиш имкониятига эга бўлган²⁰³.

²⁰¹ Туркестанский сборник. Том 101. – С. 528.

²⁰² Дмитриев Г. А. Из истории среднеазиатско-индийских отношений второй половины XIX в. – начала XX в.: Автореф. дис... канд. ист. наук. – Т., 1965. – С. 10.

²⁰³ Венюков М. Материалы для военного обозрения русских границ в Азии // Туркестанский сборник. Том VIII. 1873. – С. 450 – 451.

Хонликнинг Афғонистонга экспорт қилувчи асосий маҳсулоти ипак ҳисобланган. Бу давлат шаҳарлари га келтирилган ипакнинг бир қисми маҳаллий хунармандлар томонидан харид қилинган бўлса, катта қисми қўшни мамлакатларга олиб кетилган. Ҳиндистонда бўлган европалик сайдёхлар маълумотларига кўра, XIX аср 50-йилларида Ҳиротдан Шикорпурга олий навли “Кўқон ипаги” олиб келинган бўлиб, Кобулда ҳам энг сифатли ипак “Кўқон ипаги” номи билан таникли бўлган. Кобулга келтирилган Кўқон ипаги бу ерда сараланган, турли навларга ажратилган ҳамда Панҷоб ва Ҳиндистонга юборилган²⁰⁴.

Хонликдан келтирилган ипак ва ипак матолар Афғонистоннинг ўзида ҳам харидоргир ҳисобланган. Ҳусусан, тикувчилик ривожланган Ҳулм (Тошкўргон) шаҳри хунармандлари ўз маҳсулотларини яратишда Кўқоннинг ипак матоларидан фойдаланганлар. Ҳулмда ипак матолар олиб келган қўқонлик савдогарларни тез-тез учратиш мумкин бўлган²⁰⁵.

Кўқон хонлиги Афғонистоннинг Қашқар ва Хитой билан савдо алоқаларида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Хонлик савдогарлари маҳаллий моллар билан бир қаторда Қашқар ва Хитой молларини Бухоро хонлиги орқали афғон шаҳарларига олиб боргандар. Хитойдан Афғонистонга Қашқар ва Кўқон орқали чой олиб келинган бўлиб, у денгиз орқали Хитойдан Ҳиндистон ва Афғонистонга келтириладиган чойдан таъми бўйича ажралиб турган. Хитойдан келтирилган чойнинг турли навлари Қашқар орқали Кўқон савдогарлари воситачилигида Бухоро ва Афғонистонга ҳам олиб келинган²⁰⁶.

Афғонистон бозорларига Хитойда ишлаб чиқарилган чинни идишларни сотишда Кўқон савдогарлари ҳам фаол иштирок этганлар. Афғонистонда Хитой чинниси “Қашқар чинниси” номи билан машҳур бўлиб, бошқа худудларнинг шу каби молларидан

²⁰⁴ Бабаходжаев М. А. Русско-афганские торгово-экономические отношения в второй половине XVIII – начале XX в. – Т., 1965. – С. 13, 131.

²⁰⁵ Тагеев Б. По Афғанистану. Приключения русского путешественника. – Москва, 1904. – С. 38.

²⁰⁶ Курапаткин А. Очерки Кашгарии. – СПб., 1878. – С. 141.

қиммат нархда сотилган. Хусусан, XIX аср 70-йиларида Кобулда битта Хитой чинни пиёласи 50 коп.дан 5 рублгача баҳоланганды²⁰⁷.

Кўқон хонлигидан Дарвоз, Қоратегин ва улар орқали афғон шаҳарларига бориладиган карвон йўлларидан асоғсан кўқонлик ва марғилонлик савдогарлар фойдаланган. Бу савдогарлар ушбу йўл орқали Дарвоз, Қоратегин, Кўлоб ва Бадахшон, Кобул, Қундуз, Ҳулм шаҳарларига ҳом ипак, ипак ва ярим ипак матолар олиб борганлар²⁰⁸.

XIX аср 60-йиларида қадар Афғонистоннинг йирик иқтисодий маркази бўлган Кобул орқали ва у ердан Ўрта Осиё хонликлари, қозоқ даштлари ва Қашқарга йилига 10–15 минг тияда 160–240 минг пудгача турли хилдаги мол олиб келинган²⁰⁹. Кобул божхоналари ҳам савдо карвонларидан жуда катта даромад олган. А.Борис маълумотларига кўра, XIX аср 30-йиларида Кобул божхонасидан давлат хазинасига йилига 2 лак ва 22 минг рупий²¹⁰ даромад тушган²¹¹.

Ўрта Осиёнинг бир қисмини Россия томонидан истило килиниши ва Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида Европа молларига чеклов жорий қилиниши Афғонистондан мол кириб келишини камайтирган. Хусусан, XIX аср 70-йиларига келиб, Афғонистондан Ўрта Осиёга шу асрнинг 60-йиларида нисбатан анча кам – йилига 3000–3500 тияда, 1 млн руб. атрофидаги мол кириб келган ва уларнинг бир қисми Бухоро ҳудуди орқали Кўқон хонлигига олиб келинган²¹².

Афғонистондан Кўқон хонлигига Бухоро орқали афғон киличи, ханжари, тўн ва саллалари, гиламлар, доривор гиёҳлар, кўй, тулки мўйналари, жун газлама, бузгундж бўёғи, Бухоро қоракўлидан фарқ қилувчи қоракўл териси ва ҳинд-инглиз, форс

²⁰⁷ Яворский И. Л. Путешествие русского посольства въ Афганистану и Бухарскому ханству в 1878 – 1879 г. Том I. – СПб., 1882. – С. 161 – 162.

²⁰⁸ Несколько слов об условиях жизни в горах Дарваза и долине реки Ванча // Туркестанские ведомости. 1894. – № 65.

²⁰⁹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 532.

²¹⁰ Изюх: XIX аср 50 – йиларида 1 афғон рупияси 38 рус тийинига тенг бўлган.

²¹¹ Борис А. Кобул. – Москва, 1847. – С. 132.

²¹² Бухара // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 116.

моллари келтирилган²¹³. В.В.Вельяминов-Зернов маълумотларига кўра, Кўқон хонлигида Кобул белбоғи ва саллалари машхур ҳисобланган ва уларнинг хонлик бозорларига афғон савдогарлари олиб келганлар²¹⁴. Кўқон хонлигида Хуросон қиличлари ҳам қадрланган ва у маҳаллий ҳамда афғон савдогарлари томонидан олиб келинган²¹⁵. Кўқон хонлиги даврида Тошкент бозорларига қимматбаҳо тошлар Бадахшондан ва Бухоро орқали Балхдан келтирилган²¹⁶.

Кўқон – Бадахшон карvon йўли орқали хонлик бозорларига турли ёввойи хайвонлар – тулки, бўри, айик, йўлбарс, ёввойи мушук терилари, гуруч, жун газламалар, машхур Бадахшон ложуварди олиб келинган²¹⁷. XIX аср 60-йилларида Бадахшондан келтирилган ложувард (зангори тош)нинг пуди Кўқон бозорида 60–80 рублдан сотилган ва қилич, ханжар, пичоқлар дастасини безатишда фойдаланилган²¹⁸.

Хонлик бозорларидаги Қоратегин қўйларига талаб катта бўлиб, ҳар йили кўплаб қўй ҳайдаб келинган. Шунингдек, афғон шаҳарлари Кундуз ва Рустакдан Кўқон хонлиги савдогарлари Қоратегин қўйларини харид қилиб, Дарвоз, Қоратегин ва Олой водийси орқали ватанларига қайтганлар²¹⁹.

XIX аср 60-йилларида Кўқон хонлигининг Бухоро ва Афғонистон билан савдо айланмаси йилига 2 млн руб. атрофида бўлган²²⁰.

Кўқон хонлигининг Афғонистон билан савдо алоқаларига хонлик савдогарлари билан бир қаторда афғонлар ҳам катта мавқеи-

²¹³ Торговые сношения с Афганистаном // Туркестанские ведомости. 1888. – № 39.

²¹⁴ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 51.

²¹⁵ Пашин П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 147.

²¹⁶ Добротыслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т., 1912. – С. 19.

²¹⁷ Абаева Т. Г. Очерки истории Бадахшана: Дисс.. канд. ист. наук. – Т., 1961. – С. 157.

²¹⁸ Центральная Известия Русского Географического Общества. Том III. – СПб., 1866. – С. 128.

²¹⁹ Несколько слов об условиях жизни в горах Дарваза и долине реки Ванча // Туркестанские ведомости. 1894. – № 65.

²²⁰ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 23-варак.

га эга бўлганлар. Хусусан, Ҳиндистондан Ўрта Осиё худудларига савдо карвонларини афғонларнинг “повинда” қабиласи аъзолари кўриқлаб келганлар. Повинда таркибига лохани, носири, хароти, мияхел, дутани, ниязи каби уруғлар кирган бўлиб, уларнинг 35 мингдан ортиқ туяси мавжуд бўлган. Повинда аъзолари савдо-гарларга тегишли юкларни ўз туялари орқали Ўрта Осиёга келтирганлар²²¹. Бу молларнинг бир қисми шубҳасиз Кўқон хонлигига келтирилган. Архив маълумотида кўрсатилишича, Ўратепа божхонасидан 1865 йил 11 августда афғон савдогари Кобулдан Кўқонга 325 руб. 60 коп.лик чой ва чит олиб ўтган²²².

Кўқон хонлигининг Эрон билан савдо алоқалари Бухоро хонлиги ва Афғонистон бозорлари ҳамда уларнинг худудидан ўтган карвон йўллари орқали амалга оширилган. Бирок, Ўрта Осиё ва Эрон аҳолиси ўртасидаги диний келишмовчилик икки худуд савдо алоқаларига салбий таъсир кўрсатган. Ўрта Осиё савдогарлари Эрон шаҳарларида кўплаб тўсиқларга учраган, форс савдогарларидан Ўрта Осиё хонликларида христианлар каби беш фоиз микдорида бож олинган²²³. Натижада, асосан сунний мазҳабида бўлган ўрта осиёлик савдогарлар Эронга, шиа мазҳабида бўлган форслар эса Ўрта Осиё шаҳарларига жуда кам келганлар. Шунингдек, икки худуд карвон йўллари унча узоқ бўлмаса-да, ғоят хавфли бўлиб, кўчманчи қабилалар хужуми кўп кузатилган. Бирок, бу тўсиқларга қарамасдан, икки худуд ўртасида муайян савдо алоқалари мавжуд бўлган. Хусусан, Н.Хаников ёзишича, XIX аср 40-йилларида Эрондан Машҳад орқали Бухорога йилига 4 марта карвон келган²²⁴. Машҳаддан йўлга чиққан савдо карвонлари афғон ва Хуросон шаҳарлари орқали Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Кўқон, Ёркент, Фарбий Хитой ва Кашмиргача борган²²⁵.

²²¹ Бабаходжаев М. А. Русско-афганские торгово-экономические отношения... – С. 15.

²²² ЎзР МДА, И. 336-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 6-варак.

²²³ Валиева Д. В. Среднеазиатско-иранские отношения первой половине XIX в // Взаимоотношение народов Средней Азии и сопредельных стран востока. – Т., 1963. – С. 53.

²²⁴ Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 173.

²²⁵ О путях сообщения // Проект устава товарищества для развития торговли с Среднею Азию. Сост. С.Хрулев. – СПб., 1863. – С. 9.

Кўқон хонлигидан Эронга асосан хом ипак, ипак газлама ва ярим ипак газламалар ва хонлик худуди орқали ҳамда савдогарлари томонидан Қашқар ипаги ва ипак матолари, Хитой чинни идишлари, атторлик моллари, чой ва ҳ.к. лар ҳам олиб борилган. 1870 йилда Бухородан Эронга 23 минг пуд, яъни 2 млн 120 минг рубллик ипак жўнатилган ва бу ипакнинг бир қисми Кўқон хонлигидан олиб борилган²²⁶.

XIX аср ўрталарида Риштон кулолчилигининг машҳур вакилларидан бўлган ака-ука Уста Жалил ва Кури Абду Жамиллар ҳақидаги маълумотлар эътиборга молик ҳисобланади. Уста Жалил Қашқарда кулолчилик сирларини ўрганиб қайтган. Кури Абду Жамил савдо билан шуғулланган ва тижорат иши юзасидан марвлик савдогар билан танишиб қолган ҳамда улар биргаликда Эрон ва Қашқарда савдо билан машғул бўлганлар. Шунингдек, улар бир вакътнинг ўзида Эрон ва Қашқар кулолчилик сирларини ўргангандар²²⁷.

Кўқон хонлигига Эроннинг йирик маркази Машҳаддан ипак матолар, Табриз мовути, олтин ип билан тикилган форс парчаси, Кирмоншоҳ рўмоллари, олтин ип билан тикилган Исфахон белбоғи, Эрон гиламлари, Шероз мўйнаси, феруза, шакар, сарик мурч, тамаки, турли хил бўёқ, пичок, ханжар, қурол, қўлёзма ва босма китоблар, доривор гиёҳлар, инглиз матолари, шакар, майда темир, мис буюмлари келтирилган.

Бухоро қоракўлидан фарқ қилувчи Шероз қоракўллари ҳам Кўқон хонлигига таниқли бўлган²²⁸. Хонликка сифати юқори бўлмаган ва аҳолининг ўрта табақаси учун мўлжалланган чарм ҳам асосан Бухоро ва Эрондан олиб келинган ҳамда у Ҳамадон чарми номи билан танилган²²⁹. Ўрта Осиё хонликларида, хусусан, Кўқонда энг яхши қилич Хуросон ва Эрон қиличлари ҳисобланган²³⁰. XIX асрга оид маълумотларга кўра, Бухоро

²²⁶ Расуль-Заде П. Н. Из истории Среднеазиатско-индийских связей. – Т., 1968. – С. 68.

²²⁷ Пещерова Е. М. Гончарное производство Средней Азии. – Москва, 1959. – С. 229.

²²⁸ Географическое описание Киргизской степи. – СПб., 1863. – С. 210.

²²⁹ Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 144.

²³⁰ Гребенкин А. Таджики: Этнографический очерк // Туркестанский сборник. Том I. 1872. – С. 487.

қиличи бир тилло нархда, Эрон қиличи ундан ўн баробар қиммат нархда сотилган²³¹. Эрондан Кўқон хонлигига феруза, марварид ҳамда доривор гиёхлар ҳам келтирилган бўлиб, қимматбаҳо тошлиар маҳаллий заргарлар орасида қадрланган²³². Л.Костенко маълумотига кўра, Эроннинг Нишопур шаҳридан кёлтирилган феруза тоши Бадаҳшоннидан яхшироқ бўлган ва ноёб ҳисобланган²³³.

XIX аср ўрталарида Эрондан Ўрта Осиёга шакар олиб келина бошланган. Унинг пуди Бухорода 3 тиллодан сотилган ва бутун Ўрта Осиё бозорларига олиб кетилган²³⁴. Эрондан Бухорога ҳар йили катта микдорда кўкнори олиб келинган ва бир қисми Кўқон орқали Хитойга олиб кетилган²³⁵. Шунингдек, Эрондан Бухоро ва Кўқон орқали Қашқарга опиум ҳам олиб келинган. Унинг пуди Бухорода 50–56 тиллодан ва Қашқарда бир неча баробар қиммат сотилган²³⁶. XIX аср 50-йилларида Тошкентда бўлган рус савдогари С.Я.Ключаров маълумотига кўра, 1852 йил 3 апрелда Эрондан Бухоро орқали Тошкентта келган карвон молларининг ичида опиум бўлиб, Фулжа, Чугучак ва Қашқар савдогарлари томонидан унга кўтта қизиқиш билдирилган²³⁷.

Эрон орқали турли Европа моллари Форс қўлтиғидаги Бандар Аббос бандаргоҳига ва у ердан Машҳад орқали Ўрта Осиёга олиб келинган. Хусусан, XIX аср ўрталарида Кўқон хонлигига асирикда бўлган Н.Северцовнинг маълумот беришича, бухоролик савдогарлар Кўқон бозорларига Бухоро моллари билан

²³¹ Михалева Г. А. Узбекистан в XVIII–первой половине XIX века: ремесла, торговля и пошлины... – С. 22.

²³² Романовский Д. И. О географических исследованиях в Киргизской степи и Туркестанской области в 1865 году и несолько слов о торговом значений Ташкента // Сборник статей о Средней Азии. Том VI. 1867. – С. 22.

²³³ Костенко Л. Средняя Азия и вововорение в ней Русской гражданственности. – СПб., 1871. – С. 211.

²³⁴ Валиева Д. В. Среднеазиатско – иранские отношения первой половине XIX в... – С. 53.

²³⁵ Борис А. Путешествие в Бухару. Том III. – Москва, 1849. – С. 571.

²³⁶ Валиханов Ч. Ч. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда... – С. 190.

²³⁷ Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известие с Коканском ханстве... – С. 36.

бирга, рус, афғон ва Машҳад орқали кириб келган форс, инглиз ва ҳинд молларини ҳам олиб келганлар²³⁸. А.Н.Тетеревников маълумотларига кўра, XIX аср 60-йилларида Тошкентда инглиз моллари “машҳадники” номи билан танилган ва бозорларда тез-тез учраган²³⁹. Кўкон хонлиги бозорларига Машҳад орқали келтирилган инглиз читидан маҳаллий хунармандлар кўйлак ва чопонлар тикишда фойдаланган бўлиб, XIX аср ўрталарида Машҳад орқали Тошкентта келтирилган оддий инглиз читининг 20 бўлаги (бир бўлаги узунасига 35 – 36 аршин) 22 тилло, юқори сифатлиси 28 тиллодан сотилган²⁴⁰. Шунингдек, Машҳад орқали хонлик бозорларига машхур француз чити ҳам олиб келинган²⁴¹.

Россия истилоси арафасида Туркистон ва Чимкент бозорларида ҳам Машҳаддан Бухоро ва Тошкент орқали кириб келган форс ва инглиз молларини кўплаб учратиш мумкин бўлган. Бу ерда Машҳад сурпидан тайёрланган салла 8 руб., жун газламаси 16 руб., соябони эса 50 коп. нархда сотилган²⁴².

Форс савдогарлари Кўкон хонлигининг турли худуд билан савдо алоқаларида ҳам иштирок этган. П.И.Небольсин маълумотига кўра, Кўкон –Қашқар савдо карвонларида кўконлик ва бухоролик савдогарлар билан бирга афғон ва форс савдогарларини ҳам учратиш мумкин бўлган²⁴³. Форс савдогарлари Кўкон хонлигининг йирик шаҳарларида яшаб, савдо билан шуғулланганлар. В. В. Вельяминов-Зернов маълумотларига кўра, XIX аср 50-йилларида Тошкентда ўрта осиёлик савдогарлар билан бирга афғон, татар, ҳинд ва форс савдогарлари ҳам яшаганлар ва улар Машҳад орқали кириб келган моллар савдоси билан шуғулланганлар²⁴⁴.

²³⁸ Северцов И. Месяц плену у коканцов. – СПб., 1860 // Туркестанский сборник. Том 373. 1883. – С. 87.

²³⁹ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 36.

²⁴⁰ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией // Записки ИРГО. Кн Х. – СПб., 1855. – С. 217.

²⁴¹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 574.

²⁴² Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 26–27.36.

²⁴³ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией. – СПб., 1856. – С. 348.

²⁴⁴ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 49.

Ю жоридаги маълумотлар Кўқон хонлиги ва Эрон ўртасидаги савдо алоқалари изчил равишда, икки томон учун ҳам ўзаро манфиятли, самарали олиб борилганлигини кўрсатади.

Хонлик савдогарлари Усмонийлар давлати (Туркия) ва араб шаҳарларига савдо мақсадида бориб турганлар. Улар араб мамлакатлари ва Туркия шаҳарлари билан ҳам ёсосан Бухоро, Афғонистон ёки Хурросон, Эрон ҳудудларидан ўтган карвон йўллари орқали савдо алоқаларини амалга оширганлар.

Кўқон хонлигидан араб мамлакатлари ва Усмонийлар давлати шаҳарларига ипак ва ярим ипак матолар, маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ва Хитой моллари олиб борилган. Бу мамлакатларга хонлик савдогарларининг ҳар бир сафари бир неча ойлаб, йиллаб давом этган.

Ҳар йили ҳаж мавсумида Макка ва Мадина зиёратига отланган ҳожилар ҳам икки худуд ўртасидаги савдо алоқаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этганлар. Хусусан, XIX аср 60-йилларида Ўрта Осиёда бўлган А.Вамбери маълумотига кўра, Ҳиротга у билан “50–60 атрофидаги кўқонлик ҳожилар қарийб 40 дюжина²⁴⁵ ипак рўмол, 2 мингга яқин пичоқ, 30 бўлак Наманган шойиси, кўп сонли Кўқон дўптилари ва бошқа молларни сотиш учун Арабистонга олиб кетганлар”²⁴⁶.

Макка зиёратига кетаётган кўқонлик зиёратчиларнинг бир қисми Россия орқали, яъни Оренбург – Астрахан – Истанбул йўналишидан фойдаланишни маъкул кўрганлар. Улар ҳаж зиёратига бориш жараённида ўзлари билан маҳаллий молларни олиб борганлар ҳамда сафар давомида хорижий маҳсулотларга айирбошлаганлар. Тошкент божхонаси маълумотларига кўра, 1871 йил июнь ойида Кўқондан Тошкент орқали Макка ва Мадинага 400 дона ипак рўмол²⁴⁷, 1872 йил май-август ойларида эса Маккага 23 минг 545 руб. 50 коп. лик мол жўнатилган²⁴⁸.

²⁴⁵ Из оҳ: 1 дюжина -12 дона молни англатган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т., 1-том. 2000. – Б. 241).

²⁴⁶ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1867. – С. 371 – 372.

²⁴⁷ ЎзР МДА, И. 469-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 37-вараг.

²⁴⁸ ЎзР МДА, И. 469-фонд, 1-рўйхат, 189-иш, 37-варагнинг орқаси.

Қўқонлик савдогарлар Ўрта Ер денгизининг шарқий соҳилларида жойлашган араб шаҳарлари билан қизғин савдо алоқаларини олиб борганлар. Ўз навбатида, хонлик савдогарларининг араб хукмдорлари хизматига кириш жараёни ҳам кузатила бошланган. Миср хукуматида Ўрта Осиёдан келган савдогарларнинг фаолият олиб бориши икки миңтақа манфаатлари йўлида савдо алоқалари олиб борилиши учун хизмат қилган. Миср пойтахти Қоҳира бозори ва Искандария шаҳри портида кўплаб ўрта осиёлик, жумладан қўқонлик савдогарларни учратиш мумкин эди. Искандария порти Жанубий Европага жўнатилаётган Осиё молларининг асосий бандаргоҳи ҳисобланиб, бу ердан Ўрта Осиёдан ҳам олиб борилган ойналар, гилам, эчки терилари Европага чиқарилган. “Мунтахаб ут-таворих” асари муаллифи Муҳаммад Ҳакимхон тўра Мисрга қилган сафари чоғида Қоҳира бозорида савдо иши билан юрган икки қўқонлик савдогарни учратган²⁴⁹. Бу шундан далолат берадики, Миср билан алоқалар туфайли Кўқон моллари Африка қитъасига ва Миср портларидан Европа мамлакатларига чиқарилган.

Машхур Марғилон ипак газламалари, рўмоллар, кўрпа ва бошка Кўқон хонлиги маҳсулотлари Туркия бозорларида ўз харидорига эга бўлган ва хонлик савдогарлари томонидан кўплаб олиб борилган²⁵⁰. Хусусан, Тошкент божхонаси маълумотларига кўра, 1871 йил апрель ойида андижонлик савдогарлар Бобоназар Сўфи Чинибеков ва Ҳожи Ҳабибулло Мулла Ҳайдарбековлар Кўқон хонлигидан Россия шаҳарлари орқали Истанбулга 24 рубллик 40 дона ипак рўмол, 40 рубллик 600 парча чит, 40 рубллик 8 фунт ҳом ипак, жами: 104 рубллик, андижонлик савдогар Ҳожи Муҳаммад Амин Ҳўжа Абдулло Ҳожиев 40 рубллик 8 фунт ҳом ипак, кўқонлик савдогар Мулла Абдумажид Нодир Муҳамедов 138 рубллик 180 дона ипак рўмол, 90 рубллик 180 дона оддий рўмол, 30 рубллик 10 жуфт бекасам, 40 рубллик 10 жуфт канеус, жами: 308 рубллик, кўқонлик савдогар Мулла Неъматулла Мулла Абдураҳмонов 138 рубллик 180 дона ипак рўмол, 140 рубллик

²⁴⁹ Хуршут Энвер. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. – Т.: Фан, 1987. – Б. 32.

²⁵⁰ Развадовский В. К. Опыт исследования гончарного и некоторых других кустарных промыслов в Туркестанском крае. – Т., 1916. – С. 10.

280 дона оддий рўмол, 42 рубллик ипак матолар, жами: 320 рубллик, индижонлик савдогар Хожамонбеков эса 200 рубллик 400 дона ипак рўмол, 300 рубллик 1 пуд 20 фунт хом ипак, жами 500 рубллик мол олиб кетганлар²⁵¹.

Шунингдек, 1871 йил май ойида Тошкент ва Россия шаҳарлари орқали Истанбулга кўқонлик савдогар Муҳаммад Ёкуб 148 рубллик 300 дона ипак рўмол, 8 рубллик 4 пуд дурия ипак матоси, 400 рубллик 2 пуд тафил ипаги, жами: 566 рубллик, кўқонлик савдогар Мулла Йўлдош Мулла Курбашев 160 рубллик 320 дона ипак рўмол, кўқонлик савдогар Ҳожи Муҳаммад Норбўрибоев 20 рубллик канauc ва 137 рубллик 140 та ипак рўмол, жами: 160 рубллик, кўқонлик савдогар Мулла Муҳаммад Муса Каганбоев 20 рубллик 10 жуфт канauc ва 137 рубллик 140 дона ипак рўмол, жами: 160 рубллик мол олиб кетганлар²⁵². Узоқ масофада жойлашган ва хавфли ҳисобланган карвон йўлларини босиб ўтиб, Туркияга хонлик савдогарлари томонидан турли маҳаллий маҳсулотларнинг олиб борилиши – уларга Туркия бозорларида талаб мавжудлигини ва ўз навбатида хонлик савдогарлари учун бу тижорат сафарлари фойдали бўлганлигини кўрсатади.

Туркия бозорларига Кўқон хонлиги савдогарлари томонидан Хитой чинни буюмлари ва чойи ҳам олиб борилган бўлиб, XIX аср 20-йилларига оид маълумотларга кўра, Хитой чойи Қашқар ва Кўқон орқали Афғонистон ва Туркияга қадар етказилган²⁵³. Бу эса, Хитой – Туркия савдо алоқаларида хонлик транзит ҳудуд вазифасини бажарганлигини ва икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларида кўқонлик савдогарлар муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё хонликлари бозорларига турк моллари Ҳиндистон бандаргоҳлари, Эрон ва Россия орқали ҳам келтирилган. Ҳиндистон орқали Кўқон хонлигига турк газламалари инглиз моллари билан биргаликда кириб келган. Хусусан, йилига катта

²⁵¹ ЎзР МДА, И. 469- фонд, 1-рўйхат, 58-иш. 9, 56-варақ ва орқаси, 57-варақ.

²⁵² ЎзР МДА, И. 469-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 37-варақ ва орқаси, 58-варақнинг орқаси.

²⁵³ Кутмуков М. Взаимоотношения цинского Китая с Кокандским ханством // Китай и соседи в новое и новейшее время. – Москва, 1982. – С. 208.

микдорда турк докаси Ҳиндистондан Кобул ва Бухоро орқали Кўқон хонлигига кириб келган.²⁵⁴ XIX аср 60-йилларида Чимкент бозорида Ҳиндистон орқали кириб келган турк докасидан тайёрланган салла (16 аршин) 5 руб. дан сотилган²⁵⁵.

Кўқон хонлигига Истанбул, Қозон, Кобул, Бомбей, Қохира шаҳарларидан ислом оламининг ноёб ва қимматбаҳо қўлэзма ва тош босма китоблари маҳаллий савдогарлар томонидан келтирилган. Истанбул ва Қохирадан келтирилган китоб нусхалари хонликда таникли ҳисобланган ва бошқа ҳудудлардан келтирилган худди шу турдаги китоблардан юқорироқ нархларда сотилган²⁵⁶.

Ташки савдонинг тараққий этиб бориши натижасида хонлик бозорларига замонавий Европа тажрибалари ҳам кириб кела бошлаган. Ҳусусан, XIX аср 60-йилларидан бошлаб хонликнинг йирик шаҳарларида турли савдо компаниялари ташкил этила бошланган. Ҳусусан, 1864 йил Солиҳ Олимжонов ва Муҳаммаджоновлар Кўқонда мануфактура ва пахта билан савдо қилувчи, 1870 йилда Фофур Жабаев ва Мирвоҳид исмли савдогар мануфактура, гилам, мўйна, ипак ва пахта билан савдо қилувчи компания ташкил қилган²⁵⁷. Шунингдек, 1874 йил эса Бобокалон Нематуллаев Кўқонда чой билан савдо қилувчи савдо компанияси очган²⁵⁸. Бундай савдо компанияларининг ташкил этилиши натижасида муайян бир турдаги маҳсулотлар савдоси бир компаниянинг қўлига ўтган.

Ўрта Осиё хонликлари билан бир қаторда, Россия, Хитой, Қашқар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, араб мамлакатлари, Туркия ва бошқа ҳудудлар билан фаол савдо алоқаларини

²⁵⁴ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 374.

²⁵⁵ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 26 – 27, 36.

²⁵⁶ Гаффаров Абдул Сатторхон. Краткие очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Туркестанские ведомости. 1892. – №36.; Книжная торговля на базарах и мусульманская литература в мэдрессе Ферганы // Туркестанские ведомости. 1882. – №48.

²⁵⁷ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, З-варак.

²⁵⁸ Акрамов В. А. Кўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти... – Б. 92.

олиб боран. XIX аср бошларида Тошкент шаҳрининг хонлик таркибиға кўшиб олиниши Кўқоннинг ташқи савдо алоқалари янада ривожланишига сабаб бўлган.

Кўқон хонлигининг Кўқон, Тошкент, Наманган, Марғилон, Андижон, Ўш ва бошқа йирик шаҳарларида турли давлатлардан келган савдогарларни ва турли мамлакатлар молларини учратиш мумкин бўлган. Ўз навбатида хонлик ҳунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар дунёning кўплаб мамлакатлари бозорларига олиб борилган.

Кўқон хонлиги Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, араб ва Европа мамлакатлари билан асосан Бухоро хонлиги ва унинг ҳудудидан ўтган карvon йўллари орқали савдо алоқаларини олиб борган. Шунингдек, Туркия ва араб мамлакатлари билан қисман Россия ҳудудидан ўтган карvon йўллари орқали, Хитой ва Ҳиндистон билан Қашқар ва унинг ҳудудидан ўтган карvon йўллари орқали савдо алоқалари ўрнатилган. Ўз навбатида Кўқон хонлиги орқали Бухоро хонлиги, Афғонистон, Эрон, араб мамлакатлари – Қашқар ва Хитой билан савдо қилиш имкониятига эга бўлган. Кўқон хонлигининг ташқи савдосида хонлик савдогарлари фаол иштирок этганлар ва ўз навбатида ташқи савдонинг самараси ўлароқ, хонлик шаҳарларида турли мамлакатлардан келган савдогарларни тез-тез учратиш мумкин бўлган.

ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ БУХОРО ВА ХИВА ХОНЛИКЛАРИ БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида Бухоро ва Хива хонлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу хонликлар ўзаро чегарадош бўлиши билан бирга, уларда яшаётган ҳалқлар тили, дини, маданияти ва тарихининг муштараклиги ўзаро муносабатларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилган.

Хонликнинг ташқи савдосида Бухоро хонлиги асосий ўринда турган. Қўқонлик савдогарлар Бухоро бозорларида савдо-тижорат иши билан шуғулланиб, унинг ҳудудидан ўтган карвон йўллари орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, араб мамлакатлари, Туркия ва бошқа мамлакатлар билан савдо олиб бориш имкониятига эга бўлганлар.

Шарқниң қадимий шаҳарларидан бўлган Бухоро XVIII – XIX асрларда ҳам Ўрта Осиёning йирик иқтисодий марказларидан бири эди. Бу даврда Бухорода Ўрта Осиёдаги энг йирик бозор жойлашган бўлиб, унда Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Қашқар, Россия, Қўқон ва Хива хонликларидан келган савдогарлар ўзаро қизгин савдо муносабатларига киришганлар. XIX аср бошларига оид маълумотларга кўра, Бухорода ҳафтанинг душанба, сешанба, шанба кунлари улгуржи бозор ва шаҳар девори ортидаги Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд мозори яқинида чоршанба куни от бозори бўлган²⁵⁹.

XIX аср 60-йилларида Бухорода 60 тага яқин карвонсарой, 20 дан ортиқ кичик бозорлар, шунингдек, пишиқ ғиштдан курилган 5 та йирик бозор фаолият кўрсатган. Бу бозорларнинг энг йириги Регистон яқинидаги майдонда жойлашган бўлиб, бозор бу ерда сотиладиган маҳсулотлар номи билан аталадиган бир неча ўнлаб майда расталарга бўлинган.

²⁵⁹ Путешествие Мир Иззат Уллы в Кокандское ханство в 1812 году / Труды САГУ. История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. 1956. Вып. LVXXXVIII. Кн.П. – С. 48.

XIX аср 70-йилларида Бухоро шаҳри бозорларининг бир йиллик савдо айланмаси 40 млн. рублга тенг бўлган²⁶⁰.

Кўқон хонлигидан Бухоро бозорларига хонликда тайёрланган ҳом ипак, ипак газлама ва ярим ипак матолар, калава ип, ҳўл ва қуруқ мевалар, рус темири ва чўяни ҳамда рус пўлатидан ясалган буюмлар, Қашқар ипаги ва ипак матолари, Хитой моллари – чой, чинни буюмлар, атторлик моллари ва ипак матолар олиб келинган²⁶¹. XIX аср бошларида Кўқон хонлигига бўлган Ф.Назаров, “Кўқон хонлигига ипак ва паҳтадан турли газламалар тайёрлайдилар ва уларни бухоролик савдогарлар келтирган рус молларига алмаштирадилар”²⁶², – деб маълумот берган. Шунингдек, Ф.Назаров ўз эсдаликларида, хонликнинг ипакчилик маркази Марғилонда турли фабрикалар мавжудлиги, уларда тайёрланган форс парчалари, баҳмал ва турли газламаларга Бухоро ва Қашқар бозорларида талаб юқорилигини баён этган²⁶³.

Марғилон ипак газламалари, Наманганда тайёрланган шойи, парипоша, бекасам хонлик шаҳарларидан ташқари Самарқанд ва Бухорога қадар олиб кетилган²⁶⁴.

XIX аср 60-йилларида Кўқон хонлигидан Бухорога ҳар йили ўртача 1000 түяда ипак жўнатилган ҳамда унинг миқдори 12 минг пуд атрофида бўлган²⁶⁵. Ипакнинг энг сифатли тури “чилла”нинг бир луди Кўқон бозорларида 1871 йил август ойига оид маълумотларга кўра 52 тилло (197 руб. 60 коп.), Бухоро бозорларида 1110 танга (222 руб.) нархида баҳолантган²⁶⁶. Кўқон ипаги ва ундан ишлаб чиқарилган матолар машхур бўлиб,

²⁶⁰ Петровский Н. Моя поездка в Бухару. – Т., 1872. – С. 237.

²⁶¹ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 131.

²⁶² Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 74.

²⁶³ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – Москва, 1968. – С. 49.

²⁶⁴ Фармонова Б. Ремесленное производство в Ферганской долине во второй половине XIX – начале XX в.: Дис... канд. ист. наук. – Т., 1995. – С. 101.

²⁶⁵ Петровский Н. О. О шелководстве и шелкоматании Средней Азии. – Т., 1873. – С. 43.

²⁶⁶ От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871. – № 31.

ҳатто Бухоро бозори расталаридан бири Кўқон хонлигидан келтириладиган Ахси ипаги номи билан “Шойи Ахси Гузари” деб аталган²⁶⁷.

Шунингдек, Кўқон хонлиги калаваларига Бухоро бозорларида талаб катта эди. 1871 йил август ойида Кўқон бозорида 1-навли Наманган калавасининг пуди 32 тилло (121 руб. 60 коп.) дан сотилган бўлса, Бухоро бозорида 30 Бухоро тиллосига (138 руб.) сотилган. Шунингдек, Кўқон шаҳрида ишлов берилган калавалар ҳам Бухоро бозорларида харидоргир бўлған ва пойтахт бозорида 1-навлисининг тўпи 27 тилло (102 руб. 60 коп.), Бухоро бозорида эса 25 Бухоро тиллосига (115 руб.) сотилган²⁶⁸.

Бухоро хунармандлари орасида матоларни турли рангларга бўяш касби ҳам равнақ топган бўлиб, бу ерга қўшни хонликлардан матолар бўятиш мақсадида йил давомида кўплаб олиб келинган. Хусусан, XIX аср 20- йилларида Ўрта Осиёда бўлган Е.К.Мейендорф маълумотларига кўра, “...кўқонлик савдогарлар Бухорога бўяш учун оқ мато келтирганлар”²⁶⁹.

Шунингдек, XIX аср 30-йилларига оид маълумотларга кўра, Бухоро хонлигига Кўқондан гуруч ҳам олиб борилган ва унинг ҳар ботмони 42–44 тангадан нархда баҳолангандан²⁷⁰.

Бухорога Кўқон қоғозининг “иштархони” тури Кўқондан, “абрешим” номли қоғоз тури эса Кўқон орқали Хитойдан кўп миқдорда келтирилган²⁷¹. Сифатли Кўқон қоғозига талабнинг юқорилиги сабабли бухоролик ижод ахли асосан ушбу қоғоздан фойдаланган ва хукмдорлар ҳам ўз мактубларини кўпроқ Кўқон қоғозига битганлар. Хусусан, амир Ҳайдар (1800–1825)нинг 139 варак, 279 мактубдан иборат Кўқон қоғозига насталиқ хатида ёзилган мактублар тўплами бизнинг давримизгача сақланниб

²⁶⁷ Сухареева О. А. К истории городов Бухарского ханства. – Т., 1958. – С. 112.

²⁶⁸ От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871. – № 31.

²⁶⁹ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. – С. 130.

²⁷⁰ Записки о Бухарском ханстве... – С. 76.

²⁷¹ Ремпель Л. И. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. – Т., 1982. – С. 250.

қолган²⁷². Шүнингдек, Бухоро амири Музаффарнинг 1868 йил 7 февралда турк султони Абдулазизга ёзган мактуби ҳам хаттот Мулла Вохид томонидан Кўқон қоғозига насталиқ хатида битилган эди²⁷³.

Кўқон хонлигидан Бухоро бозорлариға юк ташувчи ва зотли отлар ҳам олиб борилган. XIX аср 60-йилларида 35 пуд юк ташувчи ва 13–14 пуд юкни кўтара оладиган Кўқон отлари Бухоро бозорларида 5 тиллодан 15 тиллогача сотилган²⁷⁴.

Кўқонлик савдогарлар одатда Бухородаги Барра карвонсаройида тўхтаганлар ва шу ернинг ўзида савдо билан шуғулланиш имкониятига эга бўлганлар²⁷⁵.

Кўқоннинг Бухоро хонлиги билан савдо алоқаларида Самарқанд шаҳри муҳим аҳамиятга эга эди. Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва бошқа ҳудудлардан келаётган карвонлар Бухоро хонлигининг Қарши ва Самарқанд шаҳарлари орқали Кўқон хонлиги ҳудудлариға йўл олганлар. Кўқон ва Тошкент шаҳарларидан Бухорога кетаётган савдо карвонлари доимий равишда Самарқандда тўхтаб ўтганлар.

Самарқандга Кўқон хонлигидан пилла, хом ипак, ипак мато, куритилган мева ва бошқалар олиб келинган. XIX аср ўрталарида Самарқандда пилла бозори мавжуд бўлиб, Кўқон пилласига Бухоро ва Самарқанд хунармандлари орасида талаб катта бўлган. Самарқанд пилла бозори ҳафтада икки марта – чоршанба ва якшанба кунлари фаолият кўрсатиб, унда кунига 700 тиллолик, ойига эса 5000 тиллолик пилла сотилган²⁷⁶. Шунингдек, Самарқанд бозорига сифатли жун рўмол ва чопон Ўратепадан, кигиз Тошкент ва Хўжанддан келтирилган²⁷⁷.

²⁷² Тилавов Ш. Амир Ҳайдар мактублари тарихий манба сифатида // Шарқшунослик. – Тошкент, 1997. – №8. – Б. 12.

²⁷³ Раҳмонкулова З. Б. XVI – XX аср бошларида Ўрга Осиё ва Усмонийлар давлати ўртасида ижтимоий-сиёсий ва маданий муносабатлар тарихи: Тарих фан. номз.. дисс. – Т., 2002. – Б. 78.

²⁷⁴ Бухара // Туркестанский сборник. Том 30. 1870. – С. 111.

²⁷⁵ Записки о Бухарском ханстве... – С. 58 – 59.

²⁷⁶ Петровский Н. О. О шелководстве и шелкоматании Средней Азии // Туркестанский сборник. Том 81. 1873. – С. 33.

²⁷⁷ Сайдкулов Т. С. Самарқанд во второй половине XIX – начале XX в. – Самарқанд, 1970. – С. 31.

Самарқанд яқинидаги Каттақўрғон бозорига кўқонлик савдогарлар томонидан ипак ва ярим ипак мато ҳамда Қашқар ва Хитой моллари олиб келинган. XIX аср 70-йилларида Каттақўрғон бозорида Кўқондан келтирилган дурия ипак матосининг 3, 75 аршини 1 тилло (4 руб.), шойининг 8 аршини 5–6 руб. нархда сотилган. Каттақўрғон бозорида Кўқоннинг ип-газламадан тайёрланган чопони 2–5 руб., дуриядан тайёрлангани 7–9 руб., шойидан тайёрлангани эса 10–14 руб. нархда сотилган²⁷⁸.

XIX асрнинг 60-йилларида Тошкентдан Бухорога ҳар йили 5–7 минг туда асосан рус моллари ва қозоқ чорва маҳсулотлари келтирилган бўлиб, ҳар бир тудаги мол ўртача 120 рублга баҳолангандан уларнинг жами қиймати 750 минг рублга тенг бўлган²⁷⁹. Шунингдек, маълумотларга қараганда, Тошкентдан Бухорога ҳар йили 100 минг бош кўй-кўзи сотиш учун ҳайдаб борилган. Кўқон хонлигига қарашли Туркистон ва Авлиёота шаҳарларидан ҳам Бухоро бозорларига ҳар йили катта микдорда чорва ҳайдаб келинган. Бухоролик савдогарлар Туркистондан ҳар йили 50–100 минг атрофида, 1862 йилнинг ўзида 240 минг рублга тенг чорва олиб кетган²⁸⁰. Шунингдек, Бухоро хонлиги ва Фарғона водийсига 1864 йил 1 майдан 4 июнга қадар Авлиёота орқали 150 мингдан ортиқ қўй ҳайдаб кетилган²⁸¹.

XIX аср бошларига келиб, Кўқон муҳим транзит шаҳарлардан бирига айланган. Натижада унинг худуди орқали олиб бориладиган Россия, Хитой, Хинди斯顿, Бухоро давлатларининг ўзаро савдо алоқаларида кўқонлик савдогарлар етакчи ўринни эгаллагандар. Хитой муаррихлари ёзганидек, "... кўқонликлар савдо ишларига жуда лаёқатли эдилар"²⁸².

Қашқардан Бухоро бозорларига хом ипак ва ипак матолар, Хитойчиниси, чойи, ипак матолари, кумуш ём билар келтирилган. 1825 йил Бухорода бўлган Г.Спасский маълумотларига кўра,

²⁷⁸ Радлов В. Средняя Зарафшанская долина // Туркестанский сборник. Том 281. 1880. – С. 48.

²⁷⁹ История Тащкента. – Т., 1988. – С. 93.

²⁸⁰ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 28.

²⁸¹ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 27-рўйхат, 714-иш, 8-варақ.

²⁸² Описание Чжунгарии и Восточного Туркестана в древнем и нынешнем состоянии. – СПб., 1829. – С. 150.

Бухородан Кўқон орқали Қашқарга қоракўл териси олиб борилган ва у ердан хом ипак, ипак матолар, ип-газламалар, Хитой чинниси, чойи, ровоҷ ва бошқалар олиб келингган²⁸³.

XIX аср 30-йилларида Хитойдан Ёркент, Кўқон орқали “туктачой” (ғишт чой) ва “оққуйруқ” (кўк чой) навли чойлар от терисидан тайёрланган хуржунларда Бухоро бозорларига 200 минг фунт микдорида келтирилган²⁸⁴. От терисидан тайёрланган хуржунларда келтирилган хитой чойи асл таъмини сақлаб қолиши ва сифати бўйича дengiz орқали келтирилган чойлардан ажралиб турган. 1862 йил Ғарбий Хитойда Шарқий Туркистон мусулмонлари Хитой ҳукуматига қарши кўзғолон кўтаргунига қадар, Хитой чойи Янцзи дарёси бўйидаги плантациялардан Ёркент ва Қашқарга ва у ердан Кўқон орқали Бухорога келтирилган²⁸⁵.

Қашқар ипаги ҳам Кўқон орқали Бухоро бозорларига олиб келингган бўлиб, 1871 йил август ойида 1-навли Қашқар ипагининг пуди Кўқонда 22 тиллога баҳоланган бўлса, Бухорода 20 маҳаллий тиллога сотилган²⁸⁶.

Бухоро хонлигига Қашқардан кумуш ём билар ҳам келтирилган ва бир кумуш ёмби 32 Бухоро тиллосидан сотилган²⁸⁷.

Кўқон хонлиги чегаралари кенгайиб, Сибирь сарҳадларига яқинлашганидан сўнг, кўқонлик савдогарлар томонидан рус темир ва пўлат буюмларини Бухоро хонлиги бозорларига келтириш кучайган. Кўқон хонлигининг Оқмасжиид қалъаси бозорида бухоролик савдогарлар Кўқон савдогарларидан рус ва қозоқ молларини харид қилганлар. Маълумотларга кўра, 1852 йил Оқмасжиiddа Кўқон аскарлари билан бирга, 100 киши атрофида

²⁸³ Бұнаков Е. В. Политические и экономические связи Восточного Туркестана и Средней Азии с правлением Якуб-бека Кашигарского (1865 – 1877): Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1973. – С.19.

²⁸⁴ Записки о Бухарском ханстве... – С. 80 – 81.

²⁸⁵ Туркестанский сборник. Том 26. – С. 101.

²⁸⁶ От Ташкентского ярмарочного комитета. Торговое обозрение // Туркестанские ведомости. 1871. – №31.

²⁸⁷ Записки о Бухарском ханстве... – С. 105; Радлов В. Средняя Зарафшанская долина // Туркестанский сборник. Том 281. 1880. – С. 48.

кўқонлик ва бухоролик савдогарлар бўлган²⁸⁸.

XIX аср 60-йиларида кўқонлик савдогар Содик Едигеров Семипалатинскдан рус молларини Кўқон хонлигидан ташкари, Хитой, Ҳиндистон ва Бухорога келтириш билан шуғулланган²⁸⁹. Бу эса кўқонлик савдогарларнинг Бухоро хонлигининг ташки савдо алоқаларида ҳам фаол иштирок этганлигидан далолат беради.

Бухоролик савдогарлар учун ҳам Кўқон бозорлари жуда даромадли ҳисобланган ва йил давомида хонлик бозорларида уларни учратиш мумкин бўлган. XIX аср 70-йилари бошидаги маълумотларга кўра, Кўқон Закотсаройига энг кўп даромад Бухоро хонлигидан келган савдо карвонларидан тушган²⁹⁰.

Кўқон хонлигига юқори баҳоланган машхур туркман ва Машҳад гиламлари Бухоро хонлиги орқали келтирилган²⁹¹. Маълумотларга қараганда, Бухоро яқинидаги Фиждувон шаҳрида Ўрта Осиёдаги энг йирик чорва бозори бўлиб, бу бозорга бутун дунёга машхур туркман отлари ҳам олиб келинган ва бу отлар кўқонлик савдогарлар томонидан кўплаб харид қилинган.

Бухородан Тошкентга 40 кунда 1 марта катта карвон Чиноз божхонаси орқали кириб келган²⁹². XIX аср ўрталарида Бухоро хонлигидан Тошкент бозорларига ўртача йилига 3 минг туюда пахта, 10 минг туюда эса бўз, гул босилган газлама, шойи ва яrim шойи газламалар, қоракўл, тулки мўйнаси, чопон, кўрпа, ҳинд, афғон, форс моллари олиб келинган. Ҳар бир туюдаги пахта 100–120 руб., бошқа турдаги моллар бир туссининг нархи 400 руб. атрофида бўлиб, Бухородан Тошкентга келтирилган жами молларнинг қиймати 4 млн. 345 минг руб. бўлган. Шунингдек, Самарқанддан Тошкентга ҳар йили 500 туюда куритилган мевалар

²⁸⁸ Макшеев. Описание низовьев Сыр-Дарьи // Морской сборник. – №9. – СПб., 1856. – С. 509.

²⁸⁹ Махкамов А. А. Роль города Коканда в развитии экономические связей... – С. 27.

²⁹⁰ Энгельгарпілов Н. Очерки Коканда // Туркестанский сборник. Том 458. 1908. – С. 47.

²⁹¹ Валиханов Ч. Ч. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда... – С. 189.

²⁹² УзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 2940-нш, 66- варакнинг орқаси.

келтирилган. Тошкент бозорларида гилам ноёб мол ҳисобланган ва асосан ՚ухоро хонлигидан олиб келинган²⁹³.

Тошкент бозорларига Қаршидан Самарқанд орқали олиб келинган ош тузи XVIII асрдан “Самарқанд тузи” номи билан танилган²⁹⁴. XVIII–XIX асрларда Қарши тамакиси ҳам машхур бўлиб, у Хива, Тошкент ва Кўқонгача олиб борилган²⁹⁵.

Тошкент шаҳридаги Исабек, Мулла Амамбай Раис карвонсаройларида Бухоро хонлиги савдогарлари тўхтаганлар ва савдо билан ҳам шуғулланганлар²⁹⁶.

Россия империяси томонидан Кўқон ва Бухоро хонлигининг бир қисми босиб олинганидан сўнг икки давлат савдо алоқаларига сезиларли зарар етган. Эндиликда икки мамлакат савдогарлари уч мамлакат ҳудудида бож тўлашга мажбур бўлганлар. Кўқон – Бухоро савдо карвонлари эндиликда Россия империясига қарашли бўлган Ҳўжанд орқали ўтган ва шахар божхонаси савдо карвонларидан катта даромад олган. XIX аср 60-йиллари иккинчи ярмидан йилига Ҳўжанд орқали Бухоро хонлигидан Кўқон хонлигига 7 минг 500 туюда мол келтирилган²⁹⁷. Ҳўжанд босиб олинган дастлабки вақтларда 2,5 ой ичидаги Кўқон – Бухоро савдо карвонларидан Ҳўжанд божхонасида 13 минг 141 руб.²⁹⁸, 1866 йил эса 22 минг 950 руб. 81 коп., 1872 йил 22 минг 950 руб. 80 коп. бож олинган²⁹⁹.

Шунингдек, Кўқон – Бухоро савдо карвонларининг Ўратепа ва Жиззах орқали ўтувчи йўлдан фойдаланган савдогарларидан ҳам бу шаҳарларда бож ундирилган. Архив ҳужжатларидағи маълумотларга кўра, 1865 йил 1 июнда Бухородан Ўратепа орқали Кўқон хонлигига Дўстмуҳаммад исмли савдогар аравада ипак мато, қуритилган ўрик ва бошқа молларни³⁰⁰, 1866 йил 31 де-

²⁹³ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 513, 524.

²⁹⁴ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 172-иш, 29-варак.

²⁹⁵ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 172-иш, 27-варакнинг орқаси.

²⁹⁶ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 44.

²⁹⁷ Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 532.

²⁹⁸ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 2640-иш, 64- варакнинг орқаси.

²⁹⁹ Мирбабаев А. К. Исторические наследие Худжанда. – Душанбе, 1995. – С. 103.

³⁰⁰ ЎзР МДА, И. 336-фонд, I-рўйхат, 104-иш, I-варакнинг орқаси.

кабрда Аминбай исмли савдогар 2 түяда чой, бўёқ ва мурч, Са-марқанддан Сайдбой исмли савдогар 50 түяда чой, бўёқ ва хинд молларини, Муҳаммад Ризобой исмли савдогар 2 аравада чой ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларини, Назармуҳаммад исмли савдогар 1 аравада ип-газламани олиб ўтганлиги учун солик ундирилган³⁰¹. Ўратепа божхонасида 1868 йилда Кўқон – Бухоро карвонларидан 7 минг 309 руб. 70 коп. бож йиғилган³⁰². Икки мамлакат савдогарларидан бу божхоналарда олинаётган катта микдордаги божлар ва турли хил сунъий тўсиқлар мавжуд бўлса-да, бу савдо алоқалари йил бўйи изчил равишда давом этган.

Бухородан Кўқон орқали Қашқарга ҳар йили май охири – июнь бошларидан бошлаб, 700–800 түяда карвонлар борган. Бухоро моллари Кўқонгача арава ва туяларда, Кўқондан Қашқарга отларда олиб борилган. Бухоролик савдогарлар бу йўл орқали Тибеттагча борган³⁰³.

XIX аср бошларида Кўқон хонлигига бўлган Мир Иззат Улланинг ёзишича, Бухородан Кўқон орқали Ёркентга “ўзбек ва тожик” савдогарлари маржон, Бадаҳшон ферузаси, қоракўл, тулки мўйнаси олиб келгандар³⁰⁴. Ч.Ч.Валихонов маълумотига кўра, Қашқарда машхур Бухоро матолари, қора ва кулранг рангдаги қоракўлига талаб катта бўлган ва бу маҳсулотлар Қашқарга Кўқон орқали кўп микдорда олиб келинган³⁰⁵.

XIX аср бошларида Бухоро хонлигидан Кўқон орқали Қашқарга рус моллари олиб келиш ҳам кучайган. 1825 йил маълумотларига кўра, рус моллари бухороликлар томонидан Кўқон орқали Қашқарга йилига 500–600 түяда олиб борилган. Чунки, Хитой хукумати Фулжа орқали рус молларини Қашқарга келишига тўсқинлик қилган³⁰⁶.

³⁰¹ ЎзР МДА, И. 336- фонд. 1-рўйхат, 75-иш, З-варакнинг орқаси, 4-варақ.

³⁰² Мұхтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. – Душанбе, 1964. – С. 86.

³⁰³ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – Москва, 1975. – С. 128 – 130.

³⁰⁴ Мамедова Э. Из истории взаимоотношений Туркестанского края и Синьцзяна: Дисс... канд. ист. наук. – Т., 1963. – С. 54–55.

³⁰⁵ Валиханов Ч. Ч. О торговле Кашгарской ... – С. 279.

³⁰⁶ Михалева Г. А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX века: ремесла... – С. 106.

Кўқон хонлиги Хива хонлиги билан ҳам юқори даражада бўлмаса-да. муайян савдо алоқаларини амалга оширган.

Хонликнинг Хива билан савдо алоқалари асосан Бухоро хонлиги бозорлари ва бу давлат ҳудудидан ўтган карвон йўллари орқали олиб борилган. XIX аср бошларида Кўқон хонлиги ҳудудларининг кенгайиб бориши натижасида қозоқ даштлари орқали икки хонлик чегаралари тулашиб кетган ва тўғридан-тўғри савдо алоқаларини олиб бориш имконияти пайдо бўлган. Бироқ бу ҳудуддан ўтган карвон йўлларининг узоқлиги, нокулай шароити ва савдогарлар ҳаёти учун хавфлилиги савдо муносабатларининг ривожига салбий таъсир кўрсатган. Натижада Бухоро хонлиги орқали ўтган йўллар воситасида Кўқон – Хива савдосини амалга ошириш ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Ўрта Осиё хонликларида бўлиб турган ўзаро урушлар табиий равишда савдо ва маданий алоқаларнинг тараққий этишига салбий таъсир кўрсатган. Буни XIX аср 20-йилларида Ўрта Осиёда бўлган Е.К.Мейендорф куйидагича изоҳлади: “Кўқон ва Хива хонликлари яхши муносабатда, улар ўзаро савдони ривожлантиришни хоҳлайди. Бироқ, бунга Бухоро бош кўшиши керак. Кўқон хони Бухоро хукмдори билан эҳтиёт бўлиб ҳаракат қиласди”³⁰⁷. Шубилан бир қаторда икки давлат савдо карвонларидан Кўқон, Бухоро ва Хива хонликларида бож олиниши маҳсулотлар таниархининг ортиб кетишига олиб келган. Бу эса Кўқон – Хива савдосига салбий таъсир этган³⁰⁸.

Кўқон – Хива савдосида Оқмасжид қалъаси мухим аҳамият касб этган. Бу Кўқон қалъаси Хива чегарасидан 45 км узоқликда жойлашган бўлиб³⁰⁹, унинг бозорида Хива савдогарлари Кўқон савдогарлари билан олди-сотди муносабатларини амалга оширганлар. Хусусан, А.К.Гейнс 1865 йил 16–20 август оралигига Оқмасжиддан хивалик ва бухоролик савдогарлар рус, қозоқ молларини олиб қайтаётганлиги ҳақида маълумот берган³¹⁰. Бундан ташқари, Кўқон – Хива савдо алоқалари Кўқон хонлигига

³⁰⁷ Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару... – С. 141.

³⁰⁸ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Кокандском ханстве... – С. 121.

³⁰⁹ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 37.

³¹⁰ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 245.

қарашли Янгиқўрғон, Чимкўрғон ва Кўшқўрғон қалъалари орқали ҳам олиб борилган³¹¹.

Хива хонлигига ҳам Кўқон ишаги ва ипак газламаларига талаб катта бўлган. Хивалик савдогарлар Бухоро бозорларидан ипакдан тайёрланган газламаларни кўплаб харид қилганлар. Хусусан, Хива бозорларида Кўқон ипак матоси – шойи юқори баҳоланган ва хивалик савдогарлар томонидан кўплаб олиб кетилган³¹². Машхур Кўқон қофози Ўрта Осиёning турли ҳудудлари каби Хива хонлигигача олиб борилган³¹³.

Хива хонлигининг Хитой ва Қашқар билан савдо алоқаларида Кўқон транзит шаҳар вазифасини бажарган. Қашқар ва Хитой моллари қўқонлик савдогарлар томонидан Бухоро ва Хива бозорларига етказилган. Ч.Ч.Валихонов, Хитойдан Кўқонга келтирилган чой, чинни буюмлар, кумуш ёмби Ўрта Осиё шаҳарларига, хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивагача олиб борилган, – деб ёзган³¹⁴. XIX аср 30-йилларида Бухорода бўлган П.И.Демезон ва И.В.Виткевичлар маълумотига кўра, Бухородан Хивага келтирилган моллар орасида, Кўқон орқали Қашқардан келтирилган кўк чой – “туктакой” (ғишт чой) алоҳида аҳамиятга эга бўлган³¹⁵. Маълумотларга караганда, XIX аср 60-йилларида қадар Қашқардан Кўқон ва Бухоро орқали Хивагача карвонлар борган ҳамда келтирилган моллар орасида чой асосий ўринни эгаллаган³¹⁶. Хитой чиннисига Ўрта Осиёning турли ҳудудлари каби Хива хонлигига ҳам талаб катта бўлган ва у Қашқар ва Кўқон хонлиги орқали Хивагача олиб борилган бўлиб, бу йўл Хитойдан Хивага келадиган энг яқин ва кулай йўл бўлган³¹⁷.

³¹¹ Косимов Й. Кўқон хонлиги тарихи очерклари. – Тошкент – Наманган, 1994. – Б. 28.

³¹² Сагдуллаев А., Мавлонов Ў., Алинов Б., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиётни. 1-кисм. – Т., 2000. – Б. 246.

³¹³ Хабибуллаев Н. Н. Коканд – центр производства писчей бумаги // Поздне-феодальный город Средней Азии. – Т., 1990. – С. 163.

³¹⁴ Валиханов Ч. Ч. Описание нескольких монет улуса чагатая, Хивы и Коканда... – С. 189.

³¹⁵ Записки о Бухарском ханстве... – С. 81.

³¹⁶ Пещерова Е. М. Гончарное производство Средней Азии. – Москва, 1959. – С. 287.

³¹⁷ Из истории международных отношений в Центральной Азии. – Алма-Ата, 1990. – С. 111.

Хива хонлиги савдогарлари ҳам кам бўлса-да, Кўқон хонлиги шаҳарларига тижорат мақсадида бориб турганлар. XVIII аср 70-йилларида Кўқон хонлигига бўлган Ф.Ефремов, “Ўш савдо шахри бўлиб, Марғилондан уч кунлик йўлда жойлашган. Ўш бозорида Бухоро, Тошкент, Хива ва бошқа худудлардан келган савдогарларни учратиш мумкин”, деб эсдаликларида қайд этган³¹⁸.

Хивадан Кўқон хонлигига оз миқдорда Хива чопонлари, бўз, пўстин, от, туя, хўқиз терилари, ярим ипак мато, гилам, аргумоқ отлар ва Машҳад орқали келтирилган инглиз чити олиб кетилган³¹⁹. Хива Ўрта Осиёда чопон тайёрлашнинг йирик марказларидан бўлиб, бу ерда тайёрланган чопонлар ўзининг сифати ва кўриниши бўйича бошқа худудларда тайёрланган чопонлардан ажралиб турган ва кўшни худудларда машхур. ҳисобланган. Кўқон хонлигига келтирилган Хива чопонлари маҳаллий ахоли орасида харидоргир ҳисобланган³²⁰. XIX аср 60-йилларида Кўқон хонлигига бўлган М.Михайлов мълумотларига кўра, Намангандан бозорларида Бухоро саллалари ва қўй терисидан тайёрланган Хива телпакларига талаб катта бўлган ва улар бозорларда юқори нархларда сотилган³²¹. Кўқон ва Хива хонликларининг савдо алоқаларида туркман аргумоқ отлари муҳим аҳамият касб этган. XIX аср 60-йилларида Тошкентда бўлган П.И.Пашино қайд этишича, Тошкент бозорларига қимматбаҳо ҳисобланган туркман аргумоқ отлари Хива ва Бухоро хонлигидан олиб келинган³²².

Шундай қилиб, Кўқон хонлигининг ташки савдо алоқаларида кўшни хонликлар муҳим ўрин тутган. Кўқонлик савдогарлар бу хонликларнинг иқтисодий марказларига турли маҳаллий маҳсулотларни етказиб бериш билан бирга, бу ерларга бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган матоларни ҳам олиб борганлар.

³¹⁸ Ефремов Ф. Странствование в Киргизской степи, Бухарии, Хиве, Персии. Тибет и Индии... – С. 101.

³¹⁹ Записки о Бухарском ханстве... – С. 81.

³²⁰ Кустарные промислы в быту народов Узбекистана XIX – XX в.в. – Т., 1986. – С. 51.

³²¹ Михайлов М. Наманганд – Турсестанский сборник. Том 16. 1867. – С. 73.

³²² Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 135.

Хусусан, Бухоро бозори Ўрта Осиёнинг йирик иқтисодий марказларидан бири бўлиш билан бирга, Кўқон хонлигининг турли мамлакатлар билан савдо алоқаларида транзит ҳудуд вазифасини бажарган. Ўз навбатида Кўқон бозори Бухоро савдогарлари учун муҳим аҳамиятли бўлиб, унинг бозорлари ва ҳудудидан ўтган карвон йўллари орқали буҳорлик савдогарлар Қашқар ва Хитой билан савдо қилиш имкониятига эга бўлган. Хива хонлиги бозори Шарқнинг энг бой ва харидоргир бозорларидан бўлиб, Кўқон – Хива савдо алоқаларига турли табиий ва сунъий тўсиклар бўлишига қарамай улар ўртасидаги савдо бир маромда давом этган ва икки мамлакат учун ҳам самарали бўлган. Икки хонлик савдо алоқаларида Тошкент ва Бухоро бозорлари муҳим аҳамият касб этган.

САВДОНИНГ ЭТНО-ИНТЕГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАР РИВОЖИГА КҮРСАТГАН ТАЪСИРИ

Бухоро ва Хива хонликлари каби Кўқон хонлиги ҳам кўп миллатли ҳисобланиб, унинг ҳудудида ўзбек, тожик, қирғиз, уйғур, қозоқ ва бошқа кўплаб ҳалқлар истиқомат қилганлар. Шунингдек, хонлик иқтисодиётининг юксалиши ва савдо муносабатларининг ривожланиши унинг ҳудудларида турли ўлкалардан келиб ўрнашиб қолган этнослар вакиллари сони кўпайишига сабаб бўлган. XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср бошларига келганда Кўқон хонлигининг шаҳар ва қишлоқларида ҳинд, афғон, татар, яхудий, рус, форс ва бошқа миллат вакиллари тез-тез учраб турган.

А.П.Хорошхин маълумотларига кўра, XIX аср 60-йилларида Кўқон хонлиги аҳолиси 2 млн атрофида бўлган³²³ ва унинг катта қисмини ўзбеклар ташкил этган. Ўзбеклар хонликнинг энг йирик ҳисобланган Кўқон, Тошкент, Наманган, Марғилон, Андижон, Ўш, Туркистон, Асака, Куба, Чимкент, Чил-Маҳрам, Шаҳриҳон ва бошқа шаҳарлари ҳамда қишлоқларида яшаганлар. Ўзбекларнинг асосий машғулоти шаҳарларда ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотик, шаҳар атрофлари, қишлоқларда эса дехқончилик ва боғдорчилик ҳисобланган. Шунингдек, қисман дашт ва тоғ олди ўзбеклари чорвачилик билан ҳам машғул бўлганлар. Бошқа соҳалар каби Кўқон хонлигининг савдо муносабатларида ўзбекларнинг ўрни катта бўлган. Хонлик бозорлари ва қўшни мамлакатларга олиб чиқиладиган ҳунармандчилик, дехқончилик ва боғдорчилик маҳсулотларининг асосий қисми ўзбеклар томонидан тайёрланган ёки етиширилган. Шунингдек, Кўқон хонлигининг ички ва ташқи савдосида ҳам айнан ўзбеклар етакчи мавқенини эгаллаганлар.

Кўқон хонлигига сон жиҳатидан ўзбеклардан сўнг турадиган миллат тожиклар ҳисобланган. Хонлик ҳудудида яшовчитожиклар икки гурухга—текислик ва тоғлик тожикларга бўлинган. Текислик

³²³ Хорошхин А. П. Заметки о Кокане // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 175.

тожиклари Хўжанд, Чуст, Исфара, Ашт, Бободархон, Кошибодом, Косонсой, Паркент, Пискент, Риштон, Сўх, Ўратепа, Чодак ва бошқа ҳудудларда яшаган ҳамда ўзбеклар каби хунармандчилик, дедқончилик, боғдорчилик ва савдо иши билан шуғулланганлар. Тоғли тожиклар Қоратегин, Матчо, Кўлоб, Дарвоз, Шуғнон, Роҳан, Воҳан ва водий атрофидаги тоғли ўлкаларда яшаганлар.

XIX асрдан бошлаб тоғли тожикларнинг водий шаҳарларига кўчиб келиш жараёни кучайган. XIX аср 70-йилларида Кўкон хонлигига бўлган А.П.Федченко эсадаликларида қайд этилишича, Учқўргон ва Водилатрофидаги Аввал, Каптархона, Аирваз, Навқат, Логон, Гурган ва бошқа қишлоқларда маҳаллий аҳоли билан бирга кўплаб қоратегинлик тожик оиласалар ҳам яшаган³²⁴. Шунингдек, бу даврда водий шаҳар ва қишлоқларида қоратегинликлар билан бир қаторда дарвозликлар, бадаҳшонликлар, воҳанликлар ва кўлобликлар ҳам истиқомат қилган³²⁵.

Ҳар йили кўплаб қоратегинликлар Кўкон хонлиги шаҳарларида, асосан Тошкент ва Кўконда ёлланма ишчи сифатида ишлаганлар. XIX аср 60-йилларида рус савдогарлари маълумотига кўра, Тошкентдаги рус карvonсаройида қоратегинлик бир шахс саройбон вазифасида фаолият юритган ва улар карvonсаройга келган молларни омборларга жойлаштириш билан машғул бўлган³²⁶. Ёлланма ишчи сифатида ишлатган тожикларнинг бир қисми хонлик шаҳарларида домий яшаш учун қолиб кетган. Натижада, хонликда тоғли тожикларнинг сони ортиб борган.

Тоғли тожиклар хонлик савдо алоқаларида фаол иштирок этганлар. Ҳусусан, Кўкон хонлиги даврида водий ўзини ғалла билан таъминлай олмаган ҳамда қўшимча ғалла Тошкент атрофлари ва Қоратегиндан олиб келинган. Хонликнинг марказий қисми ҳисобланган водий бозорларида Қоратегиндан ҳайдаб келинган кўйлар ҳам харидоргир бўлган³²⁷. Шунингдек, Кўкон

³²⁴ Федченко А. Из Кокана // Ежегодник. Материалы для статистики Туркестанского края. Под. ред. Н.А.Маев. – СПб., 1873. – С. 395 .

³²⁵ Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. – Т., 1991. – С. 61.

³²⁶ Гребенкин А. Таджики: Этнографический очерк // Туркестанский сборник. Том I. 1872. – С. 336.

³²⁷ Несколько слов об условиях жизни в горах Дарваза и долине реки Ванча // Туркестанские ведомости. 1894. – №65.

бозорларига Қоратегиндан маҳаллий усулда қазиб олинган ёмби ҳолатдаги олтин ҳам келтирилган³²⁸. Исфара яқинида яшовчи тоғли төжиклар Бадахшоннигиң үхшаш феруза қазиб олғанлар ҳамда Кўқон ва Марғилон бозорларига келтириб сўтгандар³²⁹. Тоғли төжиклар асосан ўзлари учун кулай ва йирик бозорлари бўлган Кўқон ва Марғилон шаҳарларида савдо қилганлар.

Кўқон хонлиги аҳолисининг катта қисмини қирғизлар ташкил этган ва улар Фарғона водийсининг жанубий, жануби-шарқий ва шимоли-шарқий худудларида яшаганлар. Қирғизлар яшайдиган Норин дарёси ўрта оқимидағи Куртка ва шу дарё ўрта оқимининг шимолий қисмида жойлашган Жумғол, Тўғуз, Тўра худудлари Андижон вилоятига, Бўстонтепа ва Тошкўргон Марғилон вилоятига, Кетмонтепа ва Талас эса Наманган вилояти таркибиға кирган³³⁰. Шунингдек, қирғизлар Авлиёота, Қизил Ўрда, Ўш, Сўх, Тўқмоқ, Учкўргон ва уларнинг атрофларида яшаб, ушбу худудларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этганлар.

Қирғизлар олдинлари асосан тоғли худудларда яшаган бўлса, XVIII аср ўрталаридан кўплаб қирғиз уруғлари Фарғона водийсининг текислик худудларида жойлаша бошлаган. Хусусан, XVIII аср охирларида Кўшчи қирғизлари Андижон атрофларидан шарқда ҳозирги Жалақудуққача бўлган худудларга, Ичкилик қирғизлари Ойим, Кўрғонтепа, Савай чўли атрофларига кўчиб келганлар³³¹.

Савдогарлар томонидан қирғиз овулларига келтирилган моллар мол айирбошлиш йўли билан қирғиз чорваси ва чорва маҳсулотларига алмаштирилган. Қирғизлар билан савдода кўй асосий мол айирбошлиш воситаси вазифасини бажарган.

³²⁸ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских. ... – С. 51.

³²⁹ Обозрение Коканского ханства... – С. 184.

³³⁰ Хасанов А. Народные движения в Киргизии в период Кокандского ханства. – Москва, 1977. – С. 29; Плоских В. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – С. 116.

³³¹ Жалилов С. Фарғона водийси шарқий районларининг сугорилиш тарихидан... – Б. 52.

Шунингдек, унинг гўшти, жуни ҳам шу вазифани бажариши мумкин бўлган. Хонлик хунармандлари томонидан тайёрланган матолар қирғиз овулларида юқори баҳоланган. Хусусан, Наманганда тайёрланадиган “тимпаи” – “қора каска” номи билан аталувчи йўл-йўл газлама қирғизлар орасида машхур бўлган ва унинг икки бўлаги Наманганда 16 тангага (3 руб. 20 коп.) баҳоланган бўлса, қирғизлар унга 5 та қўй берганлар³³².

Қирғизлар аста-секин товар-пул муносабатларига ўта бошлиғанлар. Йиллар давомида орттирилган ишонч натижасида хонлик савдогарлари қирғизларга келишилган муддат бўйича қарзга мол ҳам берганлар. Ўз навбатида, қирғиз чорвадорлари савдогарлар томонидан турли маҳсулотларга алмаштирилган кўйларини текинга ойлаб боқиб берганлар. Бундай муносабатлар натижасида овулларга тез-тез келиб турадиган савдогарларни қирғизлар “ўзлариники” деб билганлар.

Маноплар (қирғиз уруғ бошлиқлари) қўқонлик савдогарлар ва қирғизлар ўртасидаги савдо муносабатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Маноп – қирғиз уруғларининг катта-кичиклигига қараб кичик, ўрта ва катта манопларга ажратилган. Кичик манопларга 10–25 та, ўртача манопларга 300–400 та, катта манопларга 500–700 тагача ўтов қараган. Маноплар савдогарлар ва чорвадор қирғизлар муносабатларига воситачилик қилишдан манфаатдор бўлиб, савдогарлар келтирган асл молларни уларга арzon нарҳда берган ва шунингдек, “тортик” қилиш усули ҳам мавжуд бўлган. Хусусан, М. Венюковнинг ёзишича, Кўқон хонлиги савдогарлари қирғиз овулларига сифатли ипак матолар ҳам келтирган ва уларни манопларга арzon нарҳда берган ёки унинг рафиқаси учун совға килган³³³. Ўз навбатида маноплар савдогарларни ўз қарамоғига олган, хавфсизлигини таъминлаган, уларга ўтов ажратган ва молларини сақлаб турганлар.

Қирғизлар Кўқон хонлигининг ўзлари учун яқин ва қулай бўлган савдо марказлари – Наманган, Андижон, Ўш, Марғилон ва

³³² Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции... – С. 210.

³³³ Венюков М. Очерки Заилийского края и Причуейской страны // Туркестанский сборник. Сост. Н. В. Дмитровский. – Т., 1871. – С. 425.

бошқа шаларларга савдо мақсадида келганлар. Наманган шахри ва наманга өликлар қирғизлар билан савдода мұхим аҳамият касб этганлар³³⁴ Ч.Ч.Валихонов маълумотларига күра, Тяньшань, Чу ва Иссиккүл қирғизлари билан савдо қашқарлик ва наманганлик савдогарлар күлида бўлган. Бу ҳудудларда наманганлик савдогарлар ип-газлама, хунармандчилик маҳсулотларини чорва молларига айирбошлигани³³⁵. Қирғизлар хонлик бозорларидан озиқ-овқат сифатида кўплаб жўхори сотиб олганлар. Хусусан, куз ва қиши ойларида Наманган бозоридан уловларига жўхори юклаб олиб кетаётган қирғизларни кўплаб учратиш мумкин бўлган³³⁶. Наманган бозорида бир чорак жўхори 5 рублдан сотилган бўлса, унинг нархи қирғиз овулларида анча қиммат баҳоланган³³⁷.

Ўтрок аҳоли ва қирғизлар ўртасидаги мұхим савдо алоқалари олиб бориладиган марказлардан бири Андижон яқинидаги Аравон қишлоғи бўлиб, бу ерда ҳафтанинг сестанба куни бозор бўлган. Аравон бозорида чорвадор қирғизлар ва ўтрок аҳоли ўртасида мол айирбошлигани. Бу бозор хонликнинг мұхит чорва бозорларидан ҳисобланиб, “Аравон бозори” номи билан аҳоли орасида тилга тушган. Шунингдек, Тяньшань қирғизлари яшайдиган Куртка қўргони ҳам Кўқон, Қашқар ва қирғизлар ўртасида савдо муносабатлари олиб бориладиган иқтисодий марказлардан бири бўлган³³⁸.

Кўқон хонлиги бозорларига қирғизлар томонидан чорва моллари кўй, от, тая, қорамол, эчкилар олиб келинган. Хонлик бозорларига келтирилган қирғиз чорва моллари орасида кўй етакчи мавқенини эгаллаган. Хонликнинг марказий қисми бўлган Фарғона водийсида кўй кам бўлиб, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжининг бир қисми қирғизлар томонидан қондирилган.

³³⁴ ЎзР МДА, И. I-фонд, 34-рўйхат, 122-иши, 7-варак.

³³⁵ Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции... – С. 209.

³³⁶ Наливкин В. Киргизы Наманганского уезде // Туркестанские ведомости. 1881. – №20.

³³⁷ Васильев Н. Кочевники Туркестана. – Самарканд, 1890. – С. 121 – 122.

³³⁸ Джамгерчинов Б. Очерк политической истории Киргизии XIX века. – Фрунзе, 1966. – С. 60.

Кирғиз күйлари анча гавдали бўлган ва Кўқон хонлигида асосан гўшти учун кўп микдорда харид қилинган. Қирғизлар билан савдонинг йирик маркази бўлган биргина Намангандага тоғли худудлардан йилига 50 мингдан ортиқ қўй ҳайдаб келинган³³⁹.

Қирғиз туялари ҳам Кўқон хонлиги бозорларида ўз харидорига эга бўлган. Хонлик савдогарлари савдо сафарларида ўз туяларидан фойдаланган ёки қирғиз ва қозоқларнинг туяларини ёллаган³⁴⁰. XIX аср 60-йилларида қирғиз туялари хонлик бозорларида 40–60 рублдан сотилган³⁴¹. Кўқон хонлиги бозорларида қирғиз гилам ва кигизлари таникли эди. Хонликда Машқад, Қашқар, Туркман ва Акчачак гиламлари машҳур бўлган ва Фарғона водийси қирғизлари томонидан тайёрланган Акчачак гилами Андижондаги гилам бозорида кўп микдорда сотилган³⁴². Қирғиз кигизлари аҳолининг турли қатламлари орасида қадрли ҳисобланган. Хусусан, архив маълумотларига кўра, 1288 йил (1871–1872) Мулла Абду Жалил мирзабоши катта саркор Бахти Мухаммад қўрбошидан Ғуломлар мактаби учун 2 та қирғиз кигизи сўраб мурожаат қилган³⁴³ бўлса, Кўқон хони Худоёрхоннинг укаси шаҳзода Султон Муродбек янги курдирган Ўрда учун 50 та қирғиз кигизи олиб келишларини буюрган³⁴⁴.

Қирғизлар Кўқон хонлиги бозорларига турли хил фойдали қазилмалар ҳам келтирсанлар. Хусусан, Худоёрхон даврида Норин худудидаги Тошкўмир кўмири конидан Кўқон бозорига кўмири келтирилган. Шунингдек, қирғизлар Тяньшан ва Қоратов тоғларидан, Андижон ва Ўратепа атрофларида кўроғшин қазиб олиб, хонлик бозорларига олиб келганлар³⁴⁵. Кўқон хонлигида темир жуда кам бўлган ва асосан Россиядан олиб келинган бўлса-

³³⁹ Наливкин В., Наливкина М. Очеркъ быта женщины оседлого туземного населения Ферганы... – С. 34.

³⁴⁰ Обозрение Коканского ханства... – С. 188.

³⁴¹ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 300.

³⁴² Моискова В. Г. Ковры народов Средней Азии. – Т., 1970. – С. 23 - 25.

³⁴³ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 2803-иш, 1-варак.

³⁴⁴ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 2929-иш, 1-варак.

³⁴⁵ Плоских В. М. Очерки патриархально-феодальных отношения в Южной Киргизии (50 – 70-е годы XIX в.). – Фрунзе, 1968. – С. 38.

да, қирғизлар Андижон яқинидаги Лалхона ҳудудидан темир қазиб слив хонлик бозорларига келтирғанлар³⁴⁶.

Күкөн хонлиги даврида водий бозорларыда июнь ойи бошларыдан куз охирига қадар қурилиш моллари савдоси бўлган. Бу вақтларда Нанай, Мамай, Заркент, Навкент ҳудудларида ёғоч савдоси авжига чиқкан. Ёғоч савдосида Нанайдан 20 верст узоқликдаги Поччота сойи бўйидаги Жаик қишлоғи машҳур бўлган. Бу ҳудудлардаги ёғоч савдоси қирғизлар қўлида бўлган ва улар маҳаллий бозорларга ёғоч келтириш билан шуғулланганлар. Қирғизлар томонидан келтирилган ёғочни хонликнинг турли ҳудудларидан келган савдогарлар сотиб олиб, водийнинг йирик шаҳарларига, асосан Намангандага олиб кетганлар³⁴⁷.

Кўкон хонлиги қирғизлари аста-секин маҳаллий ўзбеклар таъсирида дехқончилик билан шуғулдана бошлаганлар ва бозорларга ўзлари етиштирган дехқончилик маҳсулотлари олиб чиққанлар. XVIII аср охири – XIX аср бошларида Мингтепа, Ойим, Жалакудук, Кўргонтела қирғизлари дехқончилик билан шуғулланганлар ва асосан донли экинлар етиштирганлар. Шунингдек, XVIII аср 60-йилларида Жанубий Қирғизистон қирғизлари ҳам ўзбеклар таъсири натижасида дехқончилик билан шуғулланабошлаган вашоли итиштириб бозорларга олиб чиққан³⁴⁸. 1813–1814 йилларда Кўкон хонлигида бўлган Ф.Назаров, Қоратов қирғизлари дехқончилик билан шуғулланганлиги ва етиштирган ғалласини кўчманчи қирғизларга айирбошлаганлиги ҳақида маълумот берган³⁴⁹. Маълумотларга кўра, XIX аср 40-йилларида қирғизлар Авлиёта, Мерке, Пишпек ва Тўқмоқ бозорларига йилига 20 минг ботмон дон, 60-йилларда 7 минг ботмон дон ва 14 минг бот похол келтирғанлар³⁵⁰.

³⁴⁶ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских ... – С. 31,32.

³⁴⁷ Наливкин В. Заметки по вопросу о лесном хозяйстве в Фергане // Туркестанские ведомости. 1883. – №16.

³⁴⁸ Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе, 1977. – С. 233.

³⁴⁹ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 31 – 32.

³⁵⁰ Плоских В. М. Киргизы и Кокандское ханство. – С. 225.

Кўқон хонлиги бозорларига қирғизлар зигир уруғи ҳам келтирган, маҳаллий аҳоли ундан ёғ олишда ва дори тайёрлашда фойдаланган³⁵¹. Зигир уруғини маҳаллий савдогарлар қирғизлардан бир пудини 60–72 рублгача сотиб олганлар³⁵².

Қирғизлар Кўқон – Қашқар савдосида катта роль ўйнаган бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги савдо карвонлари улар яшайдиган ҳудудлар орқали ўтган. Қирғиз уруғлари икки давлат ҳудудида кўчиб юрган ҳолатда уларнинг савдо муносабатларида иштирок ҳам этган. Хусусан, қирғизлар хонлик даврида Фарғона водийси бозорларидан ғалла сотиб олиб, Қашқарга олиб бориб сотганлар³⁵³.

1775 йил Норбўтабий томонидан Чирчик дарёси бўйларида яшовчи қозоқларнинг 10 минг уйли қурама уруғи ва XIX аср бошларида Кўқон хонлари Олимхон ва Умархон томонидан Тошкент, Туркистон, Чимкент шаҳарлари ва унинг атрофида яшовчи Катта Жуз қозоқ уруғлари бўйсундирилган³⁵⁴. Шунингдек, XIX асрдан бошлаб, Ўрта Жуз қозоқ уруғларининг баъзилари ҳам Тошкент атрофларига кўчиб келиб жойлашиши кузатилган³⁵⁵. Натижада, Кўқон хонлиги аҳолисининг каттагина қисмини қозоқлар ташкил қила бошлаган. Кўқон хонлигига қарашли иқтисодий марказлар – Тошкент, Чимкент, Туркистон, Сайрам, Авлиёта, Оқмасжид ва уларнинг атрофларида яшовчи қозоқлар хонликнинг савдо муносабатларида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Қозоқ овулларида Бухоро хонлиги, Хива ва Кўқон хонликлари, Россия, Қашқар ва Ҳиндистондан келган савдогарларни учратиш мумкин бўлган³⁵⁶. Қозоқ овулларига кўқонлик савдогарлар

³⁵¹ Кроуз И. Заметки о медицинских некоторых промышленных растениях в Средней Азии // Туркестанский сборник. Том I. Т., 1872. – С. 640.

³⁵² Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С. 246.

³⁵³ ЎзР МДА, И. 276-фонд. 1-рўйхат, 427-иш, 4-варақ ва орқаси.

³⁵⁴ Джамгерчинов Б. Очерк политической истории Киргизии XIX века. – Фрунзе, 1966. – С. 41.

³⁵⁵ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидайи Тошканд» асари. – Т., 2007. – Б. 84.

³⁵⁶ Колмогоров Г. О промышленности и торговле в Киргизских степях Сибирского ведомства // Вестник ИРГО. Том III. 1855. – С. 37.

томонидан бўз, чопон, турли хил оёқ кийимлари, кўрпа, қуритилган мевалар, пичоқ, қозон, турли уй-рўзгор бумлари ва бошқа ҳуярмандчиллик маҳсулотлари олиб келинган. Келтирилган молларнинг катта қисмини қуритилган мева ва ипгазламалар ташкил этган ва йилига Кўкондан қозоқ даштларига 15 минг туюда қуритилган мева ва 3 минг туюда турли хил ипгазламалар олиб келинган³⁵⁷. XIX аср ўрталарида Ўрга Осиёда бўлган Г. Колмогоровнинг ёзишича, қозоқ овулларига безак берилган олтин ва кумуш буюмлар ва дасталари олтин ҳамда қимматбаҳо тошлар билан безатилган ханжар, пичоқ, қиличлар Кўкон, Тошкент ва Бухородан келтирилган. Савдогарлар олиб келган молларини қозоқлар билан келишган ҳолатда қарзга ҳам берганлар ва уларни асосан май-июль ойларида йиғиштириб олганлар.

Қозоқ даштларидан ҳам ҳонликка йилига катта миқдорда қўй ҳайдаб келинган. Шунингдек, Ўрга Осиёнинг турли ҳудудларидан қозоқ овулларига келган савдогарлар от, қорамол, тия каби чорва молларини ҳам харид қилганлар. Икки ўртада савдо асосан мол айирбошлиш йўли билан амалга оширилган. Хусусан, XIX аср ўрталарида бўлаги 60–70 коп. бўлган 1-навли Кўкон читининг 3 бўлагига, бўлаги 40–50 коп. бўлган 2-навли Кўкон читининг 3–5 бўлагига қозоқлар 1 та қўй берганлар. Қозоқлар пуди 2–3 руб. бўлган қуритилган узум, кишишиб, ўрикка 1 та қўй берган бўлсалар, уларнинг 100 пудига 10–15 та от, 8–12 та тия, 25–40 та ҳўқиз, 100–150 та қўй алмаштирганлар. Шунингдек, 30 аршин чит 6 та, 30 аршин бўз 1 та, 5 фунт шакар 3 та қўйга баҳоланган. Қозоқ овулларига карвонлар йил давомида бир неча марта келиши кузатилган ва савдо ҳам жуда қизғин бўлган. Хусусан, овулларда унча бой бўлмаган қозоқ савдо карвонларидан бир марта нинг ўзида 20 та, йилига 100 та қўйга тенг мол харид қилинган³⁵⁸.

Шунингдек, қозоқлар савдогарларга тулки, бўри, куён ва бошқа ёввойи ҳайвон мўйналарини ҳам сотганлар. Бу мўйналарни кўконлик савдогарлар водий шаҳарлари ва Қашқаргача олиб борганлар³⁵⁹.

³⁵⁷ Туркестанский сборник. Том 23. – С. 40.

³⁵⁸ Колмогоров Г. О промышленности и торговле... – С. 14, 17, 18, 34.

³⁵⁹ Мажкамов А. Торговля Коканда со среднеазиатскими владениями... – С. 145.

Қозоқлар билан савдо уларнинг овулларидан ташқари Чимкент, Туркистон, Сайрам, Авлиёота, Тошкент, Оқмасжид ва бошқа шаҳарларда ҳам олиб борилган. Бой қозоқлар савдогарларга кўшилган ҳолатда чорваларини ҳайдаб Бухоро, Тошкент ва Кўқонгача борганлар³⁶⁰. Авлиёота қозоқ чорvasи сотиладиган ва Ўрта Осиё молларининг қозоқ даштларига тарқатувчи асосий марказларидан бири бўлган³⁶¹. Қозоқ даштида жойлашган муҳим иқтисодий марказлардан бири Челак кўргони бўлиб, у Ўрта Осиё ва қозоқ савдогарлари ўргасида савдо муносабатлари учун муҳим марказлардан эди. Хусусан, Челак бозорида 1863 йил Тошкент, Туркистон, Кўқон, Бухоро ва бошқа ҳудудлардан келган савдогарлар томонидан 25 минг 671 руб. 58 коп.лик мол сотилган³⁶².

Қозоқларнинг савдо муносабатларида Тошкент шахри муҳим аҳамият касб этган. Тошкент атрофларида кўплаб чорвадор қозоқлар истикомат қилганлар ва шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида ҳам иштирок этган. Қозоқлар Тошкент бозорларига чорва ва чорвачилик маҳсулотларини олиб келган. Улар келтирган молларнинг катта қисмини қўй ташкил қилган. XIX аср ўрталарида қозоқ қўйлари Тошкент бозорида 4 руб. 7 коп. дан 7 рублгача сотилган³⁶³. Тошкентда ҳафтанинг ҳар чоршанба куни бўладиган қўй бозорида ва якшанба кунги марказий бозордаги чорва бозорида йилига ўртacha 52 мингдан қўй сотилган³⁶⁴. Тошкентда бўлган савдогар С.Я.Ключаровнинг ёзишича, 1852 йил апрель ойларидан қозоқлар шаҳар бозорларига чорва ҳайдаб келишни бошлаган ва 4 апрелга тўғри келган бозор куни улар 20 минг қўй сотганлар³⁶⁵. Қозоқ даштларидан йилига 300 минг қўй Тошкентга келтирилган ва унинг 200 минги Кўқон ва Бухорага олиб кетилган³⁶⁶.

³⁶⁰ Колмогоров Г. О промышленности и торговле в Киргизских степях Сибирского ведомства ... – С. 25.

³⁶¹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 407.

³⁶² Мадуанов С. История казахско-узбекских отношений в XIX начале – XX вв. – Туркестан. 1992. – С. 136.

³⁶³ Вельяминов-Зернов В. В. Сведение о Кокандском ханстве... – С. 123.

³⁶⁴ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 41.

³⁶⁵ Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известие... – С. 36.

³⁶⁶ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 516.

Ц унингдек, Тошкент бозорларига қозоқлар от, түя, қорамол ҳам силиб келган. XIX аср ўрталарида Тошкент бозорларидан бир ўркачти қозоқ түяси 8–12 тилло, икки ўркачлиси 5–6 тилло³⁶⁷, оддий қозоқ отлари 10–50 рублгача, қорабайирлар 100 рублгача сотилган³⁶⁸.

Қозоқлар ўзлари кашиф қилған конлардан күмир қазиб олиб, уни ҳам Тошкент бозорларига келтирғанлар. XIX аср 60-йилларида қозоқлар ҳар бир түяга 3–4 қопдан күмир юклаб, Тошкент бозорларига олиб келиб, унинг қопи 25–30 коп. дан сотилган³⁶⁹. Шунингдек, улар Тошкент бозорларига саксовулдан тайёрланган күмир ҳам келтирғанлар ва унинг пуди 10 коп. дан сотилган³⁷⁰. Қозоқлар Тошкент бозорларига турли доривор гиёхлар ва ўсимлик меваларини даштлардан териб олиб келгандар. Хусусан, улар Туркистандан 80 верст узокликда жойлашган Арис дарёси кирғоқларидан дармана уругини терган ва Тошкент бозорларидан маҳаллий савдогарларга сотган³⁷¹. Катта Жуз қозоқлари астасекин ўтроқлашиб, XIX аср бошларидан бошлаб Тошкент атрофларида деҳқончилик билан ҳам шуғулдана бошлагандар ва ўзлари етиштирган ғаллани яқин атрофдаги бозорларга олиб чиққанлар. Хусусан, А.Левшин, "...қозоқларнинг ғалла етиштиришдаги устози тошкентликлар ва қорақалпокълардир, улар сув чархпаракларини ҳам тошкентлик ва бухороликлардан ўрганган"³⁷², – деб ёзган эди. Ҳар йили июль-август ойларида Кўқон бозорига Тошкент атрофларида етиштирилган 80–100 арава ғалла олиб борилган³⁷³.

XIX аср ўрталарида Тошкентда 300–400 савдогар қозоқ чорваси ва улар томонидан келтирилган моллар билан савдо қилган. Бу савдогарлар тез-тез қозоқлар яшайдиган овулларга ўзлари билан маҳаллий хунармандчилик маҳсулотлари, қуритилган мевалар

³⁶⁷ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве ... – С. 123.

³⁶⁸ Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 135.

³⁶⁹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 717.

³⁷⁰ Иванов Д. Туркестанские походы. – СПб., 1873. – С. 46.

³⁷¹ Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении ... – С. 70.

³⁷² Левшин А. Описание киргиз-казачьих или киргиз-кайсакских Орд и степей. – СПб., Часть III. 1832. – С. 199–202.

³⁷³ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве... – С. 130.

олиб борган ва қозоқ чорваларига алмаштирган³⁷⁴. Тошкент марказий бозорида “Қозоқ фуруш бозори” деб номланувчи савдо растаси мавжуд бўлиб, унда 100 га яқин дўкон бўлган ва уларда олача, чит, бўз, пўстин сотилган. Бозордаги ҳар бир дўконнинг йиллик айланмаси ўртacha 200–300 тилло атрофида бўлган. XIX аср 60- йилларида Тошкентдаги Мулла Абдул Муталиф карvonсаройида дашт ҳудудларидан келган қозоқ савдогарлари тўхташган³⁷⁵.

Ўрта Осиё савдогарлари Россия шаҳарларига борувчи узоқ карvon йўлларида қозоқ туялари ва қисман отларидан фойдаланган. Қозоқлар тия ва отларини савдогарларга ижарага берганлар ва ўзлари ҳам юк элтувчи ва йўл бошловчи вазифасида фаолият олиб борганлар³⁷⁶. Ўрта Осиё хонликлари савдогарларининг Тошкент орқали Россия шаҳарлари, Гулжа ва Чугучакка борадиган савдо карvonларининг йўлбошчилари Туркистон, Авлиёота ва асосан Чимкент атрофларида яшовчи қозоқларнинг бештамғали уруғи вакиллари бўлган. Уларнинг кўп сонли туялари мавжуд бўлган ва улар апрелдан июлгача 10 минг тия йиғиш имкониятига эга бўлган. Шунингдек, бу уруғ аъзолари ўз туялари билан юқоридаги ҳудудларга борадиган савдо карvonларида юк элтувчи вазифасини ҳам бажарган. Тошкент ва қозоқ даштлари орқали Россия шаҳарларига бориладиган карvon йўллари узоқ ва ниҳоятда хавфли бўлиб, карvonни манзилига талофатсиз етказиб бориш йўлбошчи ва юк элитувчилардан катта масъулият талаб қилган. Бу қозоқ уруғи вакиллари ҳалол, тўғрисўз, тартибли одамлар бўлиб, карvonларга йўлбошчилик ва ўз туяларида юклар манзилига етказиб бериш касби уларнинг тирикчилик манбай бўлган. Бештамғалилар ўз хизматларини муносиб қадрлаган ва меҳнатга яраша хизмат ҳақи олганлар. Ҳусусан, XIX аср 60-йилларида Тошкентдан Семипалатинскгача ҳар бир юкли тия учун савдогардан

³⁷⁴ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 516.

³⁷⁵ Темеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 40–44.

³⁷⁶ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 376, 518.

18 рублдан хизмат ҳақи олганлар³⁷⁷. Бу даврга оид маълумотларга кўра, қозоқ киракашлари битта туждан йилига ўртacha 100 руб. даромад олган. Бештамғалилар йўлбошчилик ва киракашликдан тушган даромадга яна түя сотиб олганлар ва ўз фаолиятларини кенгайтирганлар. Яъни, 8 туси бор қозоқ доим ўни 10 тага етказишига интилган³⁷⁸.

Кўқон хонлиги аҳолисининг каттагина қисмини уйғурлар ташкил этган бўлиб, уларнинг аксарияти XIX аср биринчи ярмида Фарғона водийсига кўчиб келиб жойлашган. Хонлиқда уйғурларнинг асосий қисми Қашқар билан чегарадош бўлган Андижон, Ўш ва Шахрихон атрофларида яшаган. Ч.Ч.Валихонов эсадаликлирида, Шахрихон аҳолисининг ярми уйғур, деб маълумот берган³⁷⁹. Тарихчи Ҳ.Бобобеков маълумотига кўра, Кўқон хонлигидаги уйғурлар асосан Андижон вилоятида яшаганлар ва уларнинг сони 1868 йилда 70 минг киши бўлган³⁸⁰. Уйғурларнинг машғулотлари ўзбек ва тоҷикларники билан деярли бир хил бўлган. Улар бозорларга келтирган дехқончилик маҳсулотлари орасида полиз экинлари – қовун, тарвуз, қовок, пиёз, сабзи кўпчиликни ташкил қилган. Шунингдек, уйғур хунармандлари ипак ва ипак мато тайёрлаш, пойабзал ишлаб чиқариш, заргарлик ва бошқа хунармандчилик касблари билан машғул бўлган. Марғилонда Хитой нақшлари солиб тўқилган ипак гиламлар тўкишни йўлга кўйганлар. Бундай гиламлар хонлик бозорларида қадрланган³⁸¹.

Сирдарёning ўрта қисмida яшовчи қорақалпоқлар XVIII аср ўрталаридан Фарғона водийсига кўчиб кела бошлаган ва бу жараён XIX аср бошларига қадар давом этган. Улар Марказий Фарғонадаги Сирдарё ва Қорадарё қирғокларида жойлашган ҳамда Андижондан Кўқонгача бўлган худудларда қатор қишлоқларни барпо қилганлар. Натижада XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб

³⁷⁷ Пашинио П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 82.

³⁷⁸ Адинаров А. Г. Торговые взаимоотношения... – С. 132.

³⁷⁹ Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. – Т., 1991. – С. 87.

³⁸⁰ Бабабеков Ҳ. Н. Народные движения в Кокандском ханстве... – С. 7.

³⁸¹ Валиханов Ч. Ч. О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции... – С. 201.

Кўқон хонлиги ҳудудида ярим кўчманчи қорақалпоклар яшай бошлиган.

Кўқон хонлиги қорақалпоклари қисман дехқончилик билан шуғулланган бўлса-да, уларнинг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланган. Қорақалпоклар ҳисобида кўп сонли қорамоллар бўлиб, маълумотларга кўра, баъзи қорақалпоқ бойларининг 500 бошга қадар қорамоллари бўлган³⁸². Шунингдек, Кўқон хонлиги қорақалпоклари бозорларга ўзлари қамишдан тайёрлаган бўйра, чий, турли хилдаги қамиш саватлар, чорва озуқаси учун қамиш ва қорамол, гилам, олача, кигиз ва бошқаларни олиб чиққанлар³⁸³. Хусусан, XIX аср бошларида Кўқон хонлигидаги бўлган Ф. Назаров ўз эсдаликларида ёзишича, Кўқондан 12 верст узоклиқда, Сирдарё бўйларида яшовчи қорақалпоклар гилам тўқиши, жун газлама тайёрлаш билан шуғулланганлар³⁸⁴. Улар томонидан тайёрланган туксиз гилам “шолча” Кўқон хонлиги бозорларида таникли бўлган³⁸⁵.

Кўқон хонлигининг сиёсий, маданий ва иқтисодий юксалиб бориши натижасида унинг ҳудудига турли мамлакатлардан савдо, бошпана ва таълим олиш мақсадида кўплаб этнослар келиб жойлашган. Шунингдек, хонлик шаҳар ва қишлоқларида мусулмон бўлмаган савдогарлар учун ҳам эркин яшаш ҳамда савдо қилиш имкониятлари яратилганлиги унинг ҳудудига турли дин ва миллат вакили бўлган савдогарлар келишини кучайтирган. Бу жараён хонликнинг этник таркибига ҳам таъсир ўтказган. Хусусан, XIX аср бошларида хонликнинг Кўқон, Тошкент, Марғилон, Андижон, Наманган, Хўжанд ва бошқа шаҳарларига Бухоро ва Самарқанд яхудий оиласарининг кўчиб келиш жараёни кузатилган. XIX аср ўрталарида хонлик пойтахти Кўқонда 25 та³⁸⁶, 1876 йил бошларида эса 30 та эркак, 28 та аёл яхудий истиқомат қилган³⁸⁷. Кўқон хонлиги даврида Тошкентда маҳаллий халқ томо-

³⁸² Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус, 1959. – С. 69.

³⁸³ Обозрение Коканского ханства... – С. 190.

³⁸⁴ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – СПб., 1821. – С. 72.

³⁸⁵ Толстова Л. С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус, 1959. – С. 72.

³⁸⁶ Вельяминова-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 47–48.

³⁸⁷ ЎзР МДА, И. 271-фонд, 1-рўйхат, 123-иши, 29-варақнинг орқаси, 30-варақ.

нидан “Жұхуд маҳалла” деб аталувчи яхудий маҳалласи мавжуд бўлган за Россия истилоси арафасида (1865 йил) 27 та оиласда 100 таг. яқин яхудий истиқомат қилган³⁸⁸. Кўқон хонлигининг иирик шаҳарларидан бўлган Марғилон Фарғона водийси яхудийлар яшовчи асосий марказларидан бўлган. XIX аср бошларида Марғилонга Бухоро хонлигидан бир гуруҳ яхудийлар кўчиб келиб жойлашган ва бу жараён аср ўрталариға қадар давом этган. Натижада, XIX аср 60-йилларида Марғилонда ўнлаб яхудий оиласлари яшаган.

Кўқон хонлиги яхудийларининг асосий машғулоти ипакни бўяш ва улгуржисига сотиш ҳисобланган. Хонликнинг ипак маркази ҳисобланган Марғилонда яхудийларнинг маҳсус бўёқчилик дўконлари мавжуд бўлган ва улар ипакни бўяшда асосан индигодан фойдаланган³⁸⁹. Кўқон хонлиги шаҳарларида яхудий этикдўзлар ҳам анча таникли бўлган. Хонликда яшовчи яхудийлар узумдан шароб тайёрлаш ва уни яширинча сотиш билан ҳам шуғулланганлар³⁹⁰. XIX аср ўрталарида Кўқонда бир челак яхудий шароби 19 руб. 60 коп. дан сотилган³⁹¹. Хонлик шаҳарларида яхудийлар рус моллари савдоси билан ҳам шуғулланган³⁹² бўлиб, XIX аср 60-йилларида биргина Чимкент бозорида 3 та яхудий доимий рус моллари савдоси билан машғул бўлган³⁹³. Ўз сармоясига эга бўлган яхудийлар Кўқон хонлиги шаҳарларида ҳиндлар каби судхўрлик билан шуғулланганлар ва маҳаллий савдогарларга қарзга пул берганлар³⁹⁴.

Хонликда яшовчи яхудий савдогарлари хонликнинг Бухоро хонлиги, Россия ва бошка ҳудудлар билан савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган. Ҳусусан, Тошкент божхонаси берган маълумотларга кўра, 1867 йил 14 февралда яхудий савдогари Амин Юсуф 13 та туяда 1515 рубллик Кўқон ип-газламаси, 15

³⁸⁸ Некталов Р., Мурдахов Ю., Фатахов Е. Межобщинные связи // История Бухарских Евреев. – Нью-Йорк, 2005. – С. 271.

³⁸⁹ Народы Средней Азии и Казахстана. Том II. – Москва, 1963. – С. 613 – 614.

³⁹⁰ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 11-рўйхат, 7-иши, 64-варажнинг орқаси.

³⁹¹ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Кокандском ханстве ... – С. 122.

³⁹² ЎзР МДА, И. 2-фонд, 1-рўйхат, 23-иши, 3-варақ.

³⁹³ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 372.

³⁹⁴ Хорошкин А. П. Сборник статей касающихся по Туркестанского края – С. 117.

февралда яхудий савдогари Натан 2 та туяда 764 рубллик Қашқар газламаси ва ипакни Кўқондан Тошкентга олиб келган³⁹⁵.

Ҳиндлар Кўқон хонлигининг Кўқон, Тошкент, Марғилон, Намангандаридан шаҳарларида яшаган ҳамда хонликнинг савдо муносабатларида ўзига хос ўрин тутганлар. Н.Энгельгардъ маълумотларига кўра, Россия истилосига қадар Кўқон шаҳрида савдо мақсадида келган ва яшаб қолган ҳиндлар кўп бўлган ва шаҳарда ўзига хос “ҳинд колониялари”ни ташкил қилган³⁹⁶. XIX аср ўрталарида Кўқонда 20 тага яқин, хонлик тугатилиши арафасида (1876) 52 та³⁹⁷, Фарғона водийсида эса 370 та ҳинд истиқомат қилган. Шунингдек, XIX аср 60-йилларида хонликнинг йирик шаҳарларидан бўлган Тошкентда 100 тага яқин, Ўратепада эса 12 та ҳинд савдогари яшаган³⁹⁸.

Кўқон хонлиги шаҳарларида ҳиндларга қарашли карвонсаройлар мавжуд бўлиб, хонлик маркази Кўқондаги карвонсаройларнинг бири, Марғилондаги 8 та карвонсаройнинг 2 таси, Хўжанддаги 5 та карвонсаройнинг ва Ўратепадаги 3 та карвонсаройнинг 1 таси ҳиндларга тегишли бўлган³⁹⁹. Шунингдек, рус истилоси арафасида Тошкентдаги Саид Азим, Ширин Жоха Раис ва Бекларбеки карвонсаройларида ҳинд савдогарлари яшаб, савдо билан шуғулланганлар⁴⁰⁰.

Кўқонда ҳиндлар савдодан ташқари судхўрлик билан ҳам машғул бўлганлар. Судхўрлик Кўқон хонлигига яшовчи ҳиндларнинг асосий машғулоти ҳисобланган ва улар маҳаллий савдогарларга ойига 2 ёки 2,5 фоиз бадал ҳисобида, олдиндан тилҳат ёздириб олган тарзда, пул қарз берганлар⁴⁰¹. Хусусан, ҳинд судхўри

³⁹⁵ ЎзР МДА, И. 471- фонд, I-рўйхат, 10-иш, 19-вараж ва орқаси.

³⁹⁶ Энгельгардъ Н. Очерки Коканд // Туркестанский сборник. Том 458. 1908. – С. 46.

³⁹⁷ ЎзР МДА, И. 276- фонд, I-рўйхат, 123-иш, 29-варажнинг орқаси, 30-варак.

³⁹⁸ Кушакевич А. Сведения о городе Ура-Тюбе // Туркестанские ведомости. 1872. – №14.

³⁹⁹ Костенко Л. Туркестанский край. Том I. 1880. – С. 448, 451.

⁴⁰⁰ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 43 – 44.

⁴⁰¹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 519.

берган 16 танга (3 руб. 20 коп.) – 20 ҳафтадан сүнг унга 4 танга (80 коп.) қаромад келтирған⁴⁰².

Күкөн хонлигиде яшовчи ҳиндлар хонликнинг ички ва турли ҳудудлар билан савдосида ҳам фаол иштирок этғанлар. Ҳусусан, Тошкент божхонаси қайдномаларида ёзилишича, Кўқондан Тошкентга 1867 йил 4 март куни ҳинд савдогари Бой Тилла 1 та отда 108 рубллик Кўқон газламаси, 6 июнда ҳинд савдогари⁴⁰³. 1 та отда 97 рубллик 21 та олача чопон (донаси 2 руб. 184 коп.) ва калиш (жуфти 30 коп.), 17 июнда ҳинд савдогари Бой Тилла 1712 рубллик Қашқар матоси ва чит, 27 июнда ҳинд савдогари 8 та отда 1000 рубллик Қашқар ва Кўқон газламаси⁴⁰⁴, 1868 йил 9 январда ҳинд савдогари Бой Бўта 7 та от ва 1 та туяда 940 рубллик шакар, Қашқар ва Кўқон газламаси⁴⁰⁵, шу ойда яна бир нечта ҳинд савдогарлари 10 та отда 1260 рубллик Кўқон газламаси, 1–9 март орасида яна бир ҳинд савдогари 40 рубллик Кўқон газламаси олиб келган⁴⁰⁶.

Шунингдек, Тошкентдан Кўқонга 1868 йил 9 январда ҳинд савдогари Тилла 11 та аравада 4800 рубллик рус моллари, шу куни яна бир ҳинд савдогари Хоса 6 та отда 1600 рубллик рус моллари ва чой⁴⁰⁷, шу ойда бир нечта ҳинд савдогарлари 11 та арава ва 6 та отда 6400 рубллик рус моллари олиб келган⁴⁰⁸. Бундан кўриниб турибдики, хонликда маҳаллий бўлмаган савдогарларга яратилган шароит, берилган имконият ва уларнинг хавфсизлигини тъминланганлиги натижасида, ҳинд савдогарлари нафақат Кўқон – Ҳиндистон савдо алоқаларида, балки хонликнинг ички ва бошқа мамлакатлар билан олиб борилган ташки савдо алоқаларида ҳам фаол иштирок этганлар.

⁴⁰² Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы... – С. 38.

⁴⁰³ Изоҳ: архив ҳужжатларидаги савдогарлар исмини ўқиц имкони бўлмади.

⁴⁰⁴ Ўз РМДА, И. 471-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 33, 95, 122, 131-варак.

⁴⁰⁵ Ўз РМДА, И. 471-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 4 -варак.

⁴⁰⁶ Ўз РМДА, И. 471-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 1-варакнинг орқаси, 2-варак, 12-варакнинг орқаси, 13-варак.

⁴⁰⁷ ЎзР МДА, И. 471- фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 2-варакнинг орқаси, 3-варак.

⁴⁰⁸ ЎзР МДА, И. 471- фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 2-варакнинг орқаси, 3-варак.

Кўқон хонлигига яшовчи афғонлар асосан тижорат билан машғул бўлганлар ва хонликнинг ички ва ташқи савдо муносабатларида ҳам иштирок этганлар. А.К.Гейнс маълумотларига кўра, Кўқонда яшовчи афғон савдогарлари Ҳиндистондан келтирилган ҳинд ва инглиз моллари: саллалик дока, чит, бомбей чойи, қалин сурп, француз чити ва бошқаларни сотиш билан шуғулланганлар⁴⁰⁹. XIX аср ўрталарида хонлик пойтахти Кўқонда 50 тага яқин⁴¹⁰, Россия истилоси арафасида Тошкентда 21 та афғон яшаган⁴¹¹.

Афғон савдогарлари Кўқон хөнлигининг ички савдодаги иштирокидан ташқари, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Бухоро хонлиги, Россия ва бошқа ҳудудлар билан савдо алоқаларида муҳим ўрин туттганлар. Ҳусусан, 1864 йил 20 ноябрда афғон савдогари Албабат Мулладатов 1300 туялик катта карвонга кўшилган ҳолда, ўзининг 10 та туясида 1000 тиллолик 200 та ипак ва 100 та оддий чопон, 1100 парча бекасам, 200 парча парипоша, 100 парча каноус ва ҳ.к.лар билан Туркистондан Перовский фортига келган⁴¹². Шунингдек, Тошкент божхонаси маълумотига кўра, 1865 йил 13 сентябрда афғон савдогари Абу Сайд Тошкентдан Кўқонга I та тужда 588 рубллик рус моллари олиб кетган⁴¹³ бўлса, 1867 йил 6 июля афғон савдогари Шамсиддин 12 та отда 1200 рубллик Кўқон газламаси, 24 июля афғон савдогари Сайд Турдиев 1 та тужда 349 руб. 20 коп. лик 44 та олача чопон, ипак газлама, чит ва ҳ.к. ларни Кўқондан Тошкентта олиб келган⁴¹⁴.

Кўқон хонлигининг йирик шаҳарларига тижорат мақсадида, таълим олиш учун ҳамда қочқин сифатида келган татар ва русларни кўплаб учратиш мумкин бўлган. Бу давлат ҳудудидан бошпана топган рус ва татарларнинг бир қисми ҳарбийлар бўлган ва уларнинг аксариятини Кўқон хонлари ўз хизматига олган. Ҳусусан, XIX аср ўрталарида Кўқонда бўлган казак Милюшин ва

⁴⁰⁹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 245.

⁴¹⁰ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 50.

⁴¹¹ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асари. – Т., 2007. – Б. 86.

⁴¹² ЎзР МДА, И. 336-фонд, 1-рўйхат 2-иш, 40-варақ.

⁴¹³ ЎзР МДА, И. 336-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 16-варақ.

⁴¹⁴ ЎзР МДА, И. 471-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 94 об, 127-варақнинг орқаси.

Батарынкинларнинг эсдаликларида ёзишича, Кўқон ва Тошкентни ҳар бирида 100 тага яқин, хонликнинг бошқа шаҳарларида ҳам сўплаб рус ва татарлар яшаган. Хонликда яшовчи рус ва татарларнинг аксарияти Россиядан қочқин сифатида келган бўлиб, бу ерда хунармандчилик, савдо билан шуғулланганлар. Ҳарбий малакага эга бўлганлари эса хон хизматига кирган⁴¹⁵.

XIX аср бошларидан бошлаб Тошкент ва унинг атрофларига Россиянинг турли худудларидан ҳар хил сабаблар билан келиб қолган татарлар жойлаша бошлаган. Кўқон хони Муҳаммадалихон татарларга Тошкентдан ғарбда Дархон аригидан шарқда Қорасув ариғигача, жанубда Совуқбулоққача, шимолда Салор ариғигача бўлган ерларни соликлардан озод қилиб берган⁴¹⁶. Татарлар яшайдиган қишлоқ маҳаллий аҳоли томонидан “Нўғайкўргон” деб аталган. П.И.Пашино маълумотларига кўра, Нўғайкўргон аҳолиси картошка етиштириш билан шуғулланган ва уни Тошкент бозорларига олиб чиқсан⁴¹⁷.

Рус савдогарлари Ўрта Осиё хонликлари билан олиб бориладиган савдода асосан татарлардан фойдаланган бўлиб, татарларнинг маҳаллий ҳалқлар билан тил ва дин жиҳатидан яқинлиги савдо муносабатларида ҳам ўзининг ижобий самарасини берган. А.П.Хорошхиннинг ёзишича, XIX аср 70-йилларида Кўқонда рус моллари билан савдо қилувчи 15 та татар савдогари яшаган⁴¹⁸. Россия истилоси арафасида XIX аср 30-йилларидан бошлаб Туркистон шаҳрида яшовчи ва рус моллари билан савдо қилувчи 11–12 та Қозон татари бўлиб, уларга тегишли дўконларнинг йиллик савдо айланмаси ўртacha 1000 руб. атрофида эди⁴¹⁹. Бу даврда Чимкентда рус моллари билан савдо қилувчи 25 татар савдогари бўлган ва уларга тегишли дўконларнинг йиллик савдо айланмаси 3000 руб. га тенг бўлган⁴²⁰. Россия қўшинлари томонидан 1864 – 1865 йилларда Кўқон хонлигига тегишли Туркистон, Чимкент,

⁴¹⁵ Показание сибирскихъ казаковъ Милюшина и Батарышкина... – С. 28.

⁴¹⁶ Маллицкий Н. Г. Ташкентские махалля и мауза. – Т., 1927. – С.113.

⁴¹⁷ Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 98.

⁴¹⁸ Хорошхин А. П. Сборник касающихся по Туркестанского края... – С. 46.

⁴¹⁹ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 292.

⁴²⁰ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 35.

Тошкент, Хўжанд ва бошқа ҳудудлар босиб олинганидан сўнг, хонлик шаҳарларида рус ва татар савдогарлари кўпайиб қолган. 1868 йилги Кауфман ва Худоёрхон ўртасидаги савдо шартномаси имзоланганидан сўнг, Кўқонда рус савдогарлари учун алоҳида карвонсарой ажратилган ва уларга тегишли дўконлар сони ҳам кўпайган.

Кўқон хонлигига маҳаллий халқлар – ўзбек, тоҷик, қирғиз, қозоқ ва бошқалар билан бирга турли ҳудудлардан яшаш ва тижорат учун келган қорақалпок, ҳинд, уйғур, афғон, яхудий, татар, рус ва бошқа миллат вакилларини учратиш мумкин бўлган. Хонлик ҳудудига кўшини мамлакатлардан келаётган аҳоли ва савдогарлар оқимининг кўпайиши унинг иқтисодиёти юксалган даврдан, яъни XIX аср бошларидан кучайган. Шунингдек, Кўқон хонлигига турли миллат ва дин вакилларига эркин яшаш ва савдо қилиш учун берилган кенг имконият ҳамда бой ва харидоргир бозор турли мамлакат савдогарларини бу юртга чорлаган. Кўқон хонлигига савдонинг ривожланйши унинг этник таркибида ўзгаришларга сабаб бўлган. Ўз навбатида турли этник гурӯҳларнинг интеграцияшувига олиб келган.

Кўқон хонлигига яшовчи турли миллат вакиллари унинг сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлаган. Ҳусусан, афғон ва ҳиндлар хонликнинг Бухоро хонлиги, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон билан, татар ва руслар Россия ва Европа давлатлари билан савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган. Хонликнинг доимий аҳолиси ўзбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз, қорақалпок, уйғур, яхудийлар унинг ички ва ташқи савдосида фаол иштирок этган ва уларнинг савдодаги иштироки хонлик иқтисодиётидаги барқарорликни сақлаб турган.

БОЗОРЛАР ВА КАРВОНСАРОЙЛАР, УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар бир давлатнинг тараққий этиши албаттага унинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий равнақига боғлиқ. Олий ҳукмдорлар табиий равишда мамлакатдаги фаровонликни савдо билан боғлаганлар. Савдони тараққий эттириш, унинг учун етарли шароитларни яратиб бериш асосий вазифалардан бири саналган. Айниқса, марказлашган давлатнинг салоҳияти кучли бўлган даврларда мамлакат иқтисодиёти равнақ топган, янги бозорлар қурилган, мавжудлари кенгайтирилган, савдо дўконлари, карвонсаройлар ва бошқа савдо иншоотлари барпо этилган. Савдо муносабатлари, бож тизими тартибга солиниб, уларнинг назорати кучайтирилган.

Хонликнинг йирик шаҳарларида ҳафтасига икки-уч марта, кичикроқ шаҳар ва катта қишлоқларда, бир-бирига яқин бўлган бир нечта кичик қишлоқлар туташган жойларда эса бир марта бозор бўлган.

Хонлик бозорлари орасида пойтахт Кўқон бозори яққол ажралиб турган. Хонликнинг кўплаб ҳукмдорлари мамлақат шаҳарларида, пойтахтда бозор, савдо расталари, дўкон ва карвонсаройлар қуришга катта зътибор берганлар. Хусусан, Кўқон хони Шоҳруҳбий (1709–1721) янги ташкил қилинган давлатнинг марказига Ўрда билан бир қаторда бозор буёнд этган. Унинг вориси Абдураҳимбий (1721–1734)нинг пойтахтда дастлабки амалга оширган ишларидан бири бозор ва расталарни қуриш бўлган⁴²¹. Абдукаримбий (1734–1750) эса Кўқон атрофини девор билан ўраган ҳамда шаҳарда янги бозор ва расталар барпо қилган⁴²². Норбўтабий (1762–1798) ҳукмронлиги даврида хонликнинг нисбатан иқтисодий юксалган даври бошланган бўлиб, хонлик шаҳарларида, хусусан, Кўқонда ариқлар, масжид,

⁴²¹ Маҳмуд Ҳаким Яйғоний. Ҳуллас ут-таворих. Кўқон шаҳар Гафур Ғулом номидаги вилоят адабиёт музейи. – КП. 4101. 4–5-вараклар.

⁴²² Муҳаммад Фозилбек Отабек ўэли. Муқаммал Тарихи Фарғона // Кулёзма ЎзРФА ШИ. – №5971. 18-варак.

мадраса, ҳаммом, карвонсарой ва савдо дўконлари барпо қилинган⁴²³.

XIX аср бошларидан хонлик иқтисодий ҳаёти аста-секинлик билан ривожланиб бориши оқибатида бозорлар сони ҳам ортиб борган. Жумладан, 1813–1814 йилларда хонликда бўлган Ф.Назаровнинг ёзишича, Кўқон марказида учта тошдан қурилган бозор бўлган ва уларда ҳафтада икки марта бозор ташкил этилган⁴²⁴. 1830 йилда Кўқонда бўлган хорунжий Потанин хонлик пойтахтида б та бозор бор деб кўрсатган⁴²⁵. Номаълум муаллиф маълумотларига кўра, XIX аср 40-йилларида Кўқонда мавжуд бўлган б та бозорнинг 2 тасида маҳаллий, 4 тасида турли ҳудудлардан келган савдогарлар савдо ишларини олиб боргандар⁴²⁶.

Кўқон бозорлари баъзиларининг Ўрта Осиёда мавжуд бўлган анъанага кўра усти ёпиқ бўлиб, ёғингарчилик мавсуми учун ҳам кулагай бўлган. Кўқон бозори Бухоро бозоридан сўнг Ўрта Осиёда энг яхши бозорлардан бири бўлган ва бу номга у Муҳаммадалихон даврида эришган⁴²⁷. Чунки, Муҳаммадалихон хукмронлик қилган XIX аср 20-йилларида хонликнинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан анча юксалиши – пойтахтда бозор ва савдо билан боғлиқ иншоотлар қурилишига ва бу соҳага эътибор кучайишига олиб келган.

Худоёрхон (1845–1858, 1862–1863, 1865–1875) ҳокимиятни мустақил бошқариши бошлаганидан сўнг (1852), хонликнинг турли ҳудудларида, хусусан, кичик шаҳар ва қишлоқларида ҳам бозор, дўкон, карвонсарой ва бошقا савдо иншоотлари қурилиши давом эттирилган. 1856–1857 йилларда Кўқон асосий бозорида қурилган карвонсарой ва тўқимачилик моллари сотиш учун

⁴²³ Махкамов А. А. Роль города Коканда в развитии экономические связей... – С. 18.

⁴²⁴ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – Москва, 1968. – С. 76.

⁴²⁵ Потанин И. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830) ... – С. 281.

⁴²⁶ Обозрение Кокандского ханства... – С. 213.

⁴²⁷ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 200.

мўлжалланган савдо расталари шулар жумласидандир. Хоннинг бўйруғи билан Каримқули меҳтар томонидан қурдирилган чит растаси пойтахтдаги энг йирик савдо расталаридан бири ҳисобланган. Худоёрхон хукмронлигининг учинчи даврида (1865–1875) ҳам савдо иншоотлари қурдиришни давом эттирган. Жумладан, у 1867–1868 йилларда хазинабон Исо Авлиёга⁴²⁸ хонликнинг ҳамма ҳудудларида бозор, янги дўкон ва карвонсаройлар қурдиришни буюрган⁴²⁹. Натижада, Кўқон бозорида чит сотиладиган савдо расталари, калпон, катта ва кичик пахта, ўтин ва бошқа маҳсулотлар сақланадиган ва улар билан савдо қилинадиган карвонсаройлар барпо қилинган⁴³⁰. Бу даврда Кўқон бозорида чит расталари сони 250 тага етган⁴³¹. 1870 йил Кўқон марказий бозорининг тўқимачилик расталари жойлашган қисмида ёнгин чиқиши натижасида чит растасининг 250 дўконидан 5–6 тасигина омон қолган⁴³². Худоёрхон фармони билан қисқа мuddатда Кўқон бозорининг чит растаси қайта қурилган⁴³³. Ёнгидан оз муддат ўтгач, Кўқонда бўлган А.П.Федченко, Кўқон бозори ҳақиқатан эътиборга лойик, у ҳамма томондан ўзига хос меъморчилик услубида қурилган, бозор ташкилий ишлар юзасидан Ўрта Осиёда энг яхшиларидан ҳисобланади. Кўқон савдо саройларининг усти баланд ёғоч том билан ёпилган ва унда ҳаво жуда яхши айланади, – деб қайд этган⁴³⁴.

Ўрта Осиё шаҳарларига хос тарзда Кўқоннинг асосий бозори шаҳарнинг марказида, турли кўчалар тулашган ерда жойлашган ва “Катта бозор” номи билан танилган бўлиб, А.Л.Кун 1875 йил пойтахтга келган даврда бу бозорда 2000 атрофида дўкон

⁴²⁸ Изоҳ. Исо Авлиё 1865 – 1875 йилларда Кўқон ҳошлиги молия вазири бўлган.

⁴²⁹ Сайд Магомед Худояр-хан Коканский // Туркестанский сборник. Том 89. – С. 332 – 334.

⁴³⁰ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 199.

⁴³¹ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 15; Бейсембиев Т. К. “Тарихи Шаҳрухи” – как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – С. 65.

⁴³² Нияз Мухаммад бин Ашур Мухаммад. Тарихи Шоҳрухи. – Казань, 1885. – С. 316.

⁴³³ Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – Москва, 1990. – С. 244.

⁴³⁴ Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – СПб., 1875. – С. 49.

бўлганлигини қайд этган⁴³⁵. Асосий бозор маҳсулот турларига қараб, алоҳида савдо расталарига ёки кичик бозорларга бўлинган. Дежқончилик маҳсулотлари бозори ва ғалла бозори, ипак ва пилла бозори, пахта бозори, ўсимлик ёғи бозори, майиз бозори (куруқ мевалар бозори), пичан, ёғоч, беда, похол бозорлари, гуруч бозори, баққолчилик моллари бозори, кийим-бош бозори, чой растаси, заргарлик растаси, чорва моллари бозори, дон бозори шулар жумласидандир. 1271 йилги (1854–1855) маълумотларга кўра, Кўқон асосий бозоридаги бўёқ маҳсулотлари растаси бозорнинг чеккасида – “Бозор-и поён”да (Куйи бозор), чорва моллари бозори эса Ўрта Осиё шаҳарсозлиги анъаналарига хос равишда шаҳар чеккасидаги майдонда жойлашган⁴³⁶.

Кўқон шаҳарлари бозорларида дўконлар уч турга: ҳукмрон супола вакиллари ва турли амалдорларга тегишили, хусусий ва вақф дўконларига бўлинган. Архив маълумотларига қараганда, хонлик тугатилиши арафасида Кўқон шаҳри бозорларида 1911 та савдо дўкони бўлган ва уларнинг 599 таси ҳукмдорга қарашли, 1312 таси хусусий дўконлар ҳисобланган⁴³⁷. Н.Пантусов маълумотларига кўра, Худоёрхон ҳукмронлиги даврида пойтахтдаги карвонсарой, дўкон, ҳаммом ва бошқа савдо иншоатларининг аксари қисмидан солиқ олинмаган. Чунки уларнинг асосий қисми хонга қарашли бўлган ёки вақф мулклари ҳисобланган⁴³⁸. Хусусан, бу даврда шаҳардаги 10 та карвонсаройнинг 5 таси хонга тегишили бўлган⁴³⁹. Дўконлар савдогарларга ижарага берилган ҳамда улардан белгиланган тартибда ижара ҳақи олинган. 1874 йилда Кўқондаги 575 та савдо дўконидан хон хазинасига 2131 тилло даромад тушган⁴⁴⁰.

⁴³⁵ Қун А. Л. Очерк Кокандского ханства // Известия РГО. Том XII. – СПб., 1875. – С. 61 – 62.

⁴³⁶ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 199.

⁴³⁷ ЎзР МДА, И. 276-фоад, 1-рўйхат, 123-иш, 25 – 26-вараклар.

⁴³⁸ Пантусов Н. Сборы пошлины в бывшем Коканскому ханстве // Туркестанские ведомости. 1876. – № 17.

⁴³⁹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 201.

⁴⁴⁰ Пантусов Н. Податные сборы в г. Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №13.

Кўқон хўнлиги бозорларида энг йирик савдо очиқ бозор майдонларида ималга оширилган бўлса, карвонсаройларда нисбатан киммат моллар, чет эл моллари ва улгуржи моллар савдоси амалга оширилган. Кўқон бозорлари савдогар ва харидорлар билан гавжум бўлиб, биргина майда савдо-сотик ишлари билан асосий бозорда 600 га яқин савдогар шуғулланган⁴⁴¹.

Хонлик иқтисодий ҳаёти анча мўътадил кўрсаткичга эришган XIX аср ўрталарида эса, Кўқонда бозор ҳафтада уч кун – чоршанба, пайшанба ва якшанба кунлари эрталабдан кечгача давом этган⁴⁴². Чоршанба асосий бозор куни ҳисобланиб, шу куни бозорга хонликнинг турли шаҳарларидан ва қўшни худудлардан савдогарлар келганлар.

Кўқон атрофидаги қишлоқларда ҳам ҳафтанинг турли кунларида бозорлар ташкил этилган бўлиб, Конибодомда якшанба, Бешариқ, Янгикўргон ва Олтиариқда душанба, Яйпан, Бувайда ва Риштонда сесанба, Исфарада чоршанба, Чоркуда пайшанба куни бозор бўлган⁴⁴³.

Кўқон хонлигининг энг йирик ва бой бозорларидан бири Тошкентда жойлашган ва у маҳаллий хунармандчилик, дехқончилик, боғдорчилик маҳсулотлари билан бирга Россия ва қозоқ даштларидан келтирилган моллар сотиладиган бозори билан ҳам машҳур бўлган. XVIII – XIX асрларда Тошкентдаги Себзор, Кўкча, Бешёғоч, Шайҳонтохур даҳаларининг ўз бозорлари бўлиб, энг йирик бозор шаҳар марказида, тўрт даҳа кўчалари кесишган ерда жойлашган ва Жўба (ёки Жўва) бозори деб аталган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳ таърифига кўра, “Бозорнинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлиб, ҳалқ савдо-сотик, ҳар хил ўйин-кулги қиласи”⁴⁴⁴.

⁴⁴¹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 200.

⁴⁴² Потанин Н. И. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина (1830)... – С. 281; Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 46.

⁴⁴³ ЎзР МДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 123-иш, 185-варак.

⁴⁴⁴ Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавфисифида. – Т., 1983. – Б. 40.

Жўба бозорида (ҳозирги Чорсу) XIX аср бошларида асосий расталар ва карвонсаройлардаги дўконлар қўшиб ҳисобланганда 3000 дан ортиқ дўкон мавжуд бўлган. XIX асрнинг 60-йилларида бозорнинг бўйи 400 саржин, эни 100 саржин бўлиб, унда 16 карвонсарой, 2400 дўкон жойлашган. Шаҳар бўйича дўконлар сони 4548 тага етган⁴⁴⁵.

Тошкент марказий бозори ҳам маҳсулот турига қараб расталарга бўлинган ва XIX аср 60-йилларида расталарнинг сони 40 тага яқин бўлган. Улар жумласига ун бозори, кигиз бозори, қўй бозори, гўшт бозори, нон бозори, шам бозори, чой бозори, бazzозлик бозори, пичоқчилик бозори, эгар бозори, пахта бозори, тамаки бозори, заргарлик бозори кабилар кирган. А.Н.Тетеревников маълумотига кўра, шаҳар марказий бозорида тароқ, ангишвона ва бошқа майдада буюмлар сотиладиган 150 та дўкон, олача, чит, бўз, гулли чит, рўмол ва пўстин сотиладиган 100 дан ортиқ дўкон, этик, маҳси, ковуш сотиладиган 100 тага яқин дўкон, тақа, ҳалқа, мих, ўроқ, арра сотиладиган 60 тага яқин дўкон, кановуз, бекасам, астарли газлама, чачвон сотиладиган 60 та дўкон, қўнчилик маҳсулотлари сотиладиган 50 тага яқин дўкон, кигиз, арқон, қоп, от анжомлари, қамчин, хуржун, тасма сотиладиган 30 та дўкон, мис-қозон, чўмич, обдаста, чойнак, кумғон, жом ва бошқа мис буюмлар сотиладиган 32 та дўкон, эгар сотиладиган 30 та дўкон, шағам ва совун сотиладиган 20 та дўкон, чилим ва тамаки сотиладиган 20 та дўкон, гилам ва кўрпа сотиладиган 10 та дўкон, идиш-товоқ сотиладиган 10 та дўкон ва бошқа дўконлар бўлган. Бозорда усти ёпиқ саройлар ҳам кўп бўлиб, улардан бири бўлган ғалла бозори каппон деб аталган. XIX аср 60-йилларида Тошкент бозоридаги дўконларнинг ижара ҳаки йилига 2–4 тилло бўлган⁴⁴⁶.

Тошкентда Кўқондаги каби ҳафтада уч марта – чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари бозор бўлган. Якшанба куни “катта бозор” бўлиб, шу куни пул олди-бердиси билан шуғулланувчи саррофлик дўконлари ҳам фаолият юритган⁴⁴⁷.

⁴⁴⁵ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 39.

⁴⁴⁶ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 39–42.

⁴⁴⁷ Ўз Р МДА, И. I-фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 8-варақнинг орқаси.

Шаҳар даҳаларидаги бозорлар ичидаги Шайхонтохур даҳасидаги Ўрда бозори бошқа бозорларга нисбатан таниқлироқ бўлган. Ўрда бозорига савдо карвонлари Қашқар дарвозаси орқали кириб келган⁴⁴⁸. Муайян бир турдаги маҳсулот сотиладиган алоҳида бозорлар шаҳарнинг шимолий қисмидаги Хастимом мавзесида жойлашган Отбозор, Кўйбозор, шаҳарнинг жануби-ғарбида Самарқанд дарвозаси олдида Қовунбозор ва шаҳар шарқида машхур Қаймоқбозор бозорлари алоҳида ажралиб турган⁴⁴⁹.

XIX аср бошларида Наманган ҳам ўзининг бозорлари билан машхур бўлиб, у хунармандчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳамда тоғли қирғизлар билан олиб борилган савдода муҳим аҳамиятга эга бўлган. XIX аср 60-йилларида шаҳарда Худоёрхон 500 дўкондан иборат йирик бозор курдирган. Бу бозордан келаётган даромаднинг асосий қисми хоннинг хазинасига тушган. Ҳар бир дўкон йилига 5 тиллодан 10 тиллогача хон хазинасида даромад келтирган⁴⁵⁰. А.Л.Кун 1875 йилда Наманганда 1000 дан ортиқ савдо дўкони бўлганлигини ёзиб қолдирган⁴⁵¹. Наманганинг асосий бозори хонликнинг йирик шаҳарларида бўлгани сингари маҳсулот турларига қараб, расталарга ва кичик бозорларга бўлинган. Шаҳар бозорида майда савдо ҳафтанинг ҳар куни олиб борилган бўлса, йирик бозор Кўқон ва Тошкент бозорларидаги каби ҳафтада бир неча кун – шанба, якшанба кунлари сахардан то кечгача, йил бўйи давом этган⁴⁵².

Наманган атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда ҳам бир-бираига мутаносиб равишда бозорлар фаолият кўрсатган ва уларнинг баъзилари хонликда ҳам таниқли бўлган. Ҳусусан, Учқўрғон бозори ва Наманган – Авлиёта карвон йўлида жойлашган Заркент бозори тоғли қирғизлар билан савдода машхур ҳисобланган ва уларга бозор кунлари Наманган ва унинг атрофидан кўплаб аҳоли

⁴⁴⁸ Рӯзиева М. Тошкентнинг ўтмиш киёфаси. – Т., 1984. – Б. 28.

⁴⁴⁹ Пулатов Х. Ш. Базары старого Ташкента // Пути развития архитектуры Узбекистана. – Т., 1983. – С. 40.

⁴⁵⁰ ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 34-рўйхат, 122-иш, 9-вараж ва орқаси.

⁴⁵¹ Кун А. Л. Очерк Кокандского ханства. – СПб., 1876. – С. 64.

⁴⁵² Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Кокандского ханства для русских... – С. 43 – 47.

келган⁴⁵³. Учқўрғонда сешанба, Шаҳандда жума, Олмосда шанба, Чустда жума ва якшанба кунлари бозор кунлари хисобланган.

Марғилон ташки савдода муҳим ўринга эга бўлган ўзининг ипак ва ярим ипак матолари билан савдо қилинадиган бозори билан хонликнинг бошқа бозорларидан ажралиб турган. Кўкон хонлари буни инобатга олган ҳолда Марғилон бозорига катта эътибор берганлар, уни кентгайтирганлар ва янги раста, дўкон ва карвонсаройлар қурдирганлар. XIX аср 70-йилларида Марғилон ҳокими бўлган Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек даврида Марғилон бозори янада равнақ топган. Султон Муродбек шаҳар бозорида янги сарой, дўкон, карвонсарой ва бошқа савдо иншоотлари барпо қилдирган. Муҳаммад Азиз Марғилоний маълумотларига кўра, Султон Муродбек Марғилондаги читфурушлик бозори қаршисига яхши савдо саройи қурдирган ва уни Кўқондаги Ҳоким Ойим мадрасасига вақф қилган⁴⁵⁴. Шунингдек, Султон Муродбек Марғилон савдогарларига ҳомийлик қилган ва керакли шароитларни яратиб берган. Султон Муродбек 1289 йилда (1872–1873) Мулла Муҳаммад Олим саркорга Марғилон бозорида дўконлар курилиши учун йилда 10 арава сомон беришни буюрганлитгини архив ҳужжатлари кўрасатади⁴⁵⁵. Худоёрхоннинг сўнгти ҳукмронлик даврида (1865–1875) Марғилон шаҳрида 2246 та дўкон бўлган ва уларнинг 489 таси ҳукмрон сулолага қарашли, 686 таси вақф мулки, 1071 таси хусусий хисобланган. Бу дўконларнинг 214 тасида гўшт, 401 тасида мева ва сабзавот, курук мева, 109 тасида пойафзал, 46 тасида ипак мато, 3 тасида ип-газлама, 81 тасида чопон, 86 тасида мануфактура моллари, 140 тасида атторлик маҳсулотлари, 4 тасида кумуш буюмлар сотилган⁴⁵⁶. Марғилон бозорида майдা

⁴⁵³ Кетмень-Тюбе в 1898 году. – Андижан, 1904.–С.14; Романов А. Ныжный Алай // Туркестанские ведомости. 1882. – №19.

⁴⁵⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: Маннавият, 1999. – Б. 15.

⁴⁵⁵ Ўз Р МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 2436-иш, 1-варак.

⁴⁵⁶ Сайд Магомед Худояр-хан Коканский // Туркестанский сборник. Том 89. – С. 332 – 334.

савдо ҳафтанинг ҳар куни, пайшанба ва якшанба кунлари асосий катта бозор фаолият кўрсатган⁴⁵⁷.

Хонлинида ўзининг бозорлари билан машхур бўлган марказлардан бири Андижон эди. Андижонда бозори ҳакида П.И.Небольсин шундай таъриф берган: “Андижон хонликнинг йирик шаҳарларидан, у ерда савдо ривожланган, бозорларида Бухоро, Хўжанд, Кўқондан келган савдогарларни кўриш мумкин”⁴⁵⁸. Шаҳар марказида жойлашган бозорда XIX аср 70-йилларида 1000 дан ортиқ дўкон мавжуд бўлган⁴⁵⁹. Бозор маҳсулот турларига қараб алоҳида савдо расталарига ва кичик бозорларга бўлинган. Шаҳар шимолида от бозори, жанубида кўй бозори, марказида оёқ-кайим бозори, атторлик, бўйра, ширмонпазлик растаси фаолият юритган⁴⁶⁰. Андижонда ҳафтанинг душанба ва якшанба кунлари бозор кунлари бўлган ва хонликнинг турли ҳудудларидан, шунингдек, кўшини мамлакатлардан ҳам савдо карвонлари келган. Ҳафтанинг бошқа кунлари бозорда майдада савдо-сотиқ ишлари олиб борилган.

Кўкон хонлигининг чегара ҳудудида жойлашган ва йирик савдо шаҳарларидан бири Ўш хонликнинг Қашқар ва қирғизлар билан савдо алоқаларида муҳим аҳамият касб этган ва унинг бозорларида маҳаллий ҳамда турли ҳудудлардан келган савдогарларни кўплаб учратиш мумкин бўлган. 1812 йилда Ўшда бўлган Мир Иззат Улланинг ёзишича, Ўш Кўкон – Қашқар йўлидаги йирик шаҳар ва бу ерда турли мамлакатлардан келтирилган моллар айирбошланган ҳамда сешанба куни Ўшда йирик бозор бўлган⁴⁶¹. XIX аср ўрталарида шаҳар марказида 1000 га яқин савдо дўконлари мавжуд катта бозор бўлган. Ўш бозори марказидан ўтган Оқ Бура дарёси қирғозида усти ёпиқ бозор – Тим мавжуд бўлган. Оқ Бура дарёсининг икки қирғозини 900 метрли осма кўприк бирлаштириб турган ва дарёning ҳар икки

⁴⁵⁷ Туркестанский сборник. Том 26. – С. 137.

⁴⁵⁸ Небольсин П. И. Очерки торговли России с Средней Азией... – С. 299.

⁴⁵⁹ Кун А. Л. Очерк Кокандского ханства // Известия РГО. Том XII. – СПб., 1876. – С. 64.

⁴⁶⁰ Мусаев Д., Ҳошимов Ҳ. Андижоннинг XIX аср охири – XX аср бошлари даври хунармандчилиги тарихини ўрганилишига доир... – Б. 123.

⁴⁶¹ Путешествие Мир Иззет Уллы в Кокандское ханство в 1812 году... – С. 48 – 49.

қирғоғида бозор расталари жойлашган⁴⁶². Ўш күй бозори Кўқон хонлигидаги машхур чорва бозорларидан бўлган⁴⁶³.

Кўқон хонлигининг йирик шаҳарларидан бири Хўжанднинг “Пайшанба” ва “Чоршанба” бозорларининг 14 та бозор майдони бўлган ва уларда майда савдо амалга оширилган. Пайшанба бозори шаҳар марказининг шарқида, чоршанба эса жануби-шарқида жойлашган. Пайшанба бозорида 510 та, Чоршанба бозорида 280 та дўкон мавжуд бўлган. Хўжандда ҳафтада уч кун – чоршанба, пайшанба ва жума бозор кунлари ҳисобланган⁴⁶⁴. Шаҳарнинг марказида тўрт кўча кесишган чорраҳанинг яқинида усти ёпиқ бозор – Тим мавжуд бўлган ва у Хўжанд бозорининг маркази ҳисобланган⁴⁶⁵.

Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Сайрам шаҳарлари ҳам ўз бозорлари билан машхур ҳисобланган. Бу шаҳарлар Ўрта Осиё – Россия карvon йўлларида жойлашган бўлиб, рус моллари ва қозоқ чорваси ҳамда чорвачилик маҳсулотлари билан таникли эди. В.В.Вельяминов-Зернов XIX аср ўрталарида Туркистонда катта бозор ва 3 та карvonсарой бўлган⁴⁶⁶, деб маълумот берган. А.К.Гейнснинг ёзишича, Россия истилоси арафасида Туркистон бозорида 210 та дўкон бўлган ва бундай дўконлар карvonсаройларда ҳам мавжуд эди. Бу дўконларнинг йиллик савдо айланмаси ўртacha 316 минг руб. бўлган⁴⁶⁷.

Чимкентнинг ғарбида катта бозор жойлашган бўлиб, Россия истилоси арафасида унда 220 та дўкон бўлган ва бундай дўконлар карvonсаройларда ҳам бор эди. Ҳар бир дўконнинг йиллик савдо айланмаси 1000–5000 руб., бозорники эса 250–300

⁴⁶² Галицкий В., Плоских В. Старинный Ош. – Фрунзе, 1987. – С. 119 – 120.

⁴⁶³ Сапаралиев Д. Этнополитическая история Оша и его окрестностей с XVIII до XIX в. – Бишкек, 1999. – С. 83.

⁴⁶⁴ Мирбабаев А. К. Историческое наследия Худжанда. – Душанбе, 1995. – С. 98.

⁴⁶⁵ Турсунов Н. О. Сложение и пути развития городского и сельского населения северного Таджикистана XIX – начала XX вв. – Душанбе, 1976. – С. 61 – 66.

⁴⁶⁶ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Кокандского ханства для русских... – С. 45.

⁴⁶⁷ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 292–294.

минг руб. бўлган⁴⁶⁸. Чимкент, Сайрам ва Манкент шаҳарлари Кўқон конлигига чорва бозорлари билан ҳам машҳур бўлган. Хусусан, Чимкентнинг гарбий қисмида кўй бозори, Сайрамнинг жанубий қисмидаги От дарвозаси яқинида от бозори, Манкент шаҳри яқинида тую бозори мавжуд бўлган ва бу бозорларга Ўрта Осиёнинг турли худудларидан, хусусан, Фаргона водийси шаҳарларидан савдогарлар келган⁴⁶⁹.

XIX аср бошларида асос солинган Авлиёота аста-секин кенгайиб, аср ўрталарига келиб, йирик савдо шаҳрига айланган. Авлиёотага 1856 йилда Тошкент бекларбегиси Мирзо Аҳмад янги бозор курдирган, олди-сотди жараёнини тартибга солган ва шаҳарни назорат қилиш учун Отабек додхоҳни ҳоким этиб тайинлаган⁴⁷⁰. XIX аср 60-йилларида Авлиёота бозорида 360 та дўкон мавжуд бўлиб, бу ердаги битта дўконнинг ижара ҳақи 3 руб.дан 30 руб.гача бўлган⁴⁷¹. Авлиёота бозорида Кўқоннинг турли худудларидан ва Бухоро хонлигидан келган савдогарларни кўплаб учратиш мумкин эди.

Кўқон хонлигига машҳур бозорлар йирик шаҳарлардан ташқари савдо учун қулай бўлган кичик қишлоқларда ҳамда айrim худудларда ҳам ташкил этилган. XIX асрда Хўжанд ва Тошкент вилоятлари ўртасида, Курама тоғ тизмасининг чеккасидаги Ёнтоқ деб аталган жойда хонликда машҳур чорва бозори мавжуд бўлиб, бу бозор савдо учун қулай Фаргона водийси ва Тошкент, Туркистон Чимкент ҳамда Бухоро – Кўқон ва Қашқар йўлида жойлашган. Ёнтоқ бозорига Бўка, Ангрен ва Бекободдан курамалар, Ўратепа ва Зоминдан юз ва турклар, Матчодан тоҷиклар, Туркистон ва Чимкентдан қозоқлар келганлар. Ёнтоқ бозори ёз ва куз ойларида ҳафтанинг шанба куни бўлган. Ҳар бозор куни бу ерда 15–20 минг чорва сотилган⁴⁷².

⁴⁶⁸ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 35.

⁴⁶⁹ Южаков Ю. Д. Сарты или таджики // Сборник материалов о русском Туркестане странам Средней Азии. – Т., 1871. – С. 274.

⁴⁷⁰ Добросмыслов А. И. Города Сыр-дарынский области. – Т., 1912. – С. 160.

⁴⁷¹ Гейнс А. К Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 411.

⁴⁷² Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. – Т., 1991. – С. 21.

Тошкентдан 50 верст узоқлиқда жойлашган Намданак қишлоғининг ғалла бозори машҳур бўлиб, Маллахон (1858–1862) ҳукмронлиги даврида унда буғдойнинг бир ботмони 11 тангагача, Тошкентда 16 тангагача сотилган ва водийга олиб кетилиб, Кўқонда 16–20 тангадан сотилган. Тошкент ва унинг атрофлари Россия қўшиллари томонидан истило қилинганидан сўнг бу ерда буғдойнинг нархи кўтарилиган ҳамда ботмони 150 тангага чиқиб кетган. Намданакда бозор якшанба куни бўлиб, ёз ойларида жуда гавжум бўлган⁴⁷³.

Хонликда шакланган бозор инфратузилмасининг қисмларидан бири карvonсаройлар ҳисобланган. Улар турли ҳудудлардан келган савдогарларнинг яшами, юк ва уловларини сақлаши учун маҳсус курилган иншоотлар эди. Карvonсаройларда савдогарларнинг яшашидан ташқари ундаги дўконларда савдо қилиш имконияти ҳам мавжуд бўлган. Шунингдек, йўл бўйида жойлашган шаҳар ва қишлоқлардаги карvonсаройларда сув заҳираси ҳам мавжуд бўлган. Хонликдаги карvonсаройлар савдо дўконлари каби ҳукмдорларга, хусусий шахсларга ва диний муассасаларга қарашли бўлган.

Хонлик пойтахти Кўқонда кўплаб карvonсаройлар мавжуд бўлган. В.В.Вельяминов-Зернов, XIX аср ўрталарида Кўқонда 9 та карvonсарой борлиги ҳақида маълумот берган⁴⁷⁴ бўлса, XIX аср 70-йилларида пойтахтда бўлган А.П.Хорошхин, шаҳарда 10 та карvonсарой бор ва уларнинг бири Закотсаройда рус савдогарлари, яна бирида пахта билан савдо қилувчи савдогарлар туради⁴⁷⁵, деб маълумот қолдирган. Шунингдек, номаълум муаллиф маълумотларига кўра, XIX аср 70-йилларида Кўқонда 15 та катта ва бир нечта кичик карvonсарой ишлаб турган⁴⁷⁶.

⁴⁷³ Очерки Курманского уезда // Туркестанские ведомости. 1875. – №47.

⁴⁷⁴ Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известие о Коканском ханстве... – С. 111.

⁴⁷⁵ Хорошхин А. П. Сборник касающихся по Туркестанскаго края. – СПб., 1876. – С. 40 – 41.

⁴⁷⁶ Коканское ханство по новейшим известиям // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 34.

Хонлиқда ўзининг карвонсаройлари билан машхур шаҳарлардан бири Тошкент эди. Шаҳарнинг Ўрта Осиё иқтисодий ҳаётидаги ўрни ўсиб бориши билан ундаги карвонсаройлар сони ҳам ортиб борган. XIX аср 30- йилларида хонлиқда бўлган казак Максимов маълумотларига кўра, бу даврда Тошкентда 12 та икки қаватли – Урганжсарой, Қизилбошсарой (Форс сарой), Ўрассарой, Нўғайсарой, Қашқарсарой ва бошқа карвонсаройлар мавжуд бўлган. Бу карвонсаройларнинг 4 тасида маҳаллий, 2 тасида рус, 2 тасида қашқарлик, 2 тасида бухоролик савдогарлар тўхтаган⁴⁷⁷. 1852 йил баҳорида Тошкентда бўлган рус савдогари С.Я.Ключаров, шаҳарда 15 та карвонсарой борлигини кўрсатган⁴⁷⁸ бўлса, А.Н.Тетеревников XIX асрнинг 60- йилларида 16 та карвонсарой борлигини ёзган ва уларни санаб ўтган⁴⁷⁹. Шунингдек, XIX асрнинг 70-йилларида Тошкентда бўлган А.П.Хорошхин ҳам шаҳар бозорида 29 та карвонсаройни номма-ном кўрсатиб ўтган⁴⁸⁰.

Тошкентда йирик карвонсаройлар марказий бозор атрофида жойлашган ва П.И.Пашино шаҳардаги 18 та карвонсарой ва уларнинг йиллик даромадини қўйидагича келтирган: 1. Сайд Азимбой – 400.000 руб., 2. Ширин Ҳожа Раис – 400.000 руб., 3. Хиштин – 280.000 руб., 4. Исабек (Исохўжа қози) – 200.000 руб., 5. Дастанхончи – 160.000 руб., 6. Исабек (Исохўжа қози) – 160.000 руб., 7. Абдурасул – 160.000 руб., 8. Закот – 150.000 руб., 9. Номсиз – 150.000 руб., 10. Раис 1 – 120.000 руб., 11. Раис 2 – 80.000 руб., 12. Марғилон – 80.000 руб., 13. Мулла Солиҳ (Солиҳбек доддоҳ) – 60.000 руб., 14. Наманганд – 40.000 руб., 15. И smoилжон – 28.000 руб., 16. Йўлбарсхон – 5000 руб., 17. Маҳрамбоши – 80.000 руб., 18. Маиз – 32.000 рубллик⁴⁸¹.

Тошкент асосий бозоридаги Сайд Азимбой карвонсаройида – россиялик ва ҳинд, Нурмуҳаммад күшбегида – россиялик ва

⁴⁷⁷ Показание сибирского казака Максимова о Коканском владении... – С. 117.

⁴⁷⁸ Вельяминов-Зернов В. В. Исторические известие о Коканском ханстве... – С. 37

⁴⁷⁹ Тетеревников А. Н. Очерк внутренной торговли Киргизской степи... – С. 39.

⁴⁸⁰ Хорошхин А. П. Сборник касающихся Туркестанского края... – С. 92.

⁴⁸¹ Пашино П. И. Туркестанский край в 1866 году. – СПб., 1868. – С. 131.

гулжалик, Бекларбеги номли 3 та карвонсаройда марғилонлик ва ҳинд, Исабекда –тошкентлик ва самарқандлик, Махрамбошида – кўқонлик, Шоҳбекда – тошкентлик ва кўқонлик, Дастурхончида – тошкентлик ва кўқонлик, Абдурасулда – тошкентлик ва бухоролик, Наманганда – наманганлик, Ширин Хожа Раисда – ҳинд, Мулла Абдул Муталлифда эса қозоқ савдогарлари тўхтаганлар ва савдо қилганлар⁴⁸². Шунингдек, Ўрда бозори жойлашган Қашқар дарвозаси олдида ҳам 4 та карвонсарой – Қорабойвачча, Хожисарой, Гойиб Назар, Абдураҳмон Нўғай карвонсаройлари мавжуд бўлган⁴⁸³.

Хонликнинг иқтисодий марказларидан бўлган Наманганинг марказидаги катта бозорда Беги, Дебгиз ва Мавлави номли 3 та карвонсарой фолият кўрсатган ва Дегбиз карвонсаройи икки қаватли бўлган. Наманган карвонсаройлари пишиқ ғиштдан курилган ва тўртбурчак шаклида бўлиб, ичкарига битта дарвоза орқали кирилган. Карвонсаройлар марказида маҳсус майдон бўлган ва савдо карвонлари юклари шу майдонга туширилган. Карвонсарой деворлари ёнида айвонли савдо дўконлари жойлашган бўлиб, айвонлар дўконларни ёғингарчиликдан ҳимоя қилган бўлса, икки қаватли карвонсаройларнинг иккинчи қавати айвон вазифасини бажарган. Мавлави карвонсаройи шаҳардаги энг йирик карвонсарой бўлиб, унда 30–40 атрофида савдо дўкони мавжуд бўлган⁴⁸⁴.

Россия истилоси арафасида хонликнинг йирик иқтисодий маркази Марғилон марказий бозорида 8 та карвонсарой бўлган ва уларнинг 2 таси ҳинд савдогарларига тегишли бўлган. Марғилон карвонсаройлари чиройли ва савдогарлар учун курайлиги билан ажralиб турган⁴⁸⁵. XIX аср 60-йиллари ўртасида Хўжандда 5 та карвонсарой бўлган⁴⁸⁶. Улардан 4 таси маҳаллий, 1 таси ҳинд ва яхудий савдогарларига тегишли ҳисобланган⁴⁸⁷.

⁴⁸² Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 44.

⁴⁸³ Рузиева М. Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси. – Т., 1984. – Б. 28.

⁴⁸⁴ Михайлов М. Наманган // Туркестанский сборник. Том XVI. 1867. – С. 69.

⁴⁸⁵ От Марғилана до Ош // Туркестанские ведомости. 1882. – № 45.

⁴⁸⁶ Турсунов Н. О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана в XVIII – начале XIX вв. – Душанбе, 1991. – С. 91.

⁴⁸⁷ Костенко Л. Туркестанский край. Том I. – СПб., 1880. – С. 448.

Кўқон хонлигининг муҳим транзит шаҳри ҳисобланган Туркистонда XIX аср 60-йилларида тўртта карвонсарой бўлиб, уларнинг иккитасини шаҳар ҳокими Мирзабий курдирган. Туркистон карвонсаройларида 106 та дўкон мавжуд бўлган⁴⁸⁸. Россия империяси истилоси арафасида Чимкентда ҳам иккита карвонсарой мавжуд бўлиб, уларнинг бири хусусий, бирини Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад⁴⁸⁹ курдирган. Мирзо Аҳмад карвонсаройида 24 та, иккинчи карвонсаройда 8 та дўкон мавжуд бўлган. Мирзо Аҳмад карвонсаройи тўрт бурчак шаклида бўлган ва карвонсарой деворлари остида савдо дўконлари жойлашган⁴⁹⁰.

Хонлик ҳудудидан ўтган муҳим карвон йўлларидаги манзилгоҳларда ва йўл бўйидаги қишлоқларда ҳам карвонсаройлар фолият кўрсатган ва улар савдо алоқаларининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган. Йирик иқтисодий марказ Тошкентга турли ҳудудлардан келувчи йўллардаги манзилгоҳларда савдо карвонлари учун маҳсус карвонсаройлар мавжуд бўлган. Хусусан, Фарғона водийси – Тошкент карвон йўлида жойлашган Ниёзбек қўргонида дўконлар, чойхона ва иккита карвонсарой⁴⁹¹, Чинозда тўртта карвонсарой бўлган ва уларнинг иккитасида ичимлик суви заҳираси мавжуд бўлган. Шунингдек, Тошкент – қозоқ даштлари – Россия карвон йўлида жойлашган Чимкентдан 10 верст узоқликдаги Оқтош қишлоғида Тошкент бекларбегиси томонидан курилган ва унинг номи билан аталган битта карвонсарой мавжуд бўлган⁴⁹².

Савдогарлар карвонсаройларда яшашдан ташқари савдо қилиш имкониятига ҳам эга бўлганлар. Одатда, хонлик карвонсаройларнинг ҳар бирида 12–35 тагача дўкон мавжуд бўлган ва уларда асосан улгуржи савдо амалга оширилган. Савдогарлар карвонсарой дўконларини ижарага олганлар ва маълум миқдорда

⁴⁸⁸ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 292.

⁴⁸⁹ Изоҳ: Мирзо Аҳмад 1854 – 1858 йилларда ва 1864 август – декабрь ойларида Тошкент ҳокими бўлган.

⁴⁹⁰ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 372.

⁴⁹¹ Турсунов Н. О. Развитие городских и сельских поселений северного Таджикистана... – С. 361.

⁴⁹² Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве – С. 425, 511–512.

ижара ҳақи тұлғанлар. Хусусан, XIX асрға оид маълумотларга күра, Кўқон ва Тошкент карвонсаройларида яратилған шароит ва карвонсаройнинг нуфузига қараб савдогарлар бошқарувчига дўкон ижараси учун йилига 3–5 тилло тұлған бўлса, Туркистондаги Мирзо Аҳмад карвонсаройидаги дўконлар учун ойига 1 руб. дан ижара ҳақи берилган⁴⁹³.

Карвонсаройларда тұя ва отларни сақлаш учун учун ҳам махсус жойлар мавжуд бўлған ва уларга озиқ-овқат карвонсарой ҳисобидан берилган. XIX аср ўрталарида савдогарлар Кўқон, Тошкент, Туркистон карвонсаройларида тұя ва от учун 5 коп. дан жой ҳақи тўланган⁴⁹⁴.

Хонлик бозорларида аҳолининг ҳордиги учун бир қатор имкониятлар мавжуд эди. Улар жумласига чойхона, ҳаммом, сартарошхона ва бошқа жамоатчилик иншоатларини киритиш мумкін. Кўқон хонлиги бозорлари чойхоналари билан ҳам машхур бўлган. Хонликнинг Кўқон, Тошкент, Наманган, Марғилон, Хўжанд ва бошқа йирик шаҳарларида ўнлаб чойхоналар фаолият юритган. Хусусан, Россия истилоси арафасида биргина Марғилон бозорида 35 та чойхона мавжуд бўлган. Шунингдек, XIX аср ўрталарида Хўжанд бозорида кўплаб чойхоналар орасида Юнусбай исмли савдогар курган чойхона таниқли бўлган⁴⁹⁵.

Кўқон хонлиги бозорларида керакли шароитлар яратилған кўплаб ҳаммомлар ишлаб турган. Хонлик бозорларидағи ҳаммомлар озодалиги ва хизмат кўрсатиш сифати билан машхур бўлган. Ҳаммомларда бир нечта кичик гумбазларда иссиқ ва совук сув, либосхона, дам олиш хонаси, қудук, меҳмонхона, ошхона ва ўргада ювениш хонаси бўлган. В.В.Вельяминов-Зерновнинг ёзишича, XIX аср ўрталарида Кўконда бта, Тошкентда 11 ҳаммом⁴⁹⁶ бўлса, Россия истилоси арафасида Марғилонда 7 та ҳаммом, 38 та сарторошхона ишлаб турган⁴⁹⁷. А. П. Хорошхиннинг ёзишича,

⁴⁹³ Тетеревников А. Н. Очерк внутренней торговли Киргизской степи... – С. 42.

⁴⁹⁴ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 518.

⁴⁹⁵ Турсунов Н. О. Сложение и пути развития городского и сельского населения... – С. 66 – 67.

⁴⁹⁶ Вельяминов-Зернов В. В. Торговое значение Коканского ханства для русских... – С. 39.

⁴⁹⁷ От Марғилана до Ош // Туркестанские ведомости. 1882. – № 45.

Тошкентдаги Чорсу бозорида 6 та – Мұхаммад Карим халифа, Нормұхаммад қүшбеги, Дастурхончи, Мұхаммад Сайдбай, Бўрихўжа, Юсуфбой ҳаммолари мавжуд бўлган ва уларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида 200 та кишига хизмат кўрсатиши мумкин бўлган⁴⁹⁸. XIX аср 50-йилларида Хўжанд бозорида 2 та йирик ҳаммом бўлиб, улар орасида Шамсибой исмли саводогар томонидан қурдирилган “Ҳаммоми Шамсибой” номи билан аталувчи ҳаммом машҳур бўлган ва у Хўжанддаги энг катта ҳаммом ҳисобланган⁴⁹⁹.

Кўқон хонлигидаги йирик бозорлар расталарга бўлинган бўлиб, ҳар бир растанинг ўз оқсоқоли бўлган. Оқсоқол ўз растасини ёрдамчиси билан биргаликда назорат қилган ва растадаги ҳар бир дўкондан 2 танга ва ундан кўпроқ ўз ҳисобига пул олган. Тунлари ҳам расталар хавфсизлиги учун оқсоқол жавобгар бўлган ва унинг учун ҳам ойига ҳар бир дўкондан 10 коп. дан пул йиққан⁵⁰⁰.

Кўқон хонлиги бозорларидағи олди-сотди жараёни бир маромда давом этиши ва тозалик, тартиб-интизомнинг жойида бўлишида давлат амалдори – раисларнинг ўрни катта бўлган. Раис хонлик шаҳарларида баъзан қози раис деб ҳам аталган. Бу лавозимга хулқ-автори яхши, шариат илмининг чуқур билимдони ҳамда аҳоли ўртасида катта хурматга эга бўлган кишилар тайинланган. Бу вазифага баъзан қозилар ҳам тайинланган бўлиб, шунинг учун ҳам қози раис деб аталган. Хонликнинг йирик шаҳарларида биттадан, кичик шаҳар ва кишлекларнинг бир нечтасида битта раис бўлган. Ҳусусан, Тошкент ва Кўқонда ҳам Россия истилосига қадар биттадан раис бўлган. Раис диний маросимларни назорат қилиши билан бирга, дўкон, савдо расталари ва бозорларда савдо-сотик жараёнини назорат қилган. У бозор кунлари ўзининг халфа деб аталадиган 10 дан ортиқ ёрдамчиси билан бозор айланган. Раис тартиббузарликнинг

⁴⁹⁸ Хорошхин А. П. Сборник касающихся по Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 92.

⁴⁹⁹ Турсунов Н. О. Сложение и пути развития городского и сельского населения... – С. 66 – 67.

⁵⁰⁰ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 521.

олдини олган, тарозиларни түғри ишлаётганини ва ҳатто хунармандлар томонидан тайёрланган буюмлар сифатини ҳам текширган. Шунингдек, спиртли ичимликлар савдосига қарши курашган. Раис кўча, ариқ ва бозор майдонларининг тозалигига ҳам жавобгар бўлган. Бозордаги нарх-наводан, савдогарлардан ва тарозидан норози харидорлар арзларини эшитган ҳамда айбдорларни жазолаган. Жазо икки усулда амалга оширилган бўлиб, биринчисида айбдорга 3 тадан 39 тагача қамчи билан урилган бўлса, иккинчисида бозор ва шаҳар кўчаларида сазойи қилинган. Раиснинг хукми хонликдаги оддий фуқаролардан тортиб, амалдор ва хорижликлар учун ҳам қатъий эди⁵⁰¹.

Қадимдан Ўрта Осиёда савдо-сотиқ амалга ошириладиган жой сифатида бозорлар муҳим аҳамият касб этган. Мамлакат иқтисодиётида бозор ва унда амалга оширилган савдо катта даромад манбаи ҳисобланган. Сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланиб олган хонликда бозор ва савдо иншоотлари – карвонсаройлар, савдо расталари ва дўконлар куриш, мамлакатда савдони ривожлантириш¹ учун кўплаб ижобий ишлар изчил амалга оширилган. Натижада хонликнинг шаҳар ва қишлоқларида бозор, дўкон ва карвонсаройлар қурилган, мавжудлари кенгайтирилган, бозорлар фаолияти тартибга солинган. Хонликдаги бозор ва карвонсаройлар фаолиятини яхшилаш, бозорлардаги тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, солиқларни назорат қилиш мақсадида ҳукмдорлар томонидан маҳсус давлат амалдорлари белгиланган. Шунингдек, бозорларда чойхона, ҳаммом, сартарошхоналар мавжуд бўлиб, аҳоли бу ерга нафақат савдо қилиши, балки маданий хордик чиқариши учун ҳам келган. Натижада XIX аср биринчи ярмида Кўқон хонлиги бозорлари меъморчилиги, ташкилий ишларнинг яхши йўлга кўйилганлиги, озодалиги, тўкинлиги ва савдогарлар учун яратилган шароитлар бўйича Ўрта Осиёда катта мавқега эга бўлган.

⁵⁰¹ Гаффаров Абдул Саттархан. Краткий очерк внутреннего состояния Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Туркестанские ведомости. 1892. – № 26,

БОЖХОНА ИШИ ВА САВДО СОЛИҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Савдо муносабатлари ривожида бож ва солиқлар мухим аҳамият касб этган. Ўрта Осиёning бошқадавлатлари хукмдорлари каби Кўқон хонлиги хукмдорлари ҳам савдо божларидан тушадиган даромадни инобатга олиб, солиқ тизимини тартибга солишга ва уни ўз назорати остида сақлаб туришга харакат килган. Натижада хонлик худудида божхона ишлари аста-секин такомиллашиб борган. XIX аср бошларидан хонлик марказий ҳокимияти мустаҳкамланиши бож тизимиning такомиллашувига ҳам олиб келган.

Кўқон хонлигидаги ўзига хос солиқлар тизими мавжуд бўлиб, солиқлар иқтисодиётнинг асосий таянчи ҳисобланган. Хонликда божхона иши ва савдо солиқлари ислом дини аҳкомларига асосланган ҳолда амалга оширилган. Хон хазинасига тушадиган даромаднинг асосий кисми савдо соҳасидаги солиқлардан иборат бўлган. Кўқон хонлигидаги солиқлар тизими қўшни хонликларники билан деярли бир хил эди.

Хонлик худудига қўшни мамлакатлардан кириб келаётган карвонни чегарада божхона ходимлари кутиб олган. Улар карвон юкларини савдогарлар кўрсатмасига кўра рўйхатдан ўтказганлар. Давлат амалдори – закотчи карвондаги савдогар шахси, мамлакати, туялар (ёки от ва аравалар) сони, юк миқдори, тури ва бошқаларни рўйхатга олиб, йўлдаги дастлабки шаҳар ҳокими номига хабарнома юборган. Чегара худудларидаги божхона бош назоратчиси, яъни закотчи хон ёки бек томонидан тайинланган, унинг ёнида эса божхона мавқеига қараб 5–6 та ёрдамчиси бўлган. Чегара божхонасидан ўтган карвон ўзлари келган дастлабки шаҳар дарвозаси олдида тўхтаган ва шаҳар закотчисига хабар юборган. Закотчи ўз ёрдамчилари билан келиб, карвонни текширув майдонига олиб келган ва божхона юборган рўйхатда кўрсатилган маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текширган. Шунингдек, мамлакат худудига таъқиқланган маҳсулотлар олиб келинмаётганлигига ишонч ҳосил

қилингандан сўнг, хонликда белгиланган тартибда мусулмон савдогарлардан умумий молнинг 2,5 фоизи миқдорида, мусулмон бўлмаган савдогарлардан эса 5 фоизи миқдорида бож олинган⁵⁰². Амалдаги божхона тартибларига кўра, карвонлардаги юкли тиява аравалардан 20 коп., отлардан 10 коп. миқдорида алоҳида бож йиғилган⁵⁰³. Барча бож ишлари ниҳоясига етганидан сўнг, масъул закотчи савдогарга бож тўлангани тўғрисида ёрлиқ ёзиб берган ва савдогар бошқа бож тўламасдан, бир йил давомида, хонлик ҳудудида эркин савдо қилиш хукуқини қўлга кирилган. Агар савдогар даромади ошиб, қўшимча мол келтирса, унга алоҳида бож тўлаган. Шунингдек, баъзи ҳолатларда савдогарлар 6 ой давомида кўрсатилган миқдоридаги молини сота олмаса, қайтадан қирқдан бир фоиз миқдорида солиқ тўлашга мажбур бўлган.

Хонлик божхоналарида 20 тиллодан кам бўлмаган олтин ва кумуш пуллардан ҳам шу ҳисобда бож олинган. Агар савдогар пулни яширишга ҳаракат қиласа, божхона уни мусодара қилиши мумкин эди⁵⁰⁴.

Кўён хонлиги шаҳарларидан чиқиб кетаётган карвоннинг карвонбошиси дастлаб закотчига хабар берган. Закотчи ўз ёрдамчисини карвонсаройга юбориб, карвондаги туялар (ёки от ва аравалар) сони, юқ миқдори, тури ва нархини аниқлаган ҳамда белгиланган миқдорда закот ундирган. Хусусан, Худоёрхон даврида Россияга олиб кетилаётган ҳар бир туядаги пахтадан 1 руб. 90 коп. миқдорида бож олинган бўлиб, битта туяда ўртача 16 пуд пахта бўлган⁵⁰⁵. Шунингдек, закотчи ҳар бир юкли туядан ёрлиқ ёзиб бергани учун бир кумуш тангадан ҳақ олган. Божни тўлаган савдогар бошқа бож тўламасдан хонлик ҳудудида савдо қилиши мумкин эди. Бироқ, қўшни мамлакат ҳудудига ўтмоқчи

⁵⁰² Янжут И. Исторический очерк русской торговли с Средней Азией // Туркестанский сборник. Том 375. 1883. – С. 99 – 100.

⁵⁰³ ЎзР МДА, И. 336-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 7-варақнинг орқаси, 8-варақ.

⁵⁰⁴ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 488 – 490.

⁵⁰⁵ Петровский Н. Очерки Коканского ханства // Сборник материалов в русском Туркестане и странах Средней Азии. – Т., 1871. – С. 110.

бўлса, ўша давлатда қайтадан бож тўлашига тўғри келган⁵⁰⁶. Хонликнинг йирик шаҳарларида божхона маҳсус закотсаройда жойлашган ва унда давлат амалдори – закотчи турган.

Хонликдан кўшни мамлакатларга савдо мақсадида борган савдогарлар ўша давлат қонунлари бўйича турли миқдорда солиқ тўлаганлар. Баъзи мамлакатларда хорижлик савдогарлар учун белгиланган савдо божларининг юқорилиги савдо алоқаларининг ривожига салбий таъсир кўрсатган. Хусусан, XIX аср 60-йилларида Кўкон хонлигининг йирик савдогарларидан тошкентлик Хожи Юнусовнинг маълумотларига кўра, Хиндистондан Қандаҳор орқали Бухорага келгунга қадар савдо карвони йўлда 18 марта бож тўлаган. Афғонистон шаҳарларининг кўпида савдо карвонларидан 2,5 фоиз эмас, 20 фоиз миқдорида бож олинган. Кўшни мамлакатлардан Ўрта Осиё хонликларида тижорат ишларини йўлга кўймоқчи бўлган савдогарлар бу мамлакатларда савдо молларидан бож олишда савдогарлар динига зътибор берилишини инобатга олганлар. Хусусан, россиялик савдогарлар ўзларига гумашта қилиб татарларни ёллаганлар ва Ўрта Осиёга савдо мақсадида юборганлар.

Кўкон хонлиги ташкил топган дастлаб йилларда унинг асосий божхоналари Ўш ва Хўжандда жойлашган эди. Кейинчалик хонлик ҳудуди кенгайиб борган сари чегара ҳудудларида жойлашган божхоналар сони ҳам кўпайиб борган. Тошкент ва унинг атрофидаги бир нечта шаҳарлар хонликка қўшиб олинганидан сўнг савдо божларидан хон хазинасига тушадиган даромад миқдори ҳам кескин ошган. Аҳамияти юқорилиги сабабли Тошкент вилояти божхоналарига закотчи хон ёки бек томонидан тайинланган. Хонликда закотчилар кўпроқ ҳарбий кишилар ва савдогарлардан кўйилган⁵⁰⁷.

Тарихчи Абу Убайдуллоҳ Тошкандий маълумотларига кўра, XIX аср бошларида Тошкент ҳокими Лашкардевонбеги даврида ҳокимнинг 2 нафар закотчи девонбегиси бўлган. Улардан Ҳаким-

⁵⁰⁶ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 2940-иш, 64-варақ.

⁵⁰⁷ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 486, 489.

девонбеги Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам худудларидан, Худойберди девонбеги эса вилоятнинг бошқа худудларидан оли-надиган закот солиқларини, хусусан савдо божларини назорат қилган⁵⁰⁸.

В.В.Вельяминов-Зернов маълумотларига кўра, Россиядан келаётган карвонни Туркистон божхонасида Тошкент ҳокими томонидан қўйилган закотчи 5–6 та ёрдамчиси билан кутиб олган⁵⁰⁹. Туркистон божхонаси орқали бир йилда Ўрта Осиёга ўртача 20000 дан ортиқ туюда мол кириб келган. Авлиёота, Сайрам, Чимкент шаҳарларига ҳам закотчи хонликнинг турли шаҳарларидан, кўпроқ Тошкентдан келган. Тошкентнинг ўзида шаҳарга кириб келаётган карвоиларни назорат қилиш учун З та закотчи бўлган. Улардан бирининг божхонаси Қоплонбекда, иккинчисиники Чирчик дарёси бўйида, учинчисиники эса Чинозда эди. Тошкент вилояти божхоналарида закотчининг иккита мирзаси ва 4–5 атрофида соқчиси бўлган. Мирзаларнинг бири чорва молларини, иккинчиси савдо карвоиларини рўйхатдан ўтказган. Соқчилар эса тартиб ва закотчиларнинг хавфсизлигини таъминлаган. Шунингдек, Тошкентда икки закотчи доимо қўй бозорида турган⁵¹⁰. Бош закотчи эса Тошкентнинг ўзида – закот карвонсаройда турар эди. XIX асрда Тошкентнинг Қорасарой дарвозаси яқинида шаҳардаги энг катта божхона бўлган⁵¹¹.

Бухоро ва Хива хонликлари, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳамда бошқа худудлардан Кўқонга келган савдогарлар Хўжанд божхонасида бож тўлаганлар.

Кўқон хонлигининг ташқи савдо алоқаларида Ўш божхонаси ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бу божхонада Қашқар, Хитой, Шимолий Ҳиндистон ва тоғли бекликлардан келган савдо карвоиларидан бож олинган. Ўш божхонасида битта закотчи ва

⁵⁰⁸ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асари. – Т., 2007. – Б. 111.

⁵⁰⁹ Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Коканском ханстве ... – С. 127.

⁵¹⁰ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве ... – С. 294, 487.

⁵¹¹ Шарипова М. Ф. Тошкентнинг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошваридаги ижтимоий-сиёсий аҳволи: Тарих фан. номз... дисс. – Т., 2004. – Б. 45.

битта мирза бўлиб, Ўш вилоятида учта божхона пости бўлган. Улардан биринчиси Ойтал деб аталиб, унда битта мирза ва тўртга соқчи бор эди. Бу божхона пости Суюқ, Саваярди, Ойбала, Куманчи тоғ довон йўлларидан келадиган савдо карвонларини назорат қилган. Иккинчиси Сўфи Кўргон деб аталиб, унда битта мирза ва иккита соқчи турган. Бу божхона пости машҳур Терақдовон йўлидаги карвонларни назорат қилган. Учинчи божхона пости Оқбура – Орол йўналишида бўлиб, унда битта мирза икки соқчи билан турган. Бу пост Життиқ, Сари-Магол, Киндик ва кичик Олой тоғ довонларидан келадиган карвонларни назорат қилган.

Андижон божхонасида битта закотчи ва иккита мирза бўлиб, бу вилоятда қуидаги божхона постлари мавжуд эди: Чангиртош тоғ довони йўлидаги божхона постида учта соқчи, Ясси тоғ довони йўлидаги божхона постида иккита соқчи, Шильбелли тоғ довони йўлидаги божхона постида иккита соқчи, Кўгарт тоғ довони йўлидаги божхона постида иккита соқчи, Қарамас тоғ довони йўлидаги божхона постида иккита соқчи турган⁵¹². Бу божхона постлари асосан тоғли бекликлар ва қирғиз карвонлари келадиган йўлларда жойлашган эди. Шунингдек, Андижон шаҳрида карвон юкларини кўздан кечиравчи марказ ҳам бўлиб, у ерда асосан тоғли бекликлардан келган моллар текширувдан ўтказилган⁵¹³.

Марғилон божхонасида битта закотчи, иккита мирза ва бешта соқчи савдо божларини назорат қилган бўлса, Наманган божхонасида битта закотчи ва битта мирза фаолият кўрсатган. Наманган вилоятига тегишли Тўқмоқ – Кетмонтепа, Наманган – Авлиёота карвон йўлларида божхона постлари бўлиб, уларнинг ҳар бирида иккитадан соқчи бўлган. Шунингдек, Чуст божхонасида битта закотчи, битта мирза ва иккита соқчи бўлиб, Қамишқўргонда ҳам иккита соқчидан иборат божхона пости мавжуд эди. Шунингдек, Авлиёотадан қўйларни яширинча йўллар билан ҳайдаб келинишининг олдини олиш мақсадида

⁵¹² Ўз Р МДА, И. 1-фонд, 14-рўйхат, 242-иц, 11-варажнинг орқаси, 12-варак.

⁵¹³ Кун А. Очерк Кокандского ханство... – С. 68.

Имомота, Сумсар, Оқтошда иккита соқчидан иборат божхона постлари турган.

Кўқон шаҳри божхонасида битта бош закотчи ва йигирма бир соқчидан иборат маҳсус гуруҳ бўлиб, соқчиларнинг ўн еттитаси шаҳар дарвозалари олдида фаолият кўрсатган ва пойтахтга келган карвонлар ҳақида закотсаройга хабар берилган. Савдо карвонларига закотсаройда патта ёзib берилган ва савдогар бозорда бемалол савдо билан шуғулланиши мумкин бўлган. Шунингдек, Исфарада ҳам бир божхона пости мавжуд бўлиб, бу пост тоғли йўллардан келаётган карвонларни назорат қилган. Чимён божхона постида битта закотчи, битта мирза, учта соқчи бўлган. XIX аср 70- йилларида божхоналардаги ҳар бир соқчи ойига 9 руб. маош олган⁵¹⁴.

Россия истилоси арафасида йилига хонлик хазинасига Кўқон божхонаси 21273 руб. 44 коп., Андижон божхонаси 14814 руб., 87 коп., Марғилон божхонаси 1388 руб. 40 коп., Наманган божхонаси 16041 руб. 50 коп., Чуст божхонаси 1290 руб. 42 коп., Ўш божхонаси 6267 руб. 75 коп. даромад келтирган⁵¹⁵.

Кўқон хонлигининг Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиёта, Хўжанд шаҳарлари рус қўшинлари томонидан истило қилинганидан сўнг божхоналар камайиб, бу соҳада жиддий ўзгаришлар юз берган. Хусусан, Бухоро – Кўқон, Тошкент – Кўқон карвон йўлидаги карвонлардан Маҳрам, Чилмаҳрам, Оқжар ва Қароқчиум қишлоғида ташкил этилган божхоналарда бож олинган. Чунки бу йўл жуда гавжум бўлиб, бир божхона камлик қилган. Натижада, XIX аср 70-йилларида Чилмаҳрамнинг ўзи бир йилда 1000 тилло савдо божини хон хазинасига юбориб турган⁵¹⁷.

Хонлик бозорларига олиб келинган моллар тури, миқдори, нархи ва тўланиши керак бўлган солиқ миқдори ўз вақтида

⁵¹⁴ ЎзР МДА, И. I-фонд, 14-рўйхат, 242-иш, 12-варақ ва орқаси, 13-варақ ва орқаси.

⁵¹⁵ ЎзР МДА, И. I-фонд, 14-рўйхат, 242-иш, 40-варақ.

⁵¹⁶ ЎзР МДА, И. I-фонд, 14-рўйхат, 242-иш, 15-варақ ва орқаси, 40-варақ.

⁵¹⁷ Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся по Туркестанского края... – С. 35.

закогхона вакили томонидан расмийлаштирилиб борилган ва ниҳоясида ҳукмдорнинг шу соҳа бўйича вакилига ҳисобот топширилган⁵¹⁸. Ўша давр тарихига оид архив маълумотларида Кўқон бозорида савдогар Мир Нематнинг моллари рўйхати, нархи ва тўланилиши керак бўлган закот миқдори кўрсатиб кўйилган⁵¹⁹.

Хонликдаги сиёсий вазиятга қараб олинадиган савдо солиқлари миқдори ва турлари ўзгариб турган. Хазинага тушадиган даромад кескин камайиб кетганидан сўнг 1874 йил 10 июнда Худоёрхон кўшимича солиқ турларини жорий қилган. Унга кўра, чорва бозорларида сотилаётган қорамол ва от учун бир танга, тия учун икки танга, кўй учун ярим танга, авваллари фойдаланиш текин бўлган қамиш ёки шох-шаббанинг бир аравасидан шаҳар дарвозаси олдида ярим танга, бозордаги бир ўрин учун бир тангадан солиқ олинган. Шунингдек, Кўқон шаҳрига келтирилаётган маҳсулотларнинг ўндан бир қисми миқдорида, товар сотилаётганда 5 фоиз миқдорида солиқ олинган. Хусусан, ипак ва пахтанинг туясидан 10 танга, чакана буюмларнинг киймати ва турига қараб – оёқ кийимларнинг бир жуфти учун 2 копеекдан 10 копеекгача, бир чорак дон сотилаётганда 2 коп., бир арава мева ва полиз маҳсулотларидан 1–3 танга, сут ва ёғнинг бир косасидан 1 коп., ёввойи ўрдак, ғознинг иккитасидан бири, уй паррандасининг ҳар биридан 1 коп., тухумнинг 100 тасидан 1 танга миқдорида солиқ олинган⁵²⁰.

Хонлик бозорларида вазнига қараб сотиладиган маҳсулотлардан тарози пули олинган бўлиб, ундан давлат хазинаси катта даромад олган. XIX аср 70-йилларида бозорга келтирилган ғалла ва дехқончилик маҳсулотларининг бир аравасидан 20 коп.дан тарози пули олинган. Бир арава 8 чорак, яъни 32 пуд юкни сифдира олган бўлиб, бир чорақ юкга 2,5 руб.дан тарози пули тўғри келган. Шунингдек, бозорда бир пуд ипак ва пилладан 10 коп., бир тия пахтадан 40 коп., майиз бозорида чорак оғирликдаги маҳсулот

⁵¹⁸ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 1995-иш, 1-варак.

⁵¹⁹ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 1997-иш, 1-варак.

⁵²⁰ ЎзР МДА, И. 715-варак, 1-рўйхат, 60-иш, 195-варак.

учун 5 коп. дан торози пули олинган. Худоёрхоннинг сўнгги хукмронлик даврида (1865–1875) хонлик хазинаси Кўқондаги дежқончилик маҳсулотлари ва ғалла бозоридан ҳафтасига 580–600 танга, ипак ва пилла бозоридан йилига 1350 тилло, Кўқон атрофида жойлашган қишлоқлардаги ипак ва пилла бозорларидан 700 тилло, пахта бозоридан 5000 руб., Бешариқ ва Конибодомдаги пахта саройидан 350 тилло, ўсимлик мойи бозоридан 1200 тилло, беда, пичан, ёғоч, ўтин, похол, қовун ва узум бозорларидан 800 тилло даромад қилган. Бу даврда Кўқон бозоридаги савдо соликлари ва тарози пулларидан йилига 26700 тилло даромад хон хазинасига келиб тушган⁵²¹.

Хукмдорларга тегишли ва вақф мулки ҳисобланган савдо дўқонларидан солик олинмаган. Дўқонларнинг катта қисми давлат ҳукмдорлари ва амалдорларга қарашли бўлиб, улар савдогарларга ижарага берилган. Хусусан, хонлик шаҳарларидан бирида (номи кўрсатилмаган) ипак маҳсулотлари сотувчи дўқонлар ижарасидан Мулла Ҳамидхўжабой ва Мулла Охун йилига 1000 тилло хон хазинасига юбёриб турганлар. Кўқондаги Эшон Аминга тегишли сарой ва унинг дўқонлари ижара ҳқақидан 875 тилло, мануфактура маҳсулотлари сотувчи дўқонлар ва эски бозор раастаси ижара ҳқақидан 1300 тилло йилига хон хазинасига даромад келтирган⁵²². Шунингдек, Кўқон бозоридаги қовун, ўтин, ёғоч бозорларидан йилига 600 тилло ижара ҳқақи олинган⁵²³. Худоёрхон 1872 йил тижорат соҳасидан 30.018 тилло даромад қилган ва бу даромадининг катта қисми савдо дўқонларининг ижарасидан бўлган⁵²⁴. Хонликнинг йирик шаҳарларида Худоёрхонга тегишли бўлган дўқонлар кўп бўлган ва хон улардан ҳам катта даромад олган.

Хонлик бозорларида харидор ва сотувчи ўртасидаги келишувда даллолнинг ўрни катта бўлган. Даллоллар асосан

⁵²¹ Пантусов Н. Податные сборы в г. Кокане // Туркестанские ведомости. 1876. – № 13.

⁵²² Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства... – С. 123.

⁵²³ Пантусов Н. Податные сборы в г. Кокане // Туркестанские ведомости. 1876. – № 13

⁵²⁴ ЎзР МДА, И. 276-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 1-варак.

чорва бозорларидаги савдо-сотикда ва карвоңсарайлардаги ултүржи савдода мұхим роль йүнаган. Кейинчалик бошқа турдаги бозорларда ҳам даллоллар хизматидан фойдаланиш бошланган. Ҳатто, Худоёрхоннинг маҳсус фармони билан ҳар бир шаҳар ва қишлоқ бозорларида сотилаётган моллар учун алохида даллоллар тайин этилган⁵²⁵. Даллоллар ўз воситачилигига сотилған молнинг 1 фоизини хизмат ҳақи сифатида олғанлар. Масалан, чит растасида 100 тиллолик мол сотилса, сотувчи ва харидорнинг ҳар бири 1 тангадан даллолга хизмат ҳақи берган⁵²⁶. Даллол маҳаллий ва бир нечта хорижий тилларни ҳам билиши керак бўлган. Даллолчилик хизматидан хон хазинасига катта даромад тушган. Ҳусусан, Ўш қўй бозорининг даллолчилиги ижарага берилган бўлиб, XIX аср 70-йилларида унинг ижарачиси Мулла Абдусаид даллолбоши йилига 10 минг тангадан хон хазинасига ижара ҳақи тўлаган⁵²⁷. Шунингдек, Аравон қўй бозори даллоллик ижарасидан 600 танга⁵²⁸, Кува, Ёрмазор, Аввал ва Учқўргон бозорларининг даллоллик ижарасидан 1800 танга хон хазинасига даромад келган⁵²⁹.

Хонлик чорва бозорларидан соликни жарчибоши йикқан бўлиб, ҳар йили Кўқон чорва бозорида қўй савдосидан 10–11 минг танга, от савдосидан 1500 танга солик йиғилған. Худди шу даврда Кўқон бозорида йилига рус моллари сотувчи савдогарлардан 1300 тилло, чой сотувчи савдогарлардан 9000 танга, кўйлак сотувчи савдогарлардан 5000 танга, ипак мато сотувчи савдогарлардан 700 танга, ипак сотувчи савдогарлардан 300 тилло, адрес сотувчи савдогарлардан ва сарой дўконлари ижарасидан 70 тилло, дока бозоридан 1000 танга, чарм бозоридан 5000 танга, бўз ва астар бозоридан 1000 танга, олача бозоридан 1000 танга, китоб бозоридан 10 тилло, арава савдосидан 3000 танга бож йиғилған⁵³⁰.

⁵²⁵ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства... – С. 21.

⁵²⁶ Пантусов Н. Податные сборы в г. Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №13

⁵²⁷ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства... – С. 123.

⁵²⁸ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 653-иши, 1-варак.

⁵²⁹ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства... – С. 123.

⁵³⁰ Пантусов Н. Податные сборы в г. Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №13.

XIX асрнинг 70-йилларида келиб, хонликнинг иқтисодий аҳволи оғирлашган. Россия қўшинлари томонидан 1864–1865 йилларда хонликнинг бир қисмининг босиб олиниши натижасида хонлик хазинасига тушадиган солиқлар миқдори ҳам камайиб кетган. Натижада солиқлар сони ва миқдори кескин ошиб борган. Ҳатто, Худоёрхон буйруғига асосан кўлга ўргатилган айик, бўри, итлар билан бозор майдонида томошалар.кўрсатилган ва ҳар бир дўкондан 1 коп.дан йиғиб олинган⁵³¹.

Хонлик хазинасига тушадиган даромаднинг катта қисми кечувларда жойлашган паромлар ҳиссасига тўғри келган. Мамлакатда дарё бўйларида кўплаб паромлар мавжуд бўлиб улар хукмдорларга ёки мулкдор шахсларга қарашли бўлган. Паромлар орқали савдо карvonлари юкларини дарёдан ўtkазиш эвазига улардан ҳақ олган. Даромад манбаи ҳисобланганлиги учун паромлар жойлашган худудлар доимо назорат қилинган. Хусусан, Чилмаҳрам, Оқжар, Қароқчиқум кечувларидаги паромларда 25 соқчи бўлган ва паромлар ҳақининг ўз вақтида тўланишини ҳамда хавфсизликни таъминлаган⁵³². Паромлар хонлик хазинасига сезиларли даромад келтирган. Хусусан, XIX аср 60-йилларида Россия – қозоқ даштлари – Ўрта Осиё карvon йўлида жойлашган Туркистон яқинидаги Ўнқайик кечуви паромларидан йилига 1500 тилло, 1874 йилда Пунгондан 1452 танга, Оқжардан 6770 танга, Чилмаҳрамдан 14286 танга ва шу йили жами хонлик паромларидан 72508 танга пул йиғилган эди. Паромларда 100 та кўйига 5–6 танга, юкли от учун 10 коп., тия учун 20 коп., аравалар учун 40 коп. миқдорида ҳақ олинган⁵³³.

Кўкон хонлигига солиқлар йиғиши, дарё кечувларидан келадиган даромад, божхоналар фаолиятини давлат амалдори меҳтар назорат қилган. А.П.Хорошхин, меҳтарни “молия вазири”, деб атаган⁵³⁴. Меҳтар хонликка келган савдо карvonларини, улардаги моллар тури, миқдори ва хонлик хазинасига тушаётган

⁵³¹ ЎзР МДА, И. 715-фонд, 1-рўйхат, 60-иш, 196-варак.

⁵³² ЎзР МДА, И. 1-фонд, 14 -рўйхат, 242-иш, 15-варак ва орқаси.

⁵³³ Податных сборы в г. Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – № 13.

⁵³⁴ Хорошхин А. П. Очерки Кокана // Туркестанский сборник. Том 116. – С. 48.

божлар ва божхоналар фаолияти ҳақида хонга маълумот бериб турган. Шунингдек, меҳтар турли мамлакатлардан хонлик бозорларига келгансавдогарлар моларини маҳаллий савдогарларга маътум муддатга қарзга берилишини назорат қилган. Меҳтар далюол ёрдамида молларни тарқатган ва савдогарга тилҳат ёзиб берган. Савдогар кўрсатилган муддат ичидагарзини ундира олмаса, уни меҳтар ундириб берган⁵³⁵. Хонлик бозорларида бож йиғиш жараёнини назорат қилиш билан раислар ва бозор оқсоқоллари ҳам шуғулланганлар.

Кўқон хонлиги савдо божлари ва солиқларидан жуда катта даромад олган. Улардан тушган даромаднинг бир қисми хонлик қўшинларининг курол-яроғ, мис ва темир билан таъминланишига сарфланиши керак эди⁵³⁶. XIX аср 40-йилларида хонлик хазинасига бир йилда савдо солиқлари ва божларидан Кўқон ва унинг атрофлари 100000 тилло, Тошкент 60000 тилло, Хўжанд 25000 тилло, Наманган 50000 тилло, Ўратепа 20000 тилло, Андижон 25000 тилло, Марғилон 10000 тилло даромад келтирган. Хонлик хазинасига бир йилда савдо божларидан жами тушган даромад 282000 тилло эди⁵³⁷.

Бу соҳада Тошкентнинг ўрни жуда катта ҳисобланган. XIX аср ўрталарида Тошкент вилояти бир йилда 60 мингдан 80 минг тиллогача савдо божини хон хазинасига юбориб турган⁵³⁸. В.В.Вельяминов-Зернов, Тошкент ҳокими Нормухаммад қушбеги савдо солиқлари ва божларидан 1850 йилда 40000 тиллони Кўқон хонига юборди, деб ёзган эди⁵³⁹.

Маълумотларга қараганда, Россия империяси истилосига қадар Тошкент вилоятига тегишли Туркистон шаҳри савдо божларидан бир йилда 1800 тилло, Чимкент 744 руб., Сайрам 2412 руб., Қорабулок 205 руб. 40 коп., Авлиёта 3290 руб. хон хазинасига юборар эди. Манкент бозоридан тушадиган бож эса

⁵³⁵ ЎзР МДА, И. 1-фонд. 34-рўйхат, 44-иш, 13 – 14-вараклар.

⁵³⁶ ЎзР МДА, И. 1-фонд. 20-рўйхат, 2940-иш, 64-варакнинг орқаси.

⁵³⁷ Обозрение Коканского ханства... – С. 214 – 215.

⁵³⁸ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 2940-иш, 64-варакнинг орқаси.

⁵³⁹ Вельяминов-Зернов В. В. Сведения о Коканском ханстве ... – С. 114.

юқоридаги шаҳарлар оқсоқоллари учун мояна сифатида хон томонидан берилганд⁵⁴⁰.

Кўқон хонлигининг катта қисми Россия томонидан босиб олинганидан сўнг савдо солиқларидан тушадиган даромад ҳам камайган. А.Кун маълумотларга кўра, XIX аср 70-йилларида хонлик хазинасига савдо солиқлари ва торози пулидан бекликлар – Маҳрам 800 тилло, Сўх 400 тилло, Кўқон 12.000 тилло, Марғилон ва Ўш 1800 тилло, Шаҳрихон, Ўзганд ва Асака 1000 тилло, Аравон 300 тилло, Булоқбоши 500 тилло, Андижон 6820 тилло, Балиқчи 1000 тилло, Наманган 4860 тилло, Навкат 100 тилло, Косон 600 тилло, Чуст 400 тилло, Бободорхон 300 тилло, савдо карвонларидан олинадиган бождан Кўқон 23000 тилло, Марғилон ва Ўш 8000 тилло, Наманган 1000 тилло, Бободорхон 1000 тилло даромад туширган. Бу даврда хонлик хазинасига жами 31100 тилло савдо солиқлари ва торози пулидан, 33100 тилло маблағ эса савдо карвонларидан олинадиган бождан келар эди⁵⁴¹. А.П.Хорошхин, XIX аср 70-йилларида хонлик савдо солиқларидан 100000 тилло атрофида даромад олади, – деб кўрсатган⁵⁴².

Шундай қилиб, Кўқон хонлигининг олий ҳукмдорлари янги ташкил топган мамлакатни дастлабки кунларида бирлаштириш, сарҳадларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун курашлар олиб борганлар. Табиийки, нотинчлик ва ҳарбий ҳаракатлар чоғида давлат иқтисодиётининг асосий таянчи ҳисобланган савдо-сотик ва у билан боғлиқ бўлган инфратузилма издан чиққан. Аста-секинлик билан мамлакатда тинчлик ва осойишталик қарор топтиришга эриша олган ҳукмдорлар ўз эътиборларини савдога ва уни ривожлантириш учун зарур бўлган шароитларни яратишга ҳаракат қилгандар. Шу боис хонлик ҳукмдорлари хонликнинг асосий даромад манбаи бўлган божхона ишларини ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан қатор ислоҳотларни

⁵⁴⁰ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 411.

⁵⁴¹ Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Туркестанский сборник. Том 117. – С. 441.

⁵⁴² Хорошхин А. П. Заметки о Кокана // Туркестанский сборник. Том 23. 1870. – С. 187.

амалга оширганлар ва кейинчалик бу ҳаракатлар ўз самарасини берган. Ҳонлик чегара ҳудудларида божхоналар ташкил этилган ва бозоғлардаги солиқ тизими қайтадан кўриб чиқилиб, ислом анъаналари бўйича қатъий қилиб белгиланган, назоратга олинган. Натижада ҳонлик хазинасига тушадиган даромаднинг катта қисмини савдо солиқлари ва божхоналардан тушадиган даромад ташкил қилган. XIX аср 60-йилларига келиб Россия империяси томонидан Кўқон ҳонлиги катта қисмининг босиб олиниши ва мамлакатнинг танazzулга учраши натижасида ҳонлик хазинасига савдо солиқларидан тушадиган даромад кескин камайиб кетган. Бу эса савдо солиқлари микдорининг ошишига ва турининг кўпайишига олиб келган.

САВДО ИНФРАСТРУКТУРАСИ ВА ВАҚФ ИНСТИТУТИ АЛОҚАЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

XVIII аср охиридан XIX аср 60-йилларига қадар Кўқон хонлигининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксала боришида вакф институти катта роль йўнаган. Бу даврда хонликда давлатга тегишли ёки назоратга муҳтож соҳалар фаолияти ҳам оқилона, мақсадга мувофиқ равишда йўлга кўйилган. Шундай соҳалардан бири ўша давр учун катта аҳамиятга молик вакф ишлари эди. Хонлик вужудга келиши арафасида ва ташкил топганидан сўнг дастлабки йилларида вакф тизими амалда назоратсиз қолган эди. XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб Кўқон хонлиги мавқеи юксалиб бориши натижасида вакф мулкларига эътибор ҳам кучайган ва у жиддий назорат остига олинган. Бухоро ва Хива хонликларида бўлгани каби Кўқон хонлигига ҳам мадраса, масжид, қорихона, хонақоҳ, зиёратгоҳ, мақбара, қабристон ва ҳ.к.ларга вакфлар ажратилган. Вакф мулкларига ер, бозор, канал, ариқ, тегирмон ва савдо иншоотлари – бозор, карвонсарой, дўкон, ҳаммом ва бошқалар кирган. Хонликдаги деярли ҳар бир мадраса, масжид, қорихона, хонақоҳ, зиёратгоҳ, қабристоннинг ўз вакф мулклари бўлган. Вакфларнинг катта қисми асосан мадраса, масжид ва қорихоналар хиссасига тўғри келар эди.

Хонлик пойтахти Кўқон шаҳрида вакф ишлари тизими яхши йўлга кўйилган. Давлатнинг қудратли ҳукмдорларидан бўлган Умархон Кўқонда кўзи ожизлар учун махсус “Раҳмати-Шоҳи” (Амми-хона) номли ётоқхона курдирган ва унга иккита карвонсаройни вакф сифатида берган. Карвонсаройлардан бири ётоқхонага йилига 3000 руб., иккинчиси 2000 руб. микдорида даромад келтирган. Шунингдек, Кўқон марказидаги бозорда ётоқхонага 16 та дўкон вакф этилган бўлиб, улардан йилига 2000 руб., ётоқхонага тегишли ерлардан эса 3000 руб. даромад тушган. Ётоқхона йилига вакф мулкларидан умумий ҳисобда 10000 руб. дан ортиқроқ даромад олган. “Раҳмати-Шоҳи”да 80 тага яқин кўзи ожизлар истиқомат қилганлар, улар жисмоний ҳолатига

қараб З тоифага бўлинган. Биринчи тоифа вакиллари 40 киши атроғида бўлиб, уларнинг ҳар бирига 200 рублгача, 25 ишидан ибора т иккинчи тоифа вакилларининг ҳар бирига 100 рублгача, 15 киши тик учинчи тоифа вакилларига 50 рублгача вакф даромади сарфланган⁵⁴³.

1813 йилда Умархон фармони билан Кўқон шахрида 79 та хужрадан иборат Жомий мадрасаси курилган. Мадрасанинг тўлақонли, самарали фаолият кўрсатиши учун унга 30 та дўкон ва битта ҳаммом вакф сифатида берилган⁵⁴⁴.

Хонликда вакф, хусусан, савдо вакфларининг катта қисми мадрасаларга ажратилган. Кўқондаги Муҳаммадалихон мадрасасига (1829 йил қурилган) пойтахтнинг Жўхори бозоридан олинадиган тарози пуллари ва Кўқон марказий бозоридаги карvonсаройлардан бири вакф сифатида ажратилган. Шунингдек, мадрасага 41 та дўкон ҳам вакф қилинган. Мадрасага вакф этилган бу мулклардан иилига 900 рублгача даромад олган⁵⁴⁵.

Шаҳзода Муҳаммад Султон Муродбек 1862 иили отаси Сайид Муҳаммад Шералихон даҳмасига ер ва боғлар билан биргаликда Кўқон марказий бозоридаги карvonсаройлардан бирини ва 14 та дўконни ҳамда шаҳар божхонаси олдидаги карvonсаройни вакф сифатида берган⁵⁴⁶.

1863 – 1864 йилларда Султон Сайидхон қисқа муддатли хукмронлик даврида отаси Маллахон номи билан аталувчи мадрасага вакф мулкларини ажратган. Худоёрхон хонлик таҳтини қайтариб олганидан (1865) сўнг, мадрасани буздириб юборган. Мадрасага ўрнига бозор қурдирган Худоёрхон ундан тушадиган даромадни вакф сифатида Жамашбий мозорига ажратган⁵⁴⁷.

Муҳаммад Азиз Марғilonийнинг ёзишича, Худоёрхон Кўқонда бир мадраса қурдирган ва уни онаси (Хоким Ойим) номи билан атаган. Мадраса барпо этишга сарф-харажат

⁵⁴³ Журнал «Шўро», 1909. – №13. – Б. 406 – 407.

⁵⁴⁴ Алихўжаев М. Кўқон маданиятни тарихидан // “Буюк ипак йўли ва Фарғона во-дийси”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2004. – Б. 144.

⁵⁴⁵ ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 14-рўйхат, 522-иш, 2 ва 6-варак.

⁵⁴⁶ ЎЗР МДА, И. 323-фонд, 1-рўйхат, 1417-иш, 1-варак.

⁵⁴⁷ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 223.

нисбатан кам бўлгани сабабли у анчагина сифатсиз курилган эди. Натижада, маълум вақт ўтгач унинг деворлари ёрила бошлаган. Худоёрхоннинг укаси Марғилон ҳокими Султон Муродбек ушбу мадрасани қайта қурдирган ва унга вақфлар ажратган. Хусусан, Марғилондаги Читфуришлик бозори қаршисида карvonсарой тиклатиб, мадрасага вақф қилган⁵⁴⁸. Худоёрхон ҳам Ҳоким Ойим мадрасаси тўлақонли фаолият юритиши учун марказий бозордаги 214 та дўкон ва битта ҳаммомни вақф сифатида ажратишга буйруқ берган⁵⁴⁹.

Худоёрхон 1874 йилда Марғилон, Ўш, Мингтепа худудларидаги канал, ариқ, боғдод қишлоғидаги ер ва боғлар билан биргаликда, Марғилон шахри бозори марказида жойлашган иккита карvonсаройни хужра ва дўконлари билан бирга 1872 йил курилган Султон Муродбек мадрасасига вақф этган. Шунингдек, ушбу мадрасага Кўқондаги 7 та дўкон ва Марғилондаги яна битта карvonсарой ҳам вақф сифатида ажратилган⁵⁵⁰.

XIX аср 70-йилларида мавзумотларга қараганда, Кўқондаги Пилла бозоридан ҳар йил 1350 тилло тарози пули йиғиб олинган ва бу маблағ вақф сифатида шаҳардаги Далоилхона мадрасасига ўтказилган⁵⁵¹.

Н.П.Остроумовнинг ёзишича, XIX аср 70-йилларида Кўқонда 39 та мадраса фаолият кўрсатган ҳамда уларнинг ҳар бирига дўкон, карvonсарой, боғ, ер, ҳаммом ва бошқалар бириктирилган. Пойтахтдаги 39 та мадрасага ажратилган вақфлардан Йилига 50 минг рублга яқин даромад олинган ва ҳар бир мадрасага ўртacha 1000 руб. атрофида даромад тушган. Фақатгина, Султон Муродбек мадрасасининг даромади кўпроқ бўлиб, биргина мадраса мударрисининг ўзи 600 руб. маош олган⁵⁵².

Хонликда бошпанасиз кишилар ва қаландар-дарвешлар учун маҳсус қаландархоналар курилган ҳамда уларга ҳам вақфлар

⁵⁴⁸ Мұхаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрға тайёрловчилар Ш. Воехидов, Д. Сангирова. – Т.: Матнавият, 1999. – Б. 15.

⁵⁴⁹ Алихўжаев М. Кўқон маданияти тарихидан... – Б. 145.

⁵⁵⁰ ЎзР МДА, И. 323-фонд, 1-рўйхат, 1418-иш, 1-варақ.

⁵⁵¹ Податных сборы в г. Коканде // Туркестанский ведомости. 1876. – №13.

⁵⁵² Остроумов Н. П. Исламоведение. – Т., 1914. – С. 183–184.

ажы атилган. Архив маълумотларига кўра, Россия империяси ист ғлоси арафасида Кўкон бозоридаги 22 та дўкон ҳар йили ўз қаромадидан бир қисмини шаҳардаги қаландархонага вакф сиф этида бериб турган⁵⁵³.

Хонликнинг йирик марказларидан бири Тошкентда ҳам вақф ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда айниқса мадрасаларга эътибор катта бўлиб, Тошкентдаги деярли ҳамма мадрасанинг вақф мулклари мавжуд эди. Вақфларнинг катта қисми эса савдо иншоотлари ҳиссасига тўғри келган. Мадрасаларга бериладиган бундай катта эътибор натижасида уларнинг фаолияти янада яхшиланган ва Тошкент мадрасаларининг Ўрта Осиёдаги обрўси ошиб борган.

Ўрта Осиёда машхур Бекларбеги мадрасаси (XIX аср биринчи ярмида курилган) XIX аср 50–60-йилларига келиб, ҳар йили Тошкентдаги Закотхона, Маҳрамбоши ва Хиштин карvonсаройларидан 500 тилло, шаҳар марказий бозоридаги юз дўкондан 30 тилло, битта тегирмондан 12 тилло, жами 542 тилло даромад олган. Муҳаммад Солихнинг ёзишича, Тошкент ҳокими Лашкардёвонбеки (XIX аср 20-йиллари ҳамда шу асрнинг 40-йилларида ҳокимлик қилган) шаҳар Регистонида курдирган карvonсаройини ушбу мадрасага вақф қилиб берган⁵⁵⁴.

Кўкон хонлиги даврида Тошкентдаги 1838 йил курилган Эшонкули додхоҳ мадрасасига 200 га якин дўкон ва 4 та тегирмон вақф сифатида ажратилган. Тошкент ҳокими Нормуҳаммад қушбеки (1847–1852) курдириб, ўз номи билан атаган мадрасага шаҳарнинг Маҳсидузлик қисмидаги карvonсаройни вақф сифатида ажратган. XIX аср ўрталарига келиб Бароқхон мадрасаси (XVI аср биринчи ярмида курилган) Тошкент ҳокими Нормуҳаммад қушбеки тайин қилган карvonсаройлардан йилига 200 тилло, мадраса яқинидаги саккизта дўкондан эса 55 танга вақф пули олиб турган⁵⁵⁵.

⁵⁵³ ЎзР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 2004-иш, 1-варак

⁵⁵⁴ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидайи Тошканд” асари. – Т., 2007. – Б. 149.

⁵⁵⁵ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидайи Тошканд”... – Б. 143–147, 151–155.

А.П.Хорошхин мәйлумотларига кўра, Россия империяси истилоси арафасида Тошкентнинг Шукурхон мадрасаси (XIX аср 20-йилларида қурилган) марказий бозордаги икки қаватли карвонсаройдан 180 тилло ва у ердаги 8 та дўкондан 11 тилло вақф пули олган. Шунингдек, шаҳардаги Исоҳўжа қози мадрасаси (XIX аср 40-йилларида қурилган) XIX аср 60-йилларида ўзига тегишили дўконлардан 42 тилло даромад олган⁵⁵⁶.

Россия империяси истилоси арафасида Тошкентнинг машҳур Кўкалдош мадрасаси (XVI аср иккинчи ярмида қурилган) шаҳардаги унга вақф этилган 237 дўкондан жами 530 руб. вақф даромади олган бўлса⁵⁵⁷, XVI аср ўрталарида қурилган Хўжа Аҳрор мадрасасига ажратилган вақф мулкларидан у йилига 2000 руб. даромад олган ва унинг катта қисми карвонсарой, дўконлар ҳиссасига тўғри келган⁵⁵⁸. Бу даврда Тошкентнинг яна бир Чамсанбий мадрасаси Гул бозоридаги карвонсарой ҳисобидан вақф билан таъминланган⁵⁵⁹.

Кўкон хонлигининг йирик шаҳарларидан бири Марғилондаги вақф мулклари орасида ҳам ёлавдо вақфлари катта ўрин эгаллаган. XIX аср 60-йилларида Марғилон шаҳридаги дўконлар сони 2246 та бўлиб, уларнинг 686 таси вақф мулки ҳисобланган⁵⁶⁰. Марғилондаги машҳур Жоме масжиди вақф ерлари билан бирга бозорлардан тушган вақф пулларидан ҳам даромад олган⁵⁶¹.

Хонликнинг йирик шаҳарларидан яна бири Намангандаги марказий бозорида жойлашган Мавлави карвонсаройи шу ном билан аталувчи мадраса ва масжид (ҳар учаласи ҳам XIX аср 60-йилларида қурилган) га вақф пули ажратиб турган⁵⁶².

⁵⁵⁶ Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся по Туркестанского края... – С. 88 – 89.

⁵⁵⁷ Султонов Ў. А. Мухаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидайи Тошканд”... – Б. 142.

⁵⁵⁸ Остроумов Н. П. Исламоведение. – Т., 1914. – С. 187.

⁵⁵⁹ Хорошхин А. П. Сборник статей касающихся по Туркестанского края... – С. 88 – 89.

⁵⁶⁰ Сайд Магомед Худояр-хан Коканский // Туркестанский сборник. Том 89. – С.332 – 334.

⁵⁶¹ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 14-рўйхат, 522-иш, 2-варак.

⁵⁶² Михайлов М. Намангандаги // Туркестанский сборник. Том 16. 1867. – С. 71.

Андижон шаҳрида Кўқон хони Муҳаммадалихон даврида сарой ам алдорларидан бўлган Исо Додҳоҳ 1826 йилда ўз номидан мадраса курдирган. Исо Додҳоҳ мадрасага каттагина ер, битта тегирмон, 18 та дўкон ва битта карvonсаройни вакф қилиб берган. Шунингдек, Андижондаги 1831 йилда қурилган Холбек Кушбеги мадрасасига вакф сифатида катта ер, 5 та савдо дўкони ва битта карvonсарой берилган эди. Исо Додҳоҳ ва Холбек Кушбеги мадрасаларида бир вақтнинг ўзида 130 нафардан талаба таҳсил олган⁵⁶³.

XIX аср 50-йилларида Кўқон хонлигининг йирик шаҳарларидан яна бири Ўшда йирик катта ер эгаси Алимбек катта мадраса курдирган ва вакф сифатида 71 та савдо дўкони, каттагина ер ва тегирмонни берган. Мадраса улардан йилига 319 руб. вакф пули олиб турган⁵⁶⁴.

Кўқон хонлиги тугатилиши арафасида Ўш вилоятидаги масжид ва мадрасаларга уларга қарашли ер ва дўконлардан йилига 3000 руб. атрофида даромад келган⁵⁶⁵.

XIX аср 60-йилларида Туркистон ҳокими кўқонлик Мирзабий шаҳарда иккита карvonсарой курдириб, улардан тушган даромадни Ҳазрат масжиди ҳисобига ўтказишни буюрган. Бу даврда Туркистонда 391 та дўкон бўлиб, уларнинг 20–30 таси айrim шахсларга тегишли бўлган, қолганлари эса қозикалон ёки шайхулислом ҳисобига ойига 40 коп. дан вакф пули ўтказиб турган.

Чимкентда Тошкент ҳокими Мирзо Аҳмад (1854–1858, 1864 август–декабрь) қурдирган мадраса, карvonсарой, ҳаммом мавжуд бўлиб, карvonсарой ва ҳаммомдан тушган даромад мадраса ҳисобига ўтказилган. Карvonсаройдаги 24 та дўконнинг ҳар бири мадрасага ойига 1 руб. 5 коп. дан бериб турган⁵⁶⁶.

⁵⁶³ Алимов И. XIX асрда Кўқон хонлиги Андижон беклигининг мактаб ва мадрасалари // “Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Т., 2004. – Б. 137.

⁵⁶⁴ Галицкий В., Плоских В. Старинный Ош. – Фрунзе, 1987. – С. 76 – 77.

⁵⁶⁵ Плоских В.М. Очерки патриархально-феодальных отношений в Южной Киргизии. – Фрунзе., 1968.– С. 132.

⁵⁶⁶ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 292, 371.

Хонликнинг нисбатан кичикроқ шаҳарлари бўлган Чуст, Тўракўрғон, Асака, Шаҳрихон, Риштон ва бошқаларда, шунингдек айrim қишлоқларда ҳам мадраса, масжид ва жамоат характерига эга иншоотлар етарли бўлган. Уларда ҳам вақф ишларига катта зътибор қаратилган. Хусусан, Худоёрхон хонлик шаҳарларидан бири Асакада бозор ва мадраса қурдирган. Мадрасасага ер билан бирга бозордаги кўплаб дўконларни вақф сифатида инъом қилган⁵⁶⁷. Шунингдек, Андижон вилоятига қарашли бўлган Булоқбоши қишлоғидаги Пиратбой мадрасасига қишлоқдаги каттагина ер ва 21 та дўкон вақф қилинган. Мадраса улардан йилига вақф сифатида 228 руб. ва анча микдорда дехқончилик маҳсулотлари олиб турган⁵⁶⁸.

Хонлик шаҳарларида вақф қилинган бозор ва карвонсарой дўконлари йилига ўртacha 1 руб. 50 коп.дан белгилаб қўйилган мадраса, масжид, қорихона, хонақоҳ, қабристон ва ҳ. к. ларга вақф ажратган. Бу ҳолат Россия истилосидан сўнг ҳам узоқ вақтгача давом этган⁵⁶⁹.

Кўкон хонлигига вақф институти фаолиятининг яхшиланишида йирик савдогарларнинг ҳиссалари катта бўлган. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг маълумотларига кўра, XIX аср ўрталарида Кўқоннинг йирик савдогарларидан бири пойтахтда кўплаб дўкон, карвонсарой ва бошқа савдо иншоотларини барпо қилган. Олимжонбой Хожа хонликда ўзига хос мавқеига эга бўлган ва унинг одамлари Фарғона водийси бозорларида турли мансабларда фаолият юритиб, унга ҳисобот бериб турганлар. Олимжонбой Хожа ўзи Кўқонда яшаган ҳамда масжид, мадраса ва етим-есирларга вақфлар ажратиб турган. Унинг ўғли Солиҳжон ҳам хонликнинг йирик савдогарларидан бири ва халқпарвар инсон сифатида шуҳрат қозонган⁵⁷⁰.

Шу даврда Ўрта Осиёнинг кўзга кўринган савдогарларидан бири тошкентлик Сайд Азимбой Тошкентда кўплаб савдо

⁵⁶⁷ Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. – Т., 1973. – С. 200.

⁵⁶⁸ ЎЗР МДА, И. 17-фонд. 1-рўйхат, 22507-иш, 54 ва 67-варак.

⁵⁶⁹ ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 14-рўйхат, 718-иш, 3-варак.

⁵⁷⁰ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 80.

иншоотлари, хусусан, ўз номига карвонсарой курдирган ҳамда Россия, Бухоро хонлиги ва Кўқон хонлигининг марказий шаҳарларига тез-тез савдо карвонларини жўнатган. Ўз навбатида Сайд Азимбой савдодан тушган даромадининг бир қисмини вақф мулкларига тақдим этиб турган⁵⁷¹.

Марғилонда яшаган машхур тижоратчилардан бири Исмоил Маҳзум (лақаби Карнай Маҳзум) саховатли ҳамда хурматли киши ҳисобланган. Муҳаммад Азиз Марғилоний маълумотларига кўра, Исмоил Маҳзум мадраса ва масжидларга вақфлар қилган, қориҳона ва мактаблар қурдирган. У Марғилон марказий бозори олдига ўзи бунёд этган Хиштин мадрасаси ёнига ҳаммом қурдирган ва уни вақф мулки сифатида мадрасага берган⁵⁷². Шунингдек, Исмоил Маҳзум қурдирган мадрасага 1864 йилда вақфнома берилган ва унга мувофиқ мадрасага Марғилоннинг Жўйи Олимхон маҳалласидан битта сарой ва ер, Шахристондан 12 та дўкон, Тошмозор даҳасидан битта сарой, Қаландар даҳасидан ер ва 24 та дўкон ажратилган⁵⁷³.

Марғилоннинг машхур савдогарларидан иккинчиси Муҳаммад Иброҳимбой, учинчиси Мир Салимбой, тўртингчиси Муҳаммад Каримбек, бешинчиси Ҳожи Азимжонбой, олтинчиси Мулло Охунжонбой, еттинчиси Бобоёр Мирзо Салимбой ўғли, саккизинчиси Мулло Муҳаммад Шариф Мирзо эди. Шунингдек, марғилонлик савдогар Маржонқизбай ҳамда унинг ўғиллари Мулло Мусожон ва Абдуллажонлар яхши, ҳаммага ниҳоятда маъкул, саховатпеша ва фуқароларга муруватли савдогарлар бўлганлар. Уларнинг қирқ-эллик минг сўм пули мусулмонларга сарф бўлса, хотирасига келмайдиган, сажий, хушфеъл, бевабечораларга кўплаб закот ва эҳсон қилувчи, аммо ўзи донишманд кишилар бўлганлар⁵⁷⁴. Муҳаммад Азиз Марғилоний марғилонлик яна бир савдогар Мулло Бобоёр Мирзо Салимбой Сўфи ўғли ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирган: у Марғилонда

⁵⁷¹ Набиев Р.Н. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки...— С. 37.

⁵⁷² Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий... — Б. 87 – 88.

⁵⁷³ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий ... — Б. 107.

⁵⁷⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий... — Б. 87 – 89.

мадрасани ўқиб тамомлагач, Кўқон хони Худоёрхоннинг укаси Марғилон ҳокими Султон Муродбек хизматига кирган ҳамда Катта Марғилон бозоридаги тарозиларни ва шаҳар марказидаги Султон Муродбекка қарашли пахта саройини 25 йил муддатга ижарага олган. Кейинроқ пахта саройини бузиб, ўрнига савдо расталари курдирган ва улардан тушган даромадидан вақфлар қилган⁵⁷⁵. Бу савдогарлар нафақат хонликнинг иқтисодий-ижтимоий, балки унинг сиёсий ва маданий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этгандар. Чунки хонликдаги аксари бозорлар ва уларнинг бошқаруви ўшаларнинг қўлида бўлиб, хонликлар даврида марказий янгиликлар тарқаладиган ва фикрлар алмашинадиган жой бу – бозорлар ҳисобланган. Марказий ҳокимиятга бўлган муносабатни аҳоли орасида мўътадил сақлаб туриш мақсадида ҳам хукмдорлар бундай савдогарларга баъзи эркинликлар бериш билан бир қаторда айрим масалаларда уларнинг фикрларини инобатга олишга мажбур бўлганлар. Ўз навбатида улар хонликдаги назоратга муҳтоҷ бўлган мадраса, масжид, хонақоҳ, мактаб ва қабристонларга савдодан тушган даромадининг бир қисмини вақф килиб турганлар. Бу эса хонликда вақф институти фаoliyatiining яхшиланишига ва мамлакат маданий тараққиёти ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Мадрасага ажратилган вақфларнинг 10 фоизи мутавали, 4–5 фоизи эса мударрисга теккан, қолган қисми мадраса ходимлари, талабаларига тақсимланган ҳамда мадрасанинг таъмирталаб ишларида фойдаланилган⁵⁷⁶. Бироқ, бу кўрсаткич доимий бўлмай, вазиятга қараб ўзгариб турган. Хусусан, Тошкентдаги Бекларбеги мадрасаси вақф мулкларидан йилига 1.698 руб. даромад олган. Бу даромаддан 186 руб. 80 коп. мутавалига, 195 руб. катта мударрисга, 150 руб. кичик мударрисга теккан⁵⁷⁷. Қолган қисми эса мадраса ходимлари ҳамда талабаларга тақсимланган. Шунингдек, Ўш шаҳридаги Алимбек додҳо мадрасасига вақф сифатида берилган маблагнинг бир қисми унинг таъмирланишига сарфланган ва қолгани 10 қисмга бўлинниб, 1 фоизи мутавалига,

⁵⁷⁵ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий... – Б. 88.

⁵⁷⁶ Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве... – С. 517.

⁵⁷⁷ Остроумов Н. П. Исламоведение. – Т., 1914. – С. 189.

3 фоизи мударрисга, 1 фоизи имомга, 1 фоизи мадраса ишчи-ходимларига ва 4 фоизи талабаларга тақсимланиб берилган⁵⁷⁸. Мадраса, масжид, хонақоҳ, қорихона, қабристон ва ҳ.к.ларга ажрати тадиган вақф даромадлари уларнинг турли эҳтиёжлари ва фаолият юритишлари учун сарфланган.

Вақфлар фаолиятини назорат килиш билан уларнинг ҳомийлари – хон, ҳоким, бек ва ўзига тўқ кишилар шуғулланганлар. Улар ўзларига тегишли вақф мулкларини назорат қилиш учун маъсул шахсларни тайинлаганлар. Вақф мулклари барча соликлардан озод этилган.

Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Кўқондаги Ҳоким Ойим мадрасаси (1869–1870 йилларда курилган) вакиллари мадрасага тегишли ер ва карвонсарой ижараси учун бериладиган маблагни олмаганларини айтиб, хонга шикоят қилганлар. Мадрасада фаолият кўрсатган мударрислар, ходимлар ва талабаларнинг умумий сони 300 дан ортик бўлиб, бу ўша давр учун жуда катта жамоа ҳисобланган ва ўкув муассасаси харажатлари ҳам шунга яраша эди. Худоёрхоннинг ушбу шикоятни ижобий ҳал этиб бергандиги архив маълумотларида ўз аксини топган⁵⁷⁹.

Ўрта Осиёнинг кўшни давлатларида бўлгани сингари Кўқон хонлиги аҳолиси орасида ҳам савдо ишлари етакчи мавқеини эгаллаган. Савдо тараққиёти натижасида мамлакат иқтисоди ривожланиб борган. Бу ривожланиш ўз навбатида вақф институтининг кенг ёйилишига олиб келган. Хонликда вақф ишларининг нисбатан яхши йўлга кўйилганлиги ва доимо назорат асосида бўлганлиги натижасида мадраса, масжид, хонақоҳ, қорихона, қабристонлар фаолиятлари бирмунчя яхшиланган. Мадрасаларда бериладиган таълим сифати ижобий томонга ўзгарган. Ўрта Осиёда ушбу ўкув даргоҳларининг янада обрўси кўтарилиб, турли ҳудудлардан таҳсил олиш мақсадида келаётган талабалар сони кўпайган. Мозор ва қадамжоларга ҳам эътибор ошиб, зиёратчилар сони тобора ошиб борган, қабристонларга қаров яхшиланган.

⁵⁷⁸ Плоских В. М. Очерки патриархально-феодальных отношений в Южной Киргизии. – Фрунзе, 1968. – С. 73.

⁵⁷⁹ ЎЗР МДА, И. 1043-фонд, 1-рўйхат, 7-иш, 1-варақ.

ХУЛОСА

Ўзбек давлатчилигининг давомчиларидан бўлган, XVIII – XIX асрнинг 70-йилларига қадар Ўрта Осиёда мавжуд давлатлардан бири Кўқон хонлигининг савдо муносабатларини ўрганиш жараёнида таҳлил этилган маҳаллий тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, XIX – XX аср тадқиқотчиларининг асарларида келтирилган маълумотлар қуидаги хуласаларни илгари суриш имконини беради:

1. Кўқон хонлигининг савдо муносабатлари тараккиётини тўртта босқичга ажратиш мумкин. Бу босқичларда амалга оширилган савдо алоқалари ўз хусусиятларига кўра бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Биринчи босқич (1709 йилдан XVIII аср ўрталаригача) да янги асос солинган Кўқон хонлиги ички урушларни тугатиш ва ташқи душманларни бартараф этиш учун қураш олиб борган. Натижада савдо муносабатлари издан чиқиб, олди-сотди муносабатлари тартибсиз равишда олиб борилган. Бож тизими мамлакат ҳукмдорлари назоратидан чиқиб кетган. Иккинчи босқич (XVIII асрнинг иккинчи ярми) хонлик юксалиши даврининг бошланиши бўлиб, мамлакат иқтисодиётida кўтарилиш юз берган. Ички ва ташқи савдога эътибор кучайиб, кўплаб савдо иншоотлари қурилган. Эътиборли томони бу даврда хонлик ўз пулига эга бўлган. Учинчи босқич (XIX асрнинг биринчи ярми) хонликнинг ривожланган даври бўлиб, бу даврда мамлакат ҳудуди кенгайиб, иқтисодий марказлар – Тошкент, Туркистон ва Чимкент шаҳарлари қўшиб олинган. Илк бор олтин ва кумуш пуллар зарб қилиниб, хонликда Ўрта Осиёнинг энг яхши бозорлари шаклланган. Тўртинчи босқич (XIX асрнинг 50 – 70-йиллари) Кўқон хонлиги таназзулга учраган давр ҳисобланиб, сиёсий парокандалик ўз навбатида иқтисодий ҳаётни ҳам издан чиқарган. Россия империяси томонидан хонликнинг бир қисмини босиб олиниши натижасида ҳукмдорлар ҳазинасига тушадиган

даромад миқдори кескин камайиб кетган. Бу эса соликлар миқдори ва сонининг кескин кўпайишига олиб келган. Шунингдек, хонликнинг қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларига Россия империясининг қаршилик қилиши натижасида ташки савдо алоқаларига жиддий зарар етган. Ниҳоят, 1876 йилда Кўқон хонлиги Россия империяси томонидан тутатилган.

2. Савдо муносабатлари Кўқон хонлигига яшаган аҳолининг ижтимоий-иктисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Хонликда савдонинг ривожланиши аҳоли фаровонлигини ошириш билан бир қаторда маҳаллий маҳсулот турларининг кўпайишига ва рақобатбардош қилиб ишлаб чиқарилишига олиб келган. Шунингдек, иктисодий марказлар сони кўпайишига, савдо инфратузилмаси – янги бозор, карвонсарой, карвон йўллари курилишига, бож ва пул тизимининг ислоҳ қилинишига сабаб бўлган.

3. Кўқон хонлиги чет мамлакатлар билан ташки савдо алоқаларини бевосита ёки билвосита амалга оширган. Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Туркия билан савдо алоқаларининг асосий қисми Бухоро хонлиги орқали олиб борилган. Шунингдек, турли сабабларга кўра, Ҳиндистон билан савдо алоқалари қисман Қашқар орқали, Туркия ва араб мамлакатлари билан савдо алоқалари эса Россия орқали амалга оширилган. Ўз навбатида Кўқон хонлиги Бухоро ва Хива хонликлари, Афғонистон, Эрон каби давлатларни Қашқар, Хитой, қозоқ даштлари ва Россия билан савдосида транзит худуд вазифасини ҳам бажарган. Ташки савдонинг ривожланиши–турли мамлакат ва минтақаларнинг нафақат иктисодий, балки маданий соҳадаги тажриба алмашинувларига ҳам сабаб бўлган.

4. Савдо муносабатлари тараққиётiga хонликда кечган этномаданий жараёнлар самарали таъсир кўрсатган. Хонликнинг ички ва ташки савдо алоқаларида маҳаллий ҳалқ вакиллари билан бир қаторда, тижорат мақсадида ва бошқа турли сабабларга кўра келиб қолган ҳинд, афғон, яхудий, уйғур, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам фаол иштирок этганлар. Бу ҳалқлар

вакијларининг баъзилари хонлиқда тижорат ишлари юзасидан вақтингча яшаб қолган бўлса, баъзилари бу ўлкани бутунлай ўзларига ватан тутгандар. Савдо муносабатларининг тараққий этиши ҳам ўз навбатида турли ҳалқлар ва этник гурухларнинг интеграциялашувига олиб келган.

5. Хонликнинг савдо алоқалари ривожи савдо инфратузилмасининг тараққий этишига олиб келган. Ички, ташқи ва транзит савдонинг ривожланиши натижасида савдо инфратузилмасининг мухим компонентлари – бозорлар, карvonсаройлар, божхоналар ва ҳ.к. лар сони ортиб борган. Ўз навбатида улардаги ташкилий ишлар тартибга солиниб, назорат остига олинган. Бунинг самараси ўлароқ, уларда амалга оширилган савдо натижасида мамлакатнинг иқтисодий ҳёти яхшиланниб борган.

6. Хонликда савдо билан боғлиқ бож ва соликлар ислом дини аҳомлари бўйича белгиланган ва ундирилган. Савдо божларидан давлат ҳазинасига тушган маблағларнинг катта қисми асосан ҳукмрон суола вакиллари эҳтиёжи учун сарфланар эди. Улар мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий равнақи учун деярли ишлатилмаган. Мамлакат бошқарув тизимида савдо соликлари ва божларини ундириш билан боғлиқ маҳсус лавозимлар мавжуд бўлган. Божхона ва бож ишлари назорати билан марказий бошқарув тизимида мухим аҳамиятга эга ҳисобланган меҳтар, бозор ва карvonсаройлар фаолияти назорати билан раис, бозор расталари назорати билан оқсоқоллар шуғулланганлар. Меҳтар асосан хон томонидан, раис эса хон ва ҳоким томонидан тайинланган.

7. Бухоро ва Хивада бўлгани каби Кўкон хонлигига ҳам давлат ҳукмдорлари, амалдорлар, мулкдорлар ва йирик савдогарлар ўзларига тегишли савдо иншоотлари – бозор, карvonсарой ва савдо дўконлари даромадидан назоратга муҳтоҷ бўлган соҳалар – мадраса, масжид, хонақоҳ, қориҳоналарга вакф пуллари ажратиб турганлар. Натижада вакф мулклари фаолияти бирмунча яхшиланган. Хусусан, асосан вакфлар эвазига фаолият юритувчи

маддасалар фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз берган ва таълим сифити бўйича Ўрта Осиёда етакчи мавқелардан бири эгалланган. Бу эса маданий-маънавий ҳаёт ривожида муҳим роль ўйнаган.

8. XVIII аср охирларига қадар Кўқон хонлиги бозорларида асосан Бухоро хонлиги тангалари муомалада бўлган бўлса, Норбўтабий давридан бошлаб мамлакат ўз пулита – мис тангаларига эга бўлган. Норбўтабийдан сўнг таҳтга чикқан Кўқон ҳукмдорлари орасида эски пулларни йиғиштириб олиш ва ўз номидан янги танга пуллар зарб эттириш анъянага айланган. Натижада, Олимхон мис ва кумуш, Умархон, Муҳаммадалихон ва Худоёрхон мис, кумуш ва олтин тангалар зарб эттирганлар. Улар зарб эттирган тангалар вазни ва қиймати турли хил бўлган. Шунингдек, Кўқон тангалари билан бир қаторда Ўрта Осиё бозорларида Бухоро, Хива, Россия, Қашқар пуллари ҳам муомалада бўлган. Бу эса ўз навбатида мамлакатда ўзига хос пултовар тизими шаклланишига олиб келган.

9. XIX аср 60-йилларида Кўқон хонлигининг Туркистон, Чимкент, Тошкент, Хўжанд ва бошқа иқтисодий марказлари Россия империяси таркибига киритилиши натижасида мамлакатнинг иқтисодий аҳволи оғирлашган ва савдо соликларидан тушадиган даромад ҳам кескин камайган. Хонлик савдогарларининг имкониятлари ҳам чекланиб қолган. Мамлакат сиёсий ҳаёти каби, савдо муносабатларига ҳам Россия империяси ўз тазиикини ўтказа бошлаган. Шунингдек, кўплаб Шарқ мамлакатлари ва баъзи Европа мамлакатларининг Кўқон хонлиги билан савдо алоқалари ўрнатишга бўлган интилишларига қарамасдан, икки минтақа ўртасида савдо алоқалари олиб бориладиган тўғридан-тўғри савдо йўлларининг мавжуд эмаслиги, хавфсизликнинг таъминланмаганлиги ва Россия давлатининг ўз манфаатлари йўлида Ўрта Осиё – Европа иқтисодий алоқаларига сунъий тўсиклар қўйиши оқибатида Кўқон хонлиги ташқи савдо муносабатлари таназзули тезлашган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

